

А. КОДИРОВ

ИҚТИСОДИЁТ
НАЗАРИЯСИ

ТОШКЕНТ — 2002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А. ҚОДИРОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ТОШКЕНТ — 2002

А. Қодиров. «Иқтисодиёт назарияси». Уқув қўлланмаси. Тошкент давлат техника университети, Тошкент, 2002.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган «Иқтисодиёт назарияси» фани ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган. Бу ўқув қўлланма иқтисодий ривожланишнинг умумий асослари, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт ва жаҳон ҳужалиги бўлимларидан ташкил топган. Уқув қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юрти бакалавр талабалари, ўқитувчилари, бизнес ва тадбиркорлик курси тинловчилари ва иқтисодиёт назариясини ўрганишга қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми қарорига мувофиқ олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тақризчилар:

ТМИИ н. ф. д., проф. **НАБИЕВ Э. Г.**,
ЎзбМУ н. ф. н., доц. **УМАРОВ К. Ю.**,
ЎзбМУ н. ф. н. **ТУРДИЕВ С.**

1957

© Тошкент давлат техника университети, 2002.

Муҳаррир *М. Ҳасанова*

Тершга берилди 27.11.2001 йил. Босишга рухсат этилди 4.01.2002 йил.
Қоғоз бичими 60×84¹/₁₆. Босмаҳона қоғози. Адабий гарнитур. Юқори босма.
Нашр тобоғи 11,8. Шартли босма тобоғи 12,75. 3000 нусха. Бузуртама 62.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университети,
700095, Тошкент, Университет кўчаси, 2.

ЎЗР ФА «Фан нашриёти» босмаҳонаси,
700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев шох кўчаси, 79.

muhojuz mas'umiyat
К И Р И Ш *so'zida (18.11.21)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Фидокор» газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда:

«Бугун биз янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак»¹,— деган эди.

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозорни бошқариш механизмларини такомиллашиб бориши талаблардан ва умуман иқтисодиёт билан қизиқувчилардан давр талаби асосида иқтисодий билимларини оширишни талаб этади. Республикада иқтисодий билимларни ўрганиш учун жуда катта эътибор берилмоқда.

Ишлаб чиқаришни режали ва самарадор олиб боришда етук юқори иқтисодий билимларга эга бўлган мутахасссларни ўрни катта. Иқтисодий билимларни асосини иқтисодиёт назарияси ташкил этади.

Ушбу қўлланмада «Иқтисодиёт назарияси» фани сиёсий мафкурадан ҳоли ҳолда баён қилинган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни мамлакатимизни бозор механизмларини шакллантириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга бағишланган асарларидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, қўлланмада иқтисодий таълимотнинг шаклланиши, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш жараёни, мулкчилик шакллари ва хўжалик юритиш, товар — пул муносабатларини ривожланиши, бозор иқтисодиётини моҳияти унинг инфратузилмаси, талаб ва

¹ Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман». «Фидокор» газетаси. 2000 й. 8 июн.

таклиф қонуни, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти-нинг шаклланиш назарияси, тадбиркорлик капитали ва унинг ай-ланиши, ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг моҳияти ва классификацияси, рақобат ва монополия, бозор иқтисодиётида аграр муносабатлар, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўр-ни ва иқтисодий вазифалари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг дав-рийлиги, ишсизлик ва инфляция, иқтисодий ўсish назарияси, пул — кредит тизими, молия муносабатлари, макроиқтисодий, микроиқтисодий кўрсаткичлар, макроиқтисодий мувозанат, дав-латнинг ижтимоий сиёсати, жаҳон хўжалиги ва унинг эволюция-си, халқаро савдо ва савдо сиёсати, халқаро валюта тизими ва валюта муносабатлари каби масалаларини ёритувчи мавзулар берилган. Шунингдек, ҳар қайси мавзуда Ўзбекистон иқтисоди тараққиётига оид статистик маълумотлардан кенг фойдаланил-ган ҳолда баён қилинган.

І Б У Л И М

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу. ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯСИ ФАНИ ВУЖУДГА
КЕЛИШИНИНГ АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ

1. Иқтисодиёт назарияси ва унинг предмети

~ Иқтисодиёт фани энг қадимий фанлардан бири бўлиб, у инсоннинг кишилиқ жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Қадимги дунё олимлари Ксенофонт, Платон, Арасту иқтисодий тушунчаларни ўрганганлар ва улар ўртасида боғлиқлик борлигини исботлаб берганлар. Шу билан бирга, қадимги Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон олимлари ҳам иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар. Марказий Осиё олимлардан Ал-Фаробий (870—950), Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райҳон Беруний (973—1048), Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий (1441—1501), Абдурахмон Жомий (1414—1492), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1501) ва бошқалар иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Ал-Фаробий жамиятни шаклланишининг асосий сабаби инсонларнинг моддий талабидир, деган назарияни асослаб берган бўлса, Абу Али ибн Сино иқтисодий тафаккурда оила, шаҳар, давлат даражасида ҳаражат ва даромад баланслари устида фикр юритиб, улар ўртасида албатта тўғри нисбат бўлиши зарурлигини асослаб берган.

Ҳаражат қисмидан илм-фан тараққиётига, эҳтиёткорлик, табиий-офат, уруш ҳаражатларни қоплаш фондларини шакллантириш зарурлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини қолдирган.

Ал-Фаробий моддий неъматларни ҳар бир инсоннинг аҳволи ва ишлаб чиқаришда қатнашганлик даражасига қараб адолатли тақсимлашни ёқлаб чиққан.

Абу Райҳон Беруний ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнат турларининг ўрнини тадқиқ этган. Олтин ва кумушни умумий эквивалент сифатида шаклланиш қонуниятларини илмий асослаган. Абу Райҳон Беруний, Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино жамиятни шаклланишида иқтисодий омилларни ўрни тўғрисида таълимотни ривожлантирган. XI асрнинг буюк даҳоси Юсуф

Хос Ҳожиб ўзининг (1069 й.) «Билим бахт беради» деган асарида меҳнатнинг моҳиятини, меҳнат тақсмотини, унинг хусусиятини ва моддий манфаатдорликни, пулнинг вазифаларини таҳлил қилган. XIV асрда Амир Темур ва темурийлар даврида барча фанлар, хусусан иқтисодий тафаккур ҳам тараққий этган. Бу жараён, аввало, олим, адиб, давлат арбоби Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Алишер Навоий қомусий олим, давлат арбоби бўлган. У ўзининг «Вақфия» ва «Муншаот» асарларида жамиятнинг социал-иқтисодий тузилиши устида фикр юритади. «Жамият бойлиги манбаи меҳнат» деб ҳисоблаган, солиқларга ортиқча аҳамият беришга қарши чиққан, савдонинг ривожланиши, давлат молияси ва баҳоларни тартибга солиш тарафдори бўлган. Давлат арбоби сифатида Алишер Навоий меҳнатнинг ҳар бир турини келтирган фойдаси билан боғлаб иш ҳақини тартибга солиш сиёсатини олиб борган. У иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай зиддиятини ҳукумдорлик қилаёткан ҳукмдорнинг адолатли сиёсат олиб бориши билан ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаган.

→ Иқтисодиёт фани мустақил илмий фан сифатида XVII—XVIII асрларда шаклланган. Ишлаб чиқариш тараққиёти, унинг кўламларининг ўсиши, хўжалик юритувчилари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг вужудга келиши кенг иқтисодий билимга эга бўлишни тақазо этган. XVI—XVII асрларда капитализм куртаклари пайдо бўла бошлаган даврда асосан савдо кенг ривожланган. Ана шу даврда иқтисодий билимларнинг ривожлантиришдаги биринчи назарий мактаб бўлмиш «меркантилизм» вужудга келган. Унинг намояндлари Фаранг А. Монкретьен, англиз У. Стаффорд ва бошқалар. Уларнинг илмий изланишларининг асосини муомала соҳасидаги, савдо капитали ташкил этган. Антуан де Монкретьен 1615 йилда ўзининг «Сиёсий иқтисоднинг трактати» асарида фаннинг номини «Иқтисоддан» «Сиёсий иқтисод»га ўзгартирган. Бунинг маъноси юнон тилида «давлатни бошқариш санъати» деган маънони билдиради. У давлат хўжалик ишларига аралашини керак, деб ҳисоблаган. Меркантилистлар, миллатлар худди савдогарлар сингари фойда олиш учун бир-бирлари билан рақобат қилишлари керак деб ҳисоблаганлар. Улар бойлик манбаини муомала соҳасида, савдода кўрганлар. XVIII асрда француз файласуфлари ва иқтисодчиларидан бир гуруҳининг таклифига кўра жамият бизнес ва саноатни қўлаб қувватлашдан воз кечиб, уларга эътибор бермасликни таклиф этдилар. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш қонуниятларини ўрганмиш иқтисодий назарияни ўрганиш объектига айланган даврдан бошлаб ҳақиқий илмий тавсифга эга бўлди. Улар физиократлар эдилар. Физиократ (юнонча сўздан олинган бўлиб «табиат

ҳукмронлиги» маъносини англатади). Биринчи бўлиб, хусусан Ф. Кэне (1694—1774), А. Тюрго (1727—1781) ва У. Петти (1623—1687) каби иқтисодчи олимлар бойлик манбаи ишлаб чиқариш деб ҳисоблаганлар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа табиий ресурслар бойлигининг ҳақиқий манбаи деб ҳисоблар эдилар. Физиократлар иқтисодий тизим элементларини, яъни товар, пул, иш ҳақи, фойда ва такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш асосида, иқтисодий тараққиёт қонунларини ўрганишга интилганлар. Жумладан, Ф. Кэне биринчи марта такрор ишлаб чиқариш схемасини яратган. Унинг схемасидан АҚШ иқтисодчиси Нобель мукофоти совриндори А. Леонтъев ўзининг яратган тармоқлараро балансида фойдаланган. Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш иқтисодий назарияни ўрганиш объектига айланган даврдан бошлаб, у илмий характерга эга бўлган. Бу давр саноат тўнта-риши даври эди. Иқтисодиёт назариясини ривожлантиришга маълум ҳисса қўшган мактаб — бу классик сиёсий иқтисоддир. Бу мактаб намобдалари А. Смит (1723—1790), Д. Рикардо (1772—1823) бўлиб, улар биринчи мартаба меҳнат қиймат назарияси-га асос солганлар, товарлар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат сарфлари билан ўлчанишини асослаб бер-дилар. А. Смит, Д. Рикардолар тармоқ хусусиятларини ҳи-собга олмаган ҳолда ишлаб чиқариш ва моддий бойликни тақ-симлаш қонуниятларини ўргандилар. Уларнинг илмий тадқиқот-лари кўпроқ товар, пул, иш ҳақи, фойда каби категорияларнинг моҳиятини очишга қаратилган эди. Биринчи мартаба улар иж-тимоий хўжалик тараққиётида бозорнинг ўрнини белгилаб бер-дилар.

А. Смит образли қилиб «Ҳамма иқтисодий агентларнинг ҳа-ракатини «кўзга кўринмас қўл» бошқариб туради» деб таъкид-лайди. Унинг фикрича, ҳар бир бозор муносабатларини муста-қил иш тутиб ўз манфаатини рўёбга чиқара бориб, пировард натижада «кўзга кўринмас қўл» воситасида ўзи кўзламаган ҳол-да мақсад сари йўналтиради. У ўз манфаатларини кўзлаб кў-пинча Ҷамият манфаатларига ўзи онгли тарзда интилганига нис-батан анча кўпроқ самарали тарзда хизмат қилади»¹. XIX аср-нинг иккинчи ярмида буржуа сиёсий иқтисодига қарама-қарши пролетар иқтисодий назарияси яратилди. Унинг асосини қўшимча қиймат ҳақидаги таълимот ташкил этган. Натижада иқтисодиёт назарияси икки, маржинализм ва марксистик тармоққа ажра-либ кетди.

XIX—XX асрларда маржинализм тармоғидаги иқтисодий фанда бир қатор мактаблар шаклланган бўлиб, уларнинг баъзи-

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М., 1962, 332 бет.

лари ҳозирда ҳам тан олинган. Хусусан австрия мактаби намоёндалари, К. Менгер (1888—1926), Е. Бем-Баверклар (1851—1914) неъматларнинг нафиллик чегараси назарияси билан танилганлар. Мазкур назарияга мувофиқ неъматларнинг қиймати унинг чегараланлиги ва ноёблиги билан аниқланади.

АҚШ иқтисодчиси Дж. Кларк (1847—1938) ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлигини камайиши ва унумдорлик чегараси назариясини яратди. Бу назарияга асосан ҳар қандай ишлаб чиқариш омиллари унумдорлик чегараларига эга эканлиги ва бу унумдорлик камайиб бориши асослаб берилган.

Шу даврда иқтисод фанида инглиз А. Маршалл (1842—1924) томонидан асос солинган кембридж мактабини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. У қиймат, чегаравий фойдалилик ва нафиллик чегараси унумдорлик чегараси назарияларини яратишга ҳаракат қилди. Бунинг натижасида эса талаб ва таклиф назарияси яратилди.

А. Маршалл «Ишлаб чиқариш харажатлари ва пировард фойдалилик шубҳасиз битта умумий бўлган талаб ва таклиф қонуни таркибий қисмларидир»¹,— деган фикрни билдиради.

XX асрнинг 30-йилларида иқтисодий тафаккур ўзининг ривожланишида янги босқичга ўтди. Унга инглиз иқтисодчиси И. Кейнс (1883—1946) асос солди. У тартибга солинувчи капитализм назариясини асослаб берди. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча модели Р. Харрод, А. Хансен ва П. Самуэльсон (1915) томонидан ривожлантирилди.

П. Самуэльсон томонидан яратилган неоклассик синтез назарияси моҳияти шундан иборатки, иқтисодий тараққиёт ҳолатига қараб, ё давлат томонидан ёки кейнс назарияларига асосланган ҳолда бозор механизмлари орқали иқтисодиёт бошқарилиши керак. Д. Гэлбрейд ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг йирик намоёндаларидан бири ҳисобланади. У фақат иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий масалаларини сезиларли даражада тараққий эттирибгина қолмасдан, балки инсоният ривожланишининг улкан муаммолари масаласида ҳам аҳамиятга молик фикрларни илгари сурди.

2. Иқтисодиёт назарияси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодий фан тарихи билан қисқача танишгандан сўнг, унинг предметига таъриф бериш мумкин. Лекин қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак.

¹ Маршалл А. Принципы политической экономии. Т. 3. М., 1984, 226 б.

Биринчидан, иқтисодиёт-жамият ҳаётини зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминловчи хўжалик тармоқларининг йиғиндисидир.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожлантирилиши инсонларнинг эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Биз биламизки, эҳтиёжларнинг қондирилиши янада юқорироқ эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Учинчидан, жамият ҳаётида асосий соҳа иқтисодий соҳадир, чунки унинг ривожланиш даражаси инсон ҳаётининг бошқа соҳаларини мавжуд бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт назариянинг куртаклари қадимги даврлардаёқ шаклланган. Қадимги даврлардаёқ буюк файласуф олимлар бойлик манбаини таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар. Аристотель бойлик манбаини хўжалик юритиш санъати деб билган. Меркантилистлар эса бойлик манбаи савдо деб тушунганлар. Физиократлар эса бойлик манбаини табиат билан боғлаганлар. Капитализм ривожланиши билан иқтисодиёт назарияси фани фан сифатида шаклланди.

Классик иқтисод мактаби вакиллари эса бойлик манбаини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмолда деб билганлар.

Айрим иқтисодчилар нуқтан назаридан сиёсий, иқтисод инсонлар ўртасидаги жамиятни ривожланишини ҳар хил bosқичларда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларидан таркиб топадиган инсонлар ўртасидаги муносабатларини ўрганади деб таъкидлайдилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши даврида МДҲ давлатлари иқтисодчи олимларининг бу фан предмети берган таърифлари ҳам диққатга сазовордир. Масалан, «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида бу фан предмети рационал хўжалик юритиш тизимининг таркибий эволюциясини, ҳақиқий бойликни ва жамиятнинг айрим аъзолари ва гуруҳларининг фаровонлиги, иқтисодий ўсишнинг омиллари ва қонуниятларини ўрганади¹ деб кўрсатилган, ёки бу фан «предмети чекланган ресурслар дунёсида неъматларни ишлаб чиқаришдаги кишиларнинг хулқ-атвори ва уни бошқаришни ўрганади»² дейилган.

Экономикс дарслигида, биринчидан, чекланган ресурслар дунёсида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида инсонларнинг хатти ҳа-

¹ Экономическая теория. Санкт-Петербург, 1997. 18 б.

² Общая экономическая теория (Политэкономия). Учебник «Промо—Медиа». М., 1995. 28 б.

ракатлари ўзини тутиши тадқиқ этилади. Иккинчидан, инсоннинг моддий эҳтиёжларни юқори даражада қондириш мақсадида чегараланган ресурслардан самарали фойдаланишни ўрганади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фанга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Иқтисодиёт назарияси инсонни чексиз эҳтиёжларини юқори даражада қондириш учун, чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини таилаш шартлида кишилик жамиятининг ривожланиш қонуи ва қонуниятларини ўрганади. Шунингдек, иқтисодиёт назарияси иқтисодий тизимларни эволюцияси, миллий бойлик ва жамият фаровонлигини ошириш манбалари ва ҳаракатга келтирувчи кучларни таҳлил этишни ҳам ўз ичига олади. Иқтисодиёт назарияси фани барча иқтисодий фанларнинг пойдевори ва давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт назариясининг ривожланиш интеграция ва дифференциация йўли билан амалга ошган. Иқтисодиёт назариясининг ривожланиши натижасида тармоқ иқтисоди фанлари ажралиб чиққан.

Иқтисодни таҳлил қилишнинг даражасига қараб иқтисодий фанлар тармоқ (саноат иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, савдо ва транспорт иқтисодиёти ва ҳ. к.) махсус иқтисодий фанлар молня, статистика, меҳнат иқтисодиёти ҳамда минтақавий, жаҳон иқтисоди) иқтисодий фанларга ажратилади.

Фанларни амалиётида қўлланишига қараб фундаментал ва амалий иқтисодиётга ажратадилар. Статистика фанининг вужудга келишида ҳам иқтисодиёт назариясининг аҳамиятини айтиб ўтиш мумкин. Ҳозирги вақтда фундаментал тадқиқотларни олиб боришда иқтисодий-математик усулларни қўллашнинг роли ошиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Иқтисодиёт назариясининг ривожланиб бориши давлатнинг иқтисодий сиёсатга таъсирини айтиб ўтиш билан бирга, мамлакатда олиб борилаётган сиёсат, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг ҳам иқтисодиёт назариясининг ривожланишига таъсирини таъкидлаш зарур.

Иқтисодиёт назарияси фанининг энг муҳим хусусиятларидан бири «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш» деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов¹.

Иқтисодиёт назарияси фанининг қуйидаги вазифалари бор:
— билиш вазифаси — иқтисодиёт назарияси рақам ва далил-

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., «Ўзбекистон». 1999. 187 бет.

ларни келтириш билан чегараланиб қолмай, уларни назарий ва илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради;

— **ғоявий вазифа** — омманинг илмий дунёқарашини, илғор иқтисодий ва сиёсий онгини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиёт назариясининг ғоявий вазифаси ёрдамида жамиятдаги иллатлар танқид қилинади, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлиб турувчи камчиликлар очиб ташланади. Ғоявий вазифа ёрдамида жамиятдаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари назарий жиҳатдан асослаб берилади;

— **амалий вазифалар** — иқтисодий назария хўжалик юришнинг энг қулай қондалари ва услубларини ишлаб чиқиш, давлатнинг иқтисодий сиёсатини илмий асослаб беришдир;

— **тарбиявий вазифаси** — ҳар хил ишлаб чиқариш усулларининг ютуқ ва камчиликларини аниқлашдан иборат.

— **методологик вазифаси** — бошқа конкрет фанлар учун манба бўлиб ҳисобланади. Буларга тармоқлар иқтисоди: саноат иқтисоди, қурилиш иқтисоди (фанлари ва махсус иқтисодий фанлар) (меҳнат иқтисоди, молия статистика ва бошқалар) киради.

Ўзбекистон Республикасида кўп партиявийлик, кўп фикрлик шароитида вужудга келаётган ғоявий қарашлар бир мақсадга хизмат қилиши керак. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси президенти «турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт»¹, — деб таъкидлади!

3. Иқтисодий тадқиқотларни олиб бориш усуллари

Иқтисодиёт назариясининг тадқиқот услублари мажмун деганда илмий билишни ташкил этиш қондалари, шакллари ва услублари тушунилади. Иқтисодчилар барча табий ва ижтимоий фанларга хос бўлган тадқиқот усулларини қўллайдилар. Аммо бу усулларни қай даражада қўллаш фанга, унинг мавзусига боғлиқ бўлади. Ҳаётни илмий билиш деганда ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш усулларидан фойдаланган ҳолда жараёнларни чуқур ўрганишни, уларни ўзаро боғлиқлигини очиб беришни ва иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар ва уларнинг сабабларини аниқлаб беришни тушунамиз.

Шу билан бирга, агар тадқиқотчи чуқур илмий билимга эга бўлишни ҳоҳласа, унда диалектик услубга асосланиш зарур. Ма-

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон». 2000 й. 20 бет.

терналистик диалектика услуби, унинг амалий қондаси ҳаётни объектив диалектикасининг ривожланишини акс эттириш бўлиб, у миқдор ўзгаришини жамлаб бориш, сифат ўзгаришларига олиб келадиган иқтисодий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни ўзаро бир-бирига боғлиқликда, узлуксиз ривожланишда ўрганиш-ни талаб этади.

Илмий билишнинг қуйидаги услублари бор:

— **абстракция усули**, у қўпинча сохта тасаввур бериб юзага чиқувчи иқтисодий ҳодисалар туб моҳияти ва йўналишини очиш учун турли-туман мураккаб ҳодисалар орасидан энг асосийснни соф ҳолда ажратиб олиб, илмий текширишни қийинлаштирувчи ҳодисаларни йўқ деб фараз қилишдир;

— **дедуктив усул** гипотезани (фараз ёки таҳлил) илгари сўриш, кейин уни фактлар билан солиштиришдир;

— **индуктив усул** биринчи фактларни таҳлил этиш ва ундан сўнг, унга асосланиб гипотезани илгари суришни назарда тутати;

— **тарихий ва мантиқий усул** иқтисодий ҳодисаларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ўзгариши асосида текширишни назарда тутати;

— **анализ ва синтез усули** бутунни таркибий қисмларга фикран ёки амалий жиҳатдан ажратиш ва қисмлардан бутунни бирлаштириш тушунлади;

— **математик ва статистик усул** ундан фойдаланиш иқтисодий ҳодисаларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришларини кўриш ва сифат ўзгаришларига айланиб ўтishiми имконини беради.

Ана шу усуллар фақат иқтисодий жараёнларни тушунтиришдагина эмас, шу билан бирга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Иқтисодий қонунлар ва категориялар

Ҳар бир фан ўз предметини категориялар ёрдамида текширгани каби иқтисодиёт назарияси ҳам ўз категорияларига эга.

Иқтисодий категориялар — жамиятнинг иқтисодий ҳаёт шароитини умумлаштириб акс эттирувчи мантиқий тушунчалар бўлиб, улар реал иқтисодий воқеликнинг инъикоси, ифодасидир. Категориялар илмий фикрлаш маҳсули бўлиб ҳаётда учрайдиган тушунчалардан фарқ қилади.

Категорияларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:


— **умумиқтисодий категориялар** — иқтисодий ҳаётнинг ҳамма босқичларига хос бўлган тушунчалар. Масалан, ишлаб чиқариш, эҳтиёж, мулк, иш вақти;

— **формацион махсус категориялар** — иқтисодий тараққиётнинг муайян тарихий босқичига хос бўлган ўткинчи муносабат-

Кишиларнинг корхона ва давлат эҳтиёжларининг чексиз эканлиги, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида амалга оширилади.

Кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш жараёнида даромадларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Даромадларига мос келадиган моддий неъматларни харид қилганда танлашга ҳаракат қиладилар. Бунда ҳолат давлат ва корхона миқёсида ҳам амалга ошади.

Эҳтиёжларни, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида тўлиқ қондириш мумкин эмас. Лекин иқтисоднинг пировард мақсади кишилар эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Бундай ҳолда иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Иқтисодий ресурслар — бу табиат, меҳнат, инсон томонидан яратилган неъматлар ишлаб чиқариш воситалари бўлиб, улардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни амалга оширишда фойдаланилади, (1-чизма)



1-чизма. Иқтисодий ресурслар ва унинг тузилиши.

2. Иқтисодий фаолиятнинг мазмуни ва турлари

Кишилар ўзаро доимо иқтисодий фаолиятга киришадилар. Бу фаолиятнинг ўрганиш осон бўлиши учун уни тўрт турга ажратдилар:

- ишлаб чиқариш;
- тақсимлаш;
- айирбошлаш;
- истеъмол соҳасидаги фаолиятлар.

«Ишлаб чиқариш» деганда моддий неъматлар тайёрлаш жараёни тушунилади. Иқтисодда ишлаб чиқариш кенг маънога эга. Кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият ишлаб чи-

қариш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга моддий неъматлар яратилиши билан бирга хизмат кўрсатиш ҳам кирди. Кишилар фаолият кўрсатадиган чакана савдо, банклар, сугурта, бухгалтерия, юриспруденция, таълим ва соғлиқни сақлашдаги кишиларнинг меҳнати ҳам унумли меҳнатдир. Ҳозирги даврда завод, шахта, электростанциядаги ишлаб чиқариш фаолиятини хизмат кўрсатиш соҳасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Умуман ишлаб чиқариш — бу ишлаб чиқаришни унинг ўзига хос социал шаклларига боғлиқ бўлмаган асосий умумий белгиларнинг йиғиндисидан иборат илмий абстракциядир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг тараққиёти инсоният маданиятини олға қараб ривожланишининг моддий асосидир. Ишлаб чиқариш бир йўла бўладиган ҳаракат эмас, ишлаб чиқариш узлуксиз жараёндир. Доимо такрорланиб ва тикланиб турадиган бу жараён **такрор ишлаб чиқариш дейилади.**

Такрор ишлаб чиқариш икки турга бўлинади: оддий такрор ишлаб чиқариш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш. Оддий такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш ҳажмини бир миқдорда такрорланишига айтилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш жараёнини доимий равишда ўсиб боришига айтилади. Бозор иқтисодиёти шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг манбаи бўлиб, корхоналарнинг соф даромадлари, олинган кредитлар ва амортизация маблағлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида товарлар ҳажми ҳамда унинг қиймати ҳам ошиб боради. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан жамият ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширади, муаммоларни ҳал қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида моддий неъматларнинг яратилиши, номоддий соҳаларнинг ҳам ривожланишига таъсир ўтказади. Ўзаро иқтисодиёти ривожланган давлатларда моддий соҳанинг улуши камайди ва номоддий улуши ошиб боради.

Тақсимлаш — бу ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келтирилган моддий бойликлар жамият аъзоларини ижтимоий меҳнат фаолиятларида қатнашиш даражаларига қараб ўз ҳиссаларига яраша иш ҳақи кўринишидаги неъматларга эга бўлишдир.

Айирбошлаш — жамият аъзоларининг ижтимоий-социал раванқлари учун турли хил моддий бойликлар зарур бўлади. Шунинг учун ҳам улар орасида айирбошлаш жараёни амалга ошади. Айирбошлаш ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлаб туради.

Истеъмол — жамият аъзолари ишлаб чиқариш жараёнида доимий такрорий равишда қатнашишлари учун ўзларининг физиологик меҳнат қилиш қобилиятларини тиклаш учун яратилган моддий бойликларнинг истеъмол қилинишидир.

3. Ишлаб чиқариш омиллари

Жамиятнинг тараққиёти ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёни инсонларнинг меҳнат қилиши жараёни билан боғлиқ бўлиб, ўз эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун меҳнат қиладилар. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар меҳнатлари орқали яшаш ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий неъматларни яратибгина қолмай, улар онгли равишда меҳнат қиладилар ва ўз малакаларини донмий равишда ошириб борадилар. Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий омиллари қуйидагилар:

Инсон омили — бу ишчи кучининг ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш қобилиятини ўзида ифодалашига айтилади. Яъни меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган инсонгина ишчи кучи қобилиятига эга бўлади. Инсон — ишчи кучи меҳнат қилиш жараёнида фақатгина табиатнинг ўзгаришига таъсир этиши билан бирга ўзининг билим донраларини ҳам кенгайтириб борадилар.

Охириги беш йилдан ортиқ давр мобайнида меҳнатга яроқли аҳоли сонининг умумий аҳоли сонига салмоғи 1,6 фойзга ошиб, бугунги кунда 51 фойз атрофидадир. 1994 йилда иш билан банд бўлганлар салмоғи 76,4 фойзни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб 72,5 фойзгача камайган. Лекин охириги тўрт йил ичида иш билан банд бўлганлар сони 4,1 фойзга ошган¹.

Меҳнат омиллари деб инсон ўз таъсирини ўтказадиган табиат бойликларига айтилади. Меҳнат омиллари хом-ашё ҳолатида ва тайёр маҳсулот кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, ғишт ишлаб чиқариш саноати учун тунроқ хом-ашё сифатида фойдаланилади. У ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ғишт, товар бўлиб истеъмолчи қурувчилар учун хом-ашё бўлиб ҳисобланади.

Фан ва техника тараққиёти янги меҳнат омилларини ишлаб чиқаришга олиб келсада табиий, меҳнат омиллари асосий омил сифатида ўз мавқени ҳеч қачон йўқотмайди. Буюк иқтисодчи олим у. Петти «Меҳнат бойлигининг отаси ва фаол принциpidир, ер эса унинг опаси»² деган ибораси ўз қийматини шу кунда ҳам тўла сақлаб қолган.

Меҳнат қуроллари деб инсонларни табиат бойликларига таъсир ўтказа оладиган барча воситаларига айтилади. Меҳнат қуроллари турли кўринишларда ифодаланади. Масалан, станок, машина, асбоб-ускуналар турли узаткич механизмлар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда турли ахборот воситалари, алоқа каналлари, рекламаларини ҳам меҳнат қуролларига киритиш мумкин. Чунки

¹ Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Январ—март 1999. 78 бет.

² Экономические и статистические работы. М., 1990. 55 бет.

1957

улар орқали хом-ашё ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни, тезлатиш мумкин.

Меҳнат қуроллари (MQ) ва меҳнат омиллари (MO) йиғиндисига ишлаб чиқариш омиллари ёки ишлаб чиқариш воситалари деб айтилади ва формулада қуйидагича ифодаланади:

$$IV = MQ + MO$$

Бундан шундай хулоса қиламиз. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарур. Инсон — ишчи кучи ишлаб чиқариш воситаларига таъсир этгандагина ишлаб чиқариш жараёни амалга ошади ва ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш жараёнининг моддий омиллини ташкил этади. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бу омил фан ва техника тараққиёти таъсирида доимий равишда такомиллашиб боради.

Бу омиллар ичида инсон омилли энг асосий омил ҳисобланади. Бу омилсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсон омилдан биз доимо оқилона, эҳтиёткорлик билан фойдаланишимиз керак. Инсон омиллига бўлган талаб ишлаб чиқариш жараёнини ҳажмига ва унда қўлланишга ётган технологияларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш технологияларини ўзгариши, яъни такомиллашиб бориши инсон омилли — ишчи кучига бўлган талабни белгилайди.

Ишлаб чиқариш жараёни икки турга бўлинади: моддий ишлаб чиқариш жараёни ва номоддий ишлаб чиқариш жараёни. Моддий ишлаб чиқариш жараёни жамият тараққиёти учун зарур бўлган хом-ашё ва нарсалар ишлаб чиқарувчи тармоқлар: саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалиги, маиший хизмат ва бошқа тармоқлардан ташкил топади. Номоддий ишлаб чиқариш номоддий неъматлар, яъни маънавий қадриятлар, номоддий хизматлар кўрсатиладиган: соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқа шунга ўхшаш тармоқлардан ташкил топади.

4. Вақтни тежаш қонуни. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар

Ишлаб чиқариш жараёнида моддий неъматлар ҳажмининг тўхтовсиз ошиб боришини айтиб ўтганимиздек кишилар эҳтиёжининг чексизлиги тақозо қилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўлларида бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги белгиланган вақт бирлигида яратилган маҳсулот миқдори билан ифодаланса, кенг маънода меҳнат унумдорлиги вақтни тежаш қонуни билан ўлчанади. Вақтни тежаш қонуни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим асосий ва ички

учун бўлган харажатларни топиб қуйидаги формулада ифодалаш мумкин.

$$ЯММ = Ш_x + И_x + Я_n + Д_x + С_n$$

ЯММ — ялпи миллий маҳсулот;

$Ш_x$ — шахсий истеъмол харажатлари;

$И_x$ — ишлаб чиқариш харажатлари;

$Я_n$ — корхоналар ялпи инвестициялари билан боғлиқ бўлган харажатлар;

$Д_x$ — давлат томонидан товарлар ва хизматлар харажатлари;

$С_n$ — соф экспорт харажатлари.

ЯИМга соф экспорт киради. ЯИМ билан ЯММ ўртасидаги фарқ унча катта эмас ЯММни макронқтисоднинг агрегатли кўрсаткичи дейилади. Чунки ЯММ таркибидан бошқа кўрсаткичларни келтириб чиқарилади. Улар қуйидаги кўринишга эга.

$$ЯММ - A = СММ$$

Бунда: ЯММ — ялпи миллий маҳсулот;

A — амортизация;

СММ — соф миллий маҳсулот.

СММ таркибида амортизация ажратмалари ҳисобига олинмайди. Амортизация ажратмалари асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш ва янгиларини сотиб олишга сарфланади.

Макронқтисодий кўрсаткичлардан яна бири **миллий даромад** ҳисобланади. Ҳил давомида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланилган ҳолда янгидан яратилган қийматга миллий даромад дейилади. Миллий даромад иш ҳақи, рента, фойда, фойзаларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Миллий даромад ҳам бир йил давомида янгидан яратилган хизматлар ва товарлар йиғиндисининг бозор баҳосидаги қийматдир. Миллий даромад қуйидагича ҳисобланади.

$$ЯММ - A - T = МД \text{ ёки } СММ - T = МД$$

Бунда: A — амортизация ажратмалари;

T — бизнесдан олишадиган эгри солиқ;

МД — жамғариш ва истеъмолга сарфлар.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини белгилайдиган макронқтисодий кўрсаткичлардан яна бири **шахсий даромад** ҳисобланади.

Миллий даромаддан социал суғурта, корпорацияларнинг солиқ ва фойдалари қайта тақсимланмаган фойда, ҳамда трансферт туловлари чегириб ташланганда, қолган қиймат шахсий даромадни ташкил этади.

Меҳнаткашлар шахсий даромаддан солиқларни тўлаганларидан сўнг қолган даромад уларнинг шахсий эҳтиётига сарфланади.

Бир йил ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот вақт, меҳнат сарфларига қараб зарурий ва қўшимча маҳсулотга бўлинади. Нима учун ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот икки қисмга бўлинади. Унинг асосий сабаби иш вақти, иш кунин икки қисмга бўлинади. Ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат ҳам зарурий ва қўшимча меҳнатга бўлинади. Зарурий иш вақтида ишлаб чиқарилган зарурий маҳсулотни ишчи сарф этган зарурий меҳнати эвазига иш ҳақи кўринишида умумий эквивалент пул формасида, иш ҳақи тарзида олади. Қўшимча иш вақтида яратилган қўшимча маҳсулот асосан меҳнат ходимларнинг моддий рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва эҳтиёткорлик фондларини ташкил этишга сарфланади. Зарурий ва қўшимча маҳсулотни кўпайиши ишлаб чиқарилаётган ижтимоий маҳсулотни ва уни ишлаб чиқариш учун сарф этилган ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

7. Ўзбекистонда иқтисодий ресурслар имкониятларини умумий баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари

Иқтисодий ресурслар юқорида айтиб ўтилганидек, кам ва чегаралангандир. Демак ишлаб чиқаришнинг ҳам чегараси бор. Дунёда энг бой бўлган давлат Америка Қўшма Штатларида аҳоли жон бошига ўртача 19755 долл. (1988 й.) ялпи ички маҳсулот тўғри келган.

Давлатнинг иқтисодий қудрати ва унинг техникавий тараққиётини иқтисодий ресурсларга ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Иқтисодий ресурсларга: молнавий, моддий, меҳнат ресурслари ҳамда тадбиркорлик фаолияти кирadi. Моддий ресурслар мамлакатда мавжуд бўлган табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, айниқса Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодига қўшилган даврда муҳим аҳамият касб этади.

Охириги 10 йил ичида катта конлар фондининг камайиши натижасида уларни қидириш, айниқса қайта ишлаш самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал қилиш талаб қилинмоқда. Ўзбекистон фахрланса, арзийдиган табиий ресурсларига эга. Мамлакатимизда Менделеев даврий системасида мавжуд бўлган элементларнинг деярли ҳаммаси бор. Шу кунда 2,7 минг қазилма бойликларининг манбаи топилган. Ўзбекистонда мавжуд бўлган маъдан хом ашёларнинг қиймати 3,3 триллион АҚШ доллариди баҳоланган. Ҳар йили республикада 5,5 млрд. доллар атрофида ер ости бойликлари қазиб олинмоқда. Республика олтин захира-

лари бўйича дунё бўйича 4 ўрнида, уран бўйича 7—8 ўрinni эгаллайди.

Ўзбекистон катта миқдорда ёқилги энергетика ресурсларига эга. Ўзбекистон Республикасининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири ернинг унумдорлик даражаси юқори экаплагидир.

«Бу ўз навбатида, бой табиий заҳираларимиз, минерал ҳам ашё, меҳнат ресурсларидан, интеллектуал ҳамда илмий техникавий салоҳиятларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақозо этади»¹.

Ресурслардан самарали фойдаланиш кам ҳаражат қилиб кўп маҳсулот олиш билангина ифодаланмайди. Ресурслардан самарали фойдаланишга: чиқитсиз технологияни жорий қилиш, химоя ишшоотларини яратилиши (қишлоқ хўжалигида) чиқитларини йиғиш ва қайта ишлаш кабилар кирати.

Ҳисоб-китобларга қараганда, иккиламчи алюминий қайта қўйилганда, бирламчи ҳосил қилинганга нисбатан 95% кам энергия сарфланган. Темирларга қайта ишлов бериш натижасида олинган тайёр маҳсулотларга 75% кам энергия сарфланган. Қоғозга қайта ишлов бериш натижасида ҳар бир тоннасига 250 киловатт-соат энергия кам сарфланган. Демак, ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида кишиларнинг моддий эҳтиёжлари билан маънавий эҳтиёжлари ҳам қондирилади. Яъни кишилар на фақат ёйиш, ичиш, кийинишга балки озода яшашга, соф ҳаводан нафас олишга, жамиятда ўзларини қўлай ва эркин тутушга ҳам эҳтиёж сезадилар. Демак, кишиларнинг бундай эҳтиёжлари самарадорлик ва унинг кўрсаткичлари юқори бўлгандагина нормал ҳолда қондирилади.

3-мавзу. МУЛКЧИЛИК ВА ХҲЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИ

1. Мулк муносабатларининг моҳияти

Иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг турлари ва шакллари таснифланади. Унинг иккита асосий тури мавжуд бўлиб, унга хусусий ва ижтимоий турлари кирати. Буларнинг доирасида мулкчиликнинг бир-бирларидан фарқ қилувчи турли-туман шакллари мавжуд бўлади. Ҳуқуқий маънода ёндошганда, мулкчилик ўзида мулкка эгаллик муносабатларини ифодалайди. Ҳокимиятнинг моҳияти ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб чиқаришнинг натижасига бўлган мулкчилик муносабатида мужассамланади. Мулкчилик му-

¹ Каримов И. А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясидан маъруза. 2000 йил, 22 январь. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт — пировард мақсадимиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 23 бет.

носабати жамиятнинг асосий негизи бўлиб, ҳар бир мамлакат ўз ҳудудида мулкчилик тўғрисидаги ҳуқуқий қонулар мажмуини ишлаб чиқаришга асосий эътиборини қаратади. Мулкчилик ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимотини, айирбошланиши даражасини, ҳамда истеъмол қилиниш шаклларини белгилайди. Ижтимоий мулкчилик эгалик шаклларига қараб, жамият қай тартибда ва кимни манфаати учун хизмат қилишини аниқлаш мумкин. Мулкчилик муносабатлари жамиятнинг асосий негизидир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат мулкчилик тўғрисида юридик ҳуқуққа эга бўлган қонулар ишлаб чиқади ва бу қонуларга шу давлатнинг фуқаролари бўйсунадилар. Шунга мувофиқ ҳар бир шахс қонун орқали ўзига тегишли бўлган мулккагина эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тақсимлаш ҳуқуқини олади. Иқтисодий жиҳатдан ёндошганда, мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган, кишилар ўртасидаги мураккаб ҳўжалик муносабатларини акс эттиради. Мулкчилик муносабатлари моддий неъматларни ўзлаштириш, улардан ҳўжалик юритишда фойдаланиш ва уларни сотиш каби соҳаларни қамраб олади.

2. Мулк муносабатларининг юридик ва иқтисодий мазмуни

Мулкчилик юридик маънода мулкка, эгаллик муносабатини ифода этади. Шунинг учун, моддий бойлиқнинг турли субъектлар, яъни алоҳида кишилар, ижтимоий гуруҳлар ва давлат ўртасида қандай тақсимлаш, ўзлаштиришнинг ҳуқуқий меъёрлари аниқланади ва белгилаб қўйилади. Шунга мувофиқ мулк эгасига қонунда белгиланган буюмгина, тегишли бўлган мулкка эгаллик қилиш фойдаланиш ва тақсимлаш ваколатини, ҳуқуқини олади. Давлат мавжуд мулкчилик муносабатларини мустаҳкамлайди ва ҳимоя қилади.

Мулкчилик иқтисодий маънода ишлаб чиқаришда, мавжуд бўлган кишилар ўртасидаги мураккаб ҳўжалик муносабатларини ифода этади. Ҳар қандай моддий неъмат ишлаб чиқариш кишиларнинг ўз манфаатлари учун табиат буюмлари ва энергияни ўзлаштиришдан иборатдир.

Лекин ижтимоий муносабатларда табиат ва инсонлар томонидан яратилган бойлик кимга тегишлилигига кўра белгиланган миқдордан ортинини ўзлаштириш мумкин эмас. Шунинг учун мулкчилик муносабати моддий неъматларни ўзлаштириш, улардан ҳўжаликда фойдаланиш ва иқтисодий жиҳатдан реализация қилиш соҳаларини қамраб олган. Буни кенгроқ кўриб чиқадиган

бўлсак, ўзлаштириш буюмларга ўзиникидек муносабатда бўлиш-ликни белгиловчи кишилар ўртасидаги иқтисодий ишлаб чиқариш воситаси эгаси айрим ҳолларда яратувчилик фаолияти билан шуғулланмайди. Бунда мулкдор ва тадбиркор ўртасида мулкдан хўжаликда фойдаланиш муносабатлари юзага келади. Мулк эгасига даромад келтиригандагина, иқтисодий реализация қилинади. Бунда даромад ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишдан олинган, яратилган қийматнинг ҳаммаси ёки бир қисмдан иборат бўлиб, фойда, солиқ ёки тўловлар шаклида ифодаланади. Масалан, ижарага берилганда, ижара ҳақи белгиланади. Ижара ҳақи ижарага олиб, фойдаланишни натижасида олган даромадининг бир қисmini ижара ҳақи сифатида мулкдорга тўлаган ҳақга айтилади. Контракт тузилаётганда, аввалдан, вақтинчалик хўжайинга тўлаши керак бўлган, тўлов ёки олинadиган улуш белгилаб қўйилади. Кўришиб турибдики, мулкчилик муносабати бутун хўжалик жараёнининг фаолиятини, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашинув ва истеъмол соҳаларини қамраб олган.

3. Мулк турлари ва хўжалик юритиш шакллари

Мулк сўзининг моҳиятини таҳлил этишга, яна мурожаат қилadиган бўлсак, аввало, унинг объекти ўзининг шаклланишига кўра икки турга бўлинади:

1. Инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар.

2. Жамиятда мавжуд бўлган моддий бойликлар (ер ости бойликлари ва ҳ. к.) ва маънавий бойликлар (шахснинг ўзидан олдинги авлодларидан мерос тариқасида қолдирилган илмлар, маънавият ва тажрибалар, қўникмаларга) бўлинади.

Иқтисодий назарияси тарихида мулкчиликнинг 3 тури мавжуд деб келинган ва улар тавсифлаб берилган. Мулкчиликнинг мазкур 3 та тури иқтисодий адабиётларда кенг тушултирилган ва изоҳлаб берилган. Шунга қарамай, мулкчилик муносабатлари юзасидан таҳлилларнинг тез-тез ўзгариб ва янги мулкчилик шаклларининг вужудга келиб тургани биле уларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда иқтисодий адабиётларда мулкчиликнинг қуйидаги турлари мавжуд деб қаралмоқда. Умумий мулк, аралаш мулк, хусусий, шахсий мулк, давлат мулки, жамоа мулки, ширкат мулки, маҳалла мулки, мерос мулк ва ҳоказолар. Баъзи бир иқтисодий адабиётларда давлат мулки, жамоа мулки, ширкат мулки, мерос мулк ва ҳоказоларни умумий мулкнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилсалар, хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида уларни алоҳида мулк тури сифатида тасвирлайдилар.

Мулкчилик муносабатлари бутун иқтисодий тизимнинг моҳиятини очиб беради, ўзаро манфаатлари ва истеъмолад муносабатларининг бир йўналишда умумлаштирган ҳолда намойиш қилади. Унинг ижтимоий ва маънавий қадриятларини белгилаб беради. Мулкчиликнинг назарий ва амалий муаммоларининг ечимини топиш, жамият тараққиётининг моҳиятини тушуниш ва идрок этиш, йўналишларини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Халқ хўжалигининг турли соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқаришнинг умумлашув даражаси турлича бўлади. Меҳнат унумдорлиги, техникавий жиҳозланганлик, ишлаб чиқариш кучларининг малака даражасидаги фарқлар, турли хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мулкчилик муносабатларини мураккаблаштириб юбормоқда.

Қисқа давр 1997 йил 1 январдан 1999 йил 1 январгача юридик шахсларнинг мулкчилик шакллари таркибида жиддий ўзгариш бўлди. Шу давр ичида хусусий корхоналар 44,1 фонздан 45,1 фонзга, жамоа корхоналари 37,0 фонздан 40,3 фонзга кўпайган бўлса, қўшма корхоналар 2,0 фонздан 1,9 фонзга камайган. Турли йўналишдаги корхоналар 1,3 фонздан 1,5 фонзга кўпайган. Ёки шу давр ичида корхоналарнинг умумий сони 185 мингдан 188,1 мингга кўпайган¹.

Хусусий мулк. Айрим кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб чиқариш натижаларига эгаллигини асос этиради. Унинг икки тури мавжуд бўлади: алоҳида хусусий мулк ва гуруҳий мулк. Бирламчи ҳолда мулкка яқка киши эгаллик қилади. Иккинчи ҳолда эса хусусий мулк эгалари гуруҳ тарзида фаолият юритадилар, даромад яқка шахс ёки гуруҳ томонидан ўзлаштирилади. Хусусий мулк турли йўللар, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш орқали мустақил хўжаликни барпо этиш давлат, корхона ёки дўконини сотиб олиш орқали хусусий корхоналар ташкил этиш асосида вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунинда мамлакатимизда қуйидаги: фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулклари, коллектив (фирма) мулки, оила ва маҳалла мулки, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси, жамоаларнинг жамоа ташкилотлари, диний уюшмалар, бирлашмаларнинг мулклари, турли хўжаликлар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкларидан иборат бўлган давлат мулки каби мулк шакллари бўлиши кўрсатиб ўтилган.

¹ Иқтисодий йўналишлар. Чораклик нашр. Ўзбекистон, январ—март 1999. Тошкент, 29 бет.

Умумий мулк. Жамоа тарзида уюшган барча шахсларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб чиқариш натижаларига тенг муносабатда бўлиши биргаликда эгаллик қилишини билдиради. Умумий мулкнинг давлат мулки, жамоа мулки, ширкат мулки, маҳалла мулки каби турлари мавжуд бўлади.

Аралаш мулк. У давлат мулки, жамоа мулки, маҳалла мулки кабиларнинг бирлашуви, умумлашиб кетишини ўзида ифода этади, кўп ҳолларда қўшма корхоналар, ажнабий ташкилотлар ва фуқаролар ё хорижий давлатнинг, хорижий юридик шахсларнинг улуши ҳисобидан ташкил этилган мулк сифатида мавжуд бўлади. Ўзбекистон Республикасида мулкнинг барча шакллари тенгдир. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг бирдан-бир шаклига имтиёз берилмайди. Бозор муносабатларини фаоллиги бозор муносабатлари қарор тонинининг бирламчи асоси ҳисобланади.

Давлат мулки — бу давлат ихтиёридаги турли кўринишдаги мулк бўлиб, давлат томонидан тўлиқ эгаллик қилинади ва фойдаланилади. Давлат мулки асосан икки усул билан шаклланади. Биринчи ҳусусий мулкларни миллийлаштириш йўли билан, иккинчи усул давлат маблағлари ҳисобига шаклланади. Давлат мулкига ер ости, ер усти табиий бойликлар, йирик-йирик давлат миқёсида иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, машина — транспорт тизимлари, темир йўллар, маъмурий, оммавий социал — маданий бинолар, тиббий касалхоналар, социал — муассасалар бинолари ва бошқалар ташкил этади.

Жамоа мулки. Мулкчилик тўғрисида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларда ишлаб чиқариш воситаларига жамоавий тарзда эгаллик қилишнинг асосий белгиси ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳ томонидан тасаруф этилишиндан иборатдир. Жамоат ширкат ҳам мулкнинг бир кўринишидир. Собىқ социалистик мамлакатлар ва улардаги мавжуд маъмурий-бўйруқбозлик тизми даврида жамоа мулки шакли биргина колхозлар кўринишида мавжуд бўлган, ammo давлатнинг аралашуви колхозларни ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқининг таъминланмаганлиги сабабли у кенг ривожлана олмади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда худди ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлардагидек, турли кўринишдаги жамоа мулклари мавжуд.

Ширкат мулки ишлаб чиқариш ёки бошқа бир иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўзларининг маблағлари ва меҳнатларини бирлаштирган шахслар, яъни жамоа аъзоларининг умумий мулкидир. Ширкат мулки — ўзининг устав фондига, манзилига, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган уюшманиннг ишлаб чиқариш фаолиятини юритиши учун зарур ҳисобланган мулки сифатида намоён бўлади.

Ширкат ўзининг низомида таъсис шартномасида қайд этилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ускуналар, асбоб-анжомларга эга бўлади. Булар ширкат мулки ҳисобланади. Ширкат мулкида кимнинг қанча улуши бўлиши, олинган фойданинг қай тарзда тақсимланиши, мулкнинг қандай бошқарилиши ёки кимларга ижарага берилиши таъсис шартномасида ақс этади. Ҳозирги пайтда фаолият турига кўра ширкат мулкнинг 3 тури кўпроқ қўлланилмоқда — ишлаб чиқариш, матлубот ва қишлоқ хўжалиги жамоа ширкатлари, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (матлубот) ширкатлари бир-биридан фарқ қилиб, ўзларининг алоҳида хусусиятларига эгадирлар.

Кооператив мулк — ишлаб чиқариш ёки бошқа бирон фаолиятни амалга ошириш учун ўзларининг маблағлари ва омонатларини бирлаштирган аъзоларининг умумий мулкидир. Кооператив мулк ўзларининг хўжалик мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклардан иборат. Ўзбекистон Республикасида мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлидир.

4. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммолари

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифаси мулкний муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкний ҳақиқий эгалари қўлга беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳисобини тарбиялашдан иборат.

Хусусийлаштириш соҳасида мулкдорга дуч келадиган муаммоларни ечиш, унга кенг йўл очиб бериш, кўплаб мулк эгаларини ҳуқуқий тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, тадбиркорликнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш керак.

Хусусийлаштиришнинг ўзидан ҳам, унинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, меҳнат маҳсулоти сифатини яхшилаш ва кўпайтиришдан манфаатдорликни ошириш, аҳоли эҳтиёжини қондиришда рақобат муҳитини вужудга келтириш яқка ҳокимликни йўқ қилиш ва шу орқали эркин иқтисод пайдо бўлишига имкон яратиш муҳим ва қимматлироқдир. Хусусийлаштириш билан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш синоним тушунчалар ҳисобланади, лекин уларнинг моҳияти ҳар хил.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш деганда, давлатнинг мулкка эгаллик қилишини йўқотиш тушунилса, хусусийлаштириш деганда, мулкни турли-туман мулк эгаларига топшириш, сотиш,

текинга бериш тушунилади. Хусусийлаштириш жараёни 2 босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич. 1992—1993 йилда амалга оширилди. Бу вақтда деярли барча уй-жойлар хусусийлаштирилди, қишлоқ хўжалигида ҳар бир хонадонга ер ажратилди. Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноатдаги кичик ва ўрта корхоналар сотилди, ҳиссадорларга бўлиб берилди.

Иккинчи босқич. 1994—1995 йилда амалга оширилди. Бу босқичда минглаб йирик ва ўрта корхоналар акционерларнинг мулкига айланди. Шу даврларда кичик бизнеснинг сони 70 мингга етди. Шу босқичда республикада биржалар, коммерция банклари суғурта компаниялари, инвестиция фондлари фаолият кўрсата бошлади.

«Ҳозирги даврда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига иқтисодийнинг негизини белгилайдиган тармоқларга қарашли ўрта ва йирик корхоналар ҳам жалб қилинди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан 1999 йили тушган маблағ 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1998 йили эса бу кўрсаткич 8 миллиард 800 миллион сўм бўлган эди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида тушган маблағнинг 550 миллион сўмни корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадлари учун йўналтирилди. Давлат мулки бўлган 97 та ишшоот, жумладан, мулкни мажмуалар шаклидаги 27 та объект хорижий инвесторларга сотилди. Уларга хорижий инвесторлар 16 миллион АҚШ доллари тўладилар. Бу — 1998 йилдагига қараганда, 7,5 барабар кўп демакдир»¹.

Биз шу нарсани аниқ равишан англаб олишимиз керакки, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодий нелоҳот натижаси бўлмай, унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишнинг энг муҳим йўллариандир. Мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши, уларни ишлаб чиқаришнинг, бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-ҳаражат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арзон нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Мулк тур-

¹ Президент Н. А. Каримовнинг 1999 йилдаги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларга бағишланган ЎзР вазирлар маҳкамаси мажлисидаги «Иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз» маърузаси. «Ўзбекистон овози», 15.02.2000 й.

ларига қараб, айрим давлатлар иқтисодий ресурслардан қандай фойдаланишни ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб ҳал қилиш жамият иқтисодий тизимининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Иқтисодий тизим — жамият олдида турувчи иқтисодий муаммоларни ҳал этиш усуллари, механизмлари ва воситалари йиғиндисидир. Инсоният жамияти вужудга келганидан бошлаб иқтисодий тизимнинг тўрт хил вужудга келади ва шу кунда ҳам амал қилиб келмоқда. Иқтисодий тизимнинг энг оддий тури анъанавий иқтисодий тизим ҳисобланади. Бундай тизим суёт ривожланган кўпгина мамлакатларда мавжуд. Бундай жамиятларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар одатда ўнларча ва юзларча йиллар мобайнида ўзгармай қолади. Хуллас анъанавий иқтисодиётда ишлаб чиқариш фоят секин ўзгарадиган урф-одатлар билан белгиланади. Анъанавий ишлаб чиқариш оддий такрор ишлаб чиқаришга мос тушади.

Иқтисодий тизимлардан яна бири **маъмурий буйруқбозлик тизими** бўлиб, унга Собиқ Иттифоқдаги, ҳамда социалистик тизимда бўлган давлатларни киритиш мумкин. Аммо давлат социалистик тузум ҳисоблансада, унинг иқтисодиёти аралаш иқтисод ҳисобланади. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг асосий хусусиятлари мулкнинг умумий экинлиги ва ишлаб чиқариш натижаси бўлган моддий неъматларнинг марказдан туриб тақсимланиши, хўжалик бўғинларида иқтисодий мустақилликнинг мавжуд эмаслигидир.

Аралаш иқтисодий тизимда давлатнинг иқтисодга аралашуви инкор этилмайди. Бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда аксарият иқтисодий ечимларни бозор белгиласа-да, уларда давлатнинг роли тобора ошиб бормоқда. Бозор билан давлат иштирокининг қўшилувчи асосида Америка иқтисодий тизими ва бошқа кўпгина демократик мамлакатлар тизимини аралаш иқтисодиёт деб аташ имконини беради.

Бозор иқтисодиёти тизимида мулкнинг кўп қисмига майда мулк эгалари эгаллик қилади. Мулк шакли ривожланган сари соф бозор иқтисодиётидан аралаш иқтисодий тизимга ўтилади. Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиёти тизими ҳар хил моделларнинг кўринишини ўзида ифодалайди. Бу моделлар ҳар бир давлат иқтисодиётининг хусусиятларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу моделлар давлатларнинг номлари билан аталади: Жанубий Корея, Олмония, Туркия, Америка, Япония, Швейцария, Ўзбек модели ва ҳоказолар.

Туркия модели иқтисодиётининг ривожланишида майда ва ўрта бизнеснинг ривожланишига, Америкада эркин тадбиркорлиги ва меҳнат унумдорлиги, Японияда оммавий олий маълумотни оширишига, Ўзбек моделида аҳолини социал ҳимоялашга ургу

берилиши ва ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлар билан фарқланади.

1999 йилдан 2000 йилгача мулкчилик шакллари (илова — расм 1) фойдаларда қуйидаги кўринишда ўзгарган.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши мулкчилик шакллари билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоғи бўлиб хизмат қилади» деган эди¹.

Республикада давлат мулкни унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат белгилаган дастур асосида амалга оширилмоқда.

Давлат дастури асосида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республикада пулли ва пулсиз хусусийлаштирилмаган мулкда фуқаролар ўз улушларини олишларини таъминлаш, шу жараёни боришида фуқаролар ҳуқуқларини тенглигини таъминлаш ва давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини асосида, монополияга қарши қонунлар талаблари асосида амалга оширилмоқда.

4-мавзу. ТОВАР ВА ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Товар ишлаб чиқариш. Товар ва унинг хоссалари

Бу мавзунинг ўрганишини аввало товар-пул муносабатлари нималигини билиб олишдан бошлаш лозим. Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.

«Бозор» — бу товар — пул муносабатлари амалга ошадиган айирбошлаш эканлиги сабабли, у товар ишлаб чиқариш ва муомаласи ривож топгандагина амал қилади. Бу бир-бирига боғлиқ жараён ҳисобланади.

Хўш, товар ишлаб чиқариш қачон вужудга келган? Қишлоқ жамиятининг ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган. Иқтисодий тизимнинг турли шакллари ва моделлари мавжуд бўлишига қарамасдан, узоқ тарихий давр мобайнида хўжалик юртишнинг умумий шакли — натурал ва товар хўжалиги сақланиб қолмоқда.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995, 43 бет.

Натурал ишлаб чиқариш тарихан ривожланаётган жамоа тугумида мавжуд бўлган, аммо у ҳозирда ҳам примитив турдаги анъанавий иқтисодий тизимларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Натурал хўжаликда маҳсулотлар бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўзида, унинг ходимлари ва яратувчилари истеъмоли учун ишлаб чиқарилган. Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий муаммолари жуда содда йўсинда ҳал этилган. Нима яратиш, қандай яратиш ва маҳсулот кимга мўлжалланганлигини хўжалик ходимлари фақат хўжалик ичидаги истеъмолини ҳисобга олган ҳолда аниқлаганлар.

Натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган хўжаликлардан иборат бўлган. Бу эса, натурал ишлаб чиқаришга бириклик, чегараланганлилик хос эканлигини кўрсатади ва иқтисодий жараёнларни бир донрага қатъий қилиб қўйган, ташқи алоқаларга йўл очишга йўл бермаган. Натурал хўжаликда, хом ашёларни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган ишларни алоҳида хўжаликларнинг ўзи бажарган. Ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган. Бу эса натурал хўжаликка бир қанча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади.

Натурал ишлаб чиқаришда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариш ҳажми бир мунча мувофиқ келган; бу эса ўз навбатида уларни бир-бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган. Чунки, натурал хўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида иқтисодий алоқалар хос бўлган, улар «ишлаб чиқариш тақсимот — истеъмол» кетма-кетлиги бўйича рўй берган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши натижасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига мукамалроқ ишлаб чиқариш воситаларини қўллашга шароит яратадиган товар хўжалиги вужудга келган, унинг куртаклари ривожланаётган жамоа тизимини емирилиши даврида вужудга келган.

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан унинг ишлаб чиқариш жараёнида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов: «Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама — хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлаш, ...қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологик циклни тугалланганлиги даражасини ошириш, ...экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўллашни билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқарти-

ришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, ...иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиши, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш зарур»,— деган эди¹.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқариш деганда, маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди-сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак. Товар ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши тасодифий ҳол эмас, балки қонуний заруриятдир. Товар ишлаб чиқариш объектив тарзда икки асосга таянади, яъни уни икки зарурият юзага чиқаради:

1. Меҳнат тақсмоти — бунда меҳнат турлари ихтисослашади, илгари бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, кейинчалик маҳсулотнинг айрим турини ишлаб чиқаришга мослашади. Шундай шароитда эҳтиёжни қондириш учун ўз маҳсулотини айирбошлаш зарур бўлади. Айирбошлаш учун эса маҳсулот бозорга олиб чиқилади ва сотилади.

2. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир-бирдан алоҳидалашуви ва мустақил фаолият юритиши. Бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдор бўлиши зарур. Маҳсулотни ўз билганича тасарруф этиш уни эркин айирбошлаш ҳуқуқини беради, чунки ўзгани маҳсулотини айирбошлаш мумкин эмас.

Тарихдан ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шаклига асосланган товар ишлаб чиқариш хўжалигининг 3 хил кўриниши мавжуд:

а) оддий товар хўжалиги, бунда мулк эгаси (ҳунарманд, деҳқон) товар ишлаб чиқаришда, ўз меҳнатига асосланган бўлиб, оддий меҳнат қуролларида фойдаланади;

б) ёлланма меҳнатга асосланган товар хўжалиги; бунда ишлаб чиқаришга инсбатан мураккаб бўлган техника қўлланилади-ган ва одамнинг ишчи кучи сотилади;

в) аралаш ёки умумий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарилиши; иқтисодиётга товар ишлаб чиқарувчи бўлиб монополистик бирлашмалар, давлат корхоналари, ўрта ва майда хусусий корхоналар, майда ишлаб чиқарувчилар майдонга чиқадилар.

Демак, товар инсон меҳнати натижасида бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. Товар моддий шаклдаги маҳсулот бўлиши шарт эмас, хизматлар ҳам товар шаклига киради, яъни у инсоннинг маънавий, жисмоний ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

Товар икки хоссага эга:

а) истъмолад қийматга;

б) қийматга.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 53—54, 147, 187 бетлар.

Товарнинг истеъмол қиймати уни бирор-бир эҳтиёжини қондира олишидир. Нарсанing фойдалилиги уни истеъмол қиймати-га айлантиради ва унда фойдаланишда намоён бўлади. Товарнинг истеъмол қийматлари ҳар қандай жамият бойлигининг моддий мазмунини ташкил этади.

Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир; ammo товар бўлиши учун бозорда айирбошланиши зарур, яъни алмашув қиймати-га эга бўлиши керак. Товар қиймати товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнатдир. Товарлар қиймати товарлар айирбошланишида ифода этилади, товар қиймати нархнинг объектив асоси ҳисобланади. Қиймат миқдори айрим ишлаб чиқаришнинг индивидуал меҳнати билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфи, яъни товарнинг аксарият қисмини яратишга кетган, яъни ўргача меҳнат малакаси, меҳнат шиддати ва техника даражаси шароитида сарфланган ва эҳтиёжини қондирганлиги учун жамият томонидан эътироф қилган меҳнат белгилайди.

Товар истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, ammo бу бирлик зиддиятликдир. Бир вақтнинг ўзиде икки ёқлама шаклга, яъни ашёвий ва қиймат шаклига эга. (Товар ишлаб чиқарувчилар пулда қиймат сифатида, сотиб олувчилар қўлидалигида эса истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади.) Шунинг учун ҳам товар сотилмаси, у қиймат сифатида ҳам, истеъмол қиймати сифатида ҳам тап олинган бўлади. Ушбу зиддият товарларнинг кераклигича сифатли ва арзон ишлаб чиқарилиши орқали ечилади.

Товарнинг икки ҳолати бирлигига сабаб, унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характерга эга эканлигидадир. Ҳар бир алоҳида олинган товарда нафли меҳнат мужассамлашгандир. Масалан: костюмда — йигирувчилар, тикувчилар, тўқувчилар, нонда — нонвой, тракторчи, комбайнчи ва бошқалар. Агар ҳар бир аниқ истеъмол қийматида, масалан: костюмда маълум нафли аниқ меҳнат гавдаланса, унинг қийматида иш кучи сарфи сифатида умуман сарф қилинган инсон меҳнати гавдаланади. Аниқ меҳнат турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан: тикувчининг меҳнати нонвойнинг меҳнатидан фарқланади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса нон, инсон меҳнати-нинг умуман сарфланиши нуқтаи назаридан, яъни инсонни жисмоний маънавий нуқтаи-назаридан тикувчи ва нонвой меҳнати бир хилдир, яъни у абстракт меҳнатдир.

Демак, товарда гавдаланган меҳнат икки ёқлама характерга эга. Биринчиси аниқ меҳнат. Қапчалик у хилма-хил бўлса, шунчалик жамиятнинг бойлиги кўп бўлади. Иккинчиси, умуман инсоннинг меҳнати ва ақлий энергиясининг сарфи абстракт меҳнатдир. Аниқ меҳнат товарнинг истеъмол қийматини яратади. Шунингдек, ишлаб чиқарувчининг меҳнати-нинг икки ёқлама ха-

рактарга эга эканлиги товар хўжалигига хос бўлган асосий зиддият, яъни хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида зиддият билан шартлангандир. Бир тарафдан, товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати, унинг иқтисодий алоҳидалашганлиги сабабли, унинг шахсий иши ҳисобланади. Иккинчи тарафдан, ҳар бир алоҳида товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати у яратган товарга эҳтиёжи бўлган бошқа инсонлар учун керакли ҳисобланади ва шу нуқтан назардан у ижтимоий характерга эга ва товарнинг қийматини яратади. Товарнинг икки хоссаси ва унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характерини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



2. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари

Биз биламизки, соғлом пул тизимсиз иқтисод ривожлана олмайди. Шу боис қадим замонлардан бери пул, унинг моҳияти, вазифалари, қадр-қиймати муаммоларни инсоният эътиборини жалб этиб келган. Пулнинг кучли ёки кучсизлиги қисқа вақт мобайнида иқтисодийнинг тиклаши ва, аксинча, вайрон қилиши мумкин. Пул сиёсатини билмаслик, унинг позик қирраларини тушунмаслик эса ҳар қандай фаолиятнинг парокандалигига олиб келиши, похуш воқеаларни, келтириб чиқариши мумкин.

Пулнинг «кучини» билиш нафақат амалий фаолият учун, балки ижтимоий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам зарур, чунки улар ҳам истеъмолчи бўлиб, майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар. Умуман олганда, пул муносабатларига киришмай яшайдиган бирорта одам йўқ.

Демак, пул шундай кучга эга бўладикки, у ижтимоий қийматга эга ҳамма товарларни харид этиш воситаси бўлиб, хизмат қилади. Пул товар ишлаб чиқариши ва айирбошлаш жараёнида истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ифода этади. Шу сабабли товар — пул муносабатлари пайдо бўлади.

Моҳиятан пул ижтимоий меҳнат ва қийматни билдиради. Пул учун ижтимоий меҳнат қайси соҳада сарфланганлиги ва қиймат қаерда яратилганлиги фарқсиздир. Қимнинг пули бўлса, у ижтимоий меҳнатнинг тегинли қисмини ўзи истаган натурал (товар) шаклида ёки қиймат шаклида олиш ҳуқуқига эга бўлади. Пулнинг ҳамма нарсадан қудратлилиги ҳам шундан келиб чиққан.

Пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошланишнинг узоқ вақт ривожланиши натижасида вужудга келган. Биринчи, йирик меҳнат тақсимоти, яъни чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиши ва шу муносабат билан товар хўжалигининг ривожланиши туфайли маҳсулот қийматининг эквивалент ифодаси бўлган пулни келтириб чиқарди.

Пулнинг вужудга келиши жараёнини қийматнинг қўйидаги шакллари билан боғлаш мумкин:

1. Қиймат оддий ёки тасодифий шакли;
2. Қийматнинг тўла ёки кенгайган шакли;
3. Қийматнинг умумий (эквивалент) шакли;
4. Қийматнинг пул шакли.

Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли товар ишлаб чиқаришни дастлабки даврларига тўғри келган. Дастлабки товар пулсиз бир-бирига бевосита айирбошланган. Бу айирбошлаш тасодифий бўлса, кейинчалик муттасил такрорланиб турган. Айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган, лекин маҳсулотнинг ортиқча қисми пайдо бўлгач, улар тасодифий шаклда айирбошланган.

Тасодифий дейлишига сабаб, биринчидан, ишлаб чиқарувчилар айирбошлаш жараёнида тасодифан учрашиб қолгандагина юз берган. Иккинчидан, тасодифий алмашув жараёнида бу маҳсулот эгаси учун ҳеч қандай иқтисодий аҳамияти бўлмаган, тасодифий айирбошлаш жараёнида меҳнат маҳсулини фақат товарга айланганлигини ифодалайди. Айирбошлаш жараёнида истеъмолнинг тўловни қондириши биринчи даражали масала, товарлар қийматини таққослаш эса, иккинчи даражали масала сифатида қаралган.

Деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши натижасида муомалада товарларнинг хилма-хил турлари пайдо бўлади. Айирбошлаш донраси янада кенгайди. Товар айирбошлаш ривожланиши билан тасодифий алмашув қиймат шаклидан тўла ёки кенгайган алмашув қиймат шаклга ўтилган. Бундай айирбошлашда бир товарга қарама-қарши фақат битта товар эмас, балки кўп товарлар иштирок этади. Мисол учун, суданликларда тузга қўйидагича товарларни айирбошланган:

10 қоп туз = 10—15 бош қўй
20—30 бош эчки
2 бош буқа

Кенгайтирилган алмашув қиймат шаклида нисбий қийматда турган товарга (10 қоп тузга) бир неча товар айирбошланаяпти, яъни туз — эчки, қўй, 2 бош буқада ўз қийматини ифода этапти. Бунда ўз қийматини бошқа товарда ифода қиладиган туз нисбий

қиймат шаклида, қолганлари эса истеъмол қийматни ўзида ифода этувчи материал бўлиб хизмат қилади ва уларнинг қиймати эквивалент қиймат шаклида туради. Аммо, икки шаклдаги товарнинг истеъмол қиймати, уларнинг фойдалилиги турлича бўлади, ақс ҳолда улар айирбошланмайди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан айирбошланмайдиган товарлар сопи ҳам ортиб боради, айирбошландан мураккаб ҳолат вужудга келади. Бирор бир товар соҳибни ушбу товарни ўзининг истеъмолига зарур бўлган бошқа бир товарга айирбошлаши учун, у авваламбор ўзининг товарига эҳтиёжи бўлган бошқа бир истеъмолчини топмоғи керак бўлади.

Масалан: косиб этикни донга айирбошламоқчи бўлса, бугдой соҳибининг истеъмолини қондириш учун кетмон даркор бўлса, у ҳолда этикдўз этикни дастлаб кетмонга, сўнгра эса кетмонни бугдойга айирбошлаши лозим. Қийматнинг бундай шакли асосида товар айирбошлаш орқали ўсаётган эҳтиёжларни қондириб бўлмайди, бинобарин айирбошлаш мураккаблашиб, унинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Аста-секин товарлар орасидан ҳамма товарларга айирбошлана оладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган умумий эквивалент қийматига эга бўлган махсус товар ажралиб чиқади. Бу товар ҳар бир ҳудудда истеъмол учун зарур бўлган товар бўлиб ҳисобланган. Товарлар дунёсидан чиққан махсус товар қолган барча маҳсулот учун умумий эквивалентга айланади.

Алмашув қийматининг кенгайган эквивалент шакли вужудга келди. Энди улар ўз қийматини ягона шаклдаги товар қийматига ифода этади.

1 қоп бугдой =	
10 кг чой =	
40 кг қаҳва =	10 бош қўй
0,5 тонна темир =	
2 унция олтин =	

Бу ерда умумий эквивалент вазифасини товарлардан фақат бири, масалан 10 бош қўй бажарган. Энди барча товарларнинг қиймати бир товарда ифодаланади, бу товар ижтимоий манфаатнинг бевосита ифодаси сифатида юзага келади. Демак, умумий эквивалент «Т» товарни ҳамма маҳсулотларга айирбошлаш хусусияти вужудга келади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши, ҳудудлар, мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқнинг, товар айирбошлашнинг заруриятини юзага келтиради. Турли мамлакатларда турли товарлар умумий эквивалент

ҳисобланганлиги бу жараённинг тараққий этишига тўққинлик қилади.

Натижада бутун товарлар дуйёсидан шундай товар ажралиб чиқадикки, у барча ҳудуд ва мамлакатларда умумий эквивалент сифатида қўлланила бошлады. Бу вазифани қимматбаҳо металлар, аввал мис ва кумуш, кейинчалик эса олтин бажарадиган бўлди. Шундай қилиб, оддий товар кўринишидаги умумий эквивалент майдонга келди.

1 қоп буғдой =

10 та қўй =

10 кг чой =

40 кг қаҳва =

0,5 тонна темир =

2 унция олтин

Бунда олтин товар эмас пул кўринишини олади. Пул шаклидаги қиймат қуйидагилар билан фарқ қилади. Биринчидан, умумий эквивалентликни фақат битта товар танҳо бажаради. Иккинчидан, умумий эквивалентликни бажарувчи «Т» тор ички бозордан чиқиб, давлатлараро миқёсига тарқалади.

Пулниги иқтисоддаги ролини у бажарадиган вазифаларида кўриш мумкин. Улар қуйидагилар:

— **Қиймат ўлчови** — пул умумий эквивалент бўлиши товар экан, у ўз меҳнатини мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Пулда ифодаланган товар қиймати эса бу — нархдир. Товарнинг қанча турлини пул билан белгилаб, у 50 сўм, 10 доллар, 50 динар, 20 марка туради, деб айта-миз. Буюмларнинг оғирлиги, эни, бўйига қараб кг, метр билан ўлчангандай, уларнинг нархи пул билан ўлчанади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз ўлчами бор — бу унинг миллий пулидир. АҚШ-да доллар, Англияда фунт стерлинг, Туркияда лира, Германияда марка, Саудия Арабистонида риёл қабул қилинган ва ҳ. к.

— **Муомала воситаси ва айирбошлаш воситаси.** Пул олди-сотдида ишлатилади. Пул ёрдамида товарни харид этиш, пулга товар айирбошлаш ($P-T$) ёки товарни сотиш, пулга айирбошлаш ($T-P$) юз беради. Пул иштирок этганда, товар айирбошлаш товар муомаласи шаклини олади.

— **Жамғарма воситаси.** Бу пулниги жамланган бойлик шаклига кириб, ўз эгаси учун керак пайтида харид этиш воситаси бўлиб, хизмат қила олишидир. Пул — қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатини мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ёки уни жамлаб сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади.

— **Тўлов воситаси.** Насияга сотилган товарлар ва хизматлар ҳақи тўланганда, қарз қайтарилганда, пул тўлов воситаси вазифасини бажаради.

— Жаҳон пули. Дунё бозорига чиқилганда, қийматнинг байналминна ўлчовига, халқаро харид ва тўлов воситасига айланганда, бу вазифаларни жаҳон пули бажаради.

Ҳозирги пул назарияларида пулнинг тўлов функцияси муомала воситаси билан қўшиб юборилади, олтин қийматлар шаклидаги жаҳон пуллари, умуман олтин пуллар йўқолиб, жаҳон пуллари вазифаларини айрим қадрли валюталар бажарганда, пулнинг сўнгги вазифаси — тўлов воситаси ва жаҳон пуллари вазифаларини амалда йўқ деб қаралмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пулнинг уч моҳиятини айтиб ўтишимиз мумкин:

— Ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси.

— Бойлик тимсоли.

— Моҳиятини қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита.

Шундай қилиб, пул бозор иқтисодиётининг муҳим омилни ташкил қилади. Ҳозирги иқтисодий ҳаёт, хусусан, бозор иқтисодиёти пул билан тирк. Республикамиз сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришганидан сўнг, бир қатор муаммоларни ҳал қилиш керак эди. Шулардан бири, иқтисодий муомала воситаси бўлиши миллий валютани жорий этishi.

1992 йил ноябр ойидан бошлаб муомалага аввал сўм-купонлар киритиб, сўнг миллий валютага аста-секин, босқичма-босқич ўттириши амалга оширилди. Чунки:

1. Бозор тармоқлари, айниқса, пул-кредит муомаласи соҳасидаги муносабатлар ҳали мукамал эмас эди.

2. МДҲ доирасида ҳар хил валюталар муомалада бўлган бир пайтида пулнинг бу шароитга мослашиши ва унинг қийматини аниқлайдиган вазият вужудга келиши зарур эди.

3. Миллий пулга босқичма-босқич ўтиш ижтимоий талофатларни камайтиради.

1994 йил 1 июлдан бошлаб, миллий пулимиз сўм муомалага кириб келди. Энди у миллий валюта — ўзбек пули сифатида доллару, марка, фунт стерлинг, лира каби иқтисодий ҳаётга мустақил қадам қўйиши, улар билан тенглашиши ва дунёдаги қудратли валюталардан бирига айланиши лозим. Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 14 сессиясида сўзлаган нутқида бу хусусда шундай деган эди: «Сўмнинг белини бакуват қилиш учун, биринчи навбатда бозоримизни кенг истеъмол моллари билан тўлдириш, бунинг учун эса ҳамма имкониятларни ишга солиш керак. Бу молларни мамлакатнинг ўзига ишлаб чиқариши учун, зарур бўлса, иккинчи йилга барча имтиёزلарни берайлик, рағбатлантирувчи қонун ва фармонларни қабул қилайлик...»¹. Республикада иқтисодиётни мус-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 14-сессиясида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 1993 йил, 30 декабр.

таҳкамлаш ва сўм қадрини ошириш борасида катта ишлар олиб бориламоқда. Бозор иқтисодиёти шаронтида турли мулкка асосланган ишлаб чиқариш жараёнида товар — пул муносабатлари талаб ва таклиф, пул муомаласи, қиймат қонушларига асосланган ҳолда олиб борилади. Буларнинг ичида товар — пул муомаласини тўғри ташкил этишида қиймат қонуни асосий вазифани бажаради. Қиймат қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда, пул муомаласи қонуни асосида муомала учун зарур бўлган пул миқдори ажратилади. Шунинг учун бозор иқтисодиётининг асосий қонушларидан бири қиймат қонунини кўриб чиқамиз.

3. Қиймат қонуни

Жамият аъзоларининг маълум бир истеъмол талабларини ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш истеъмоли қондирадиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар маълум бир қийматга эга бўладилар. Уларнинг қиймати меҳнат билан ифодаланади. Меҳнат сарфлари жонли ва буюмлашган меҳнатга бўлинади. Жонли меҳнат инсон меҳнати ва унинг тадбиркорлик моҳирлигидир. Инсон қанчалик ишлаб чиқаришни моҳирлик билан олиб борса, у ишлаб чиқараётган маҳсулот — товар шунчалик кам харажатли бўлади. Буюмлашган меҳнат ишлаб чиқариш қурошларида ва хом ашёларда ифодаланади. Албатта, уларнинг қиймати қанчалик арзон бўлса ёки меҳнат унумдорлиги юқори бўлса буюмлашган меҳнат сарфи шунчалик кам бўлиши ва товар қиймати арзон бўлиши мумкин. Демак, товар қиймати ўлчови мезони меҳнат экан.

Қиймат — бу товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат сарфидир. Товар ишлаб чиқаришда сарф этилган меҳнат зарурий меҳнатга ва қўшимча меҳнатга бўлинади. Сабаби ишчининг иш вақти ҳам зарурий ва қўшимча иш вақтига бўлинади. Зарурий иш вақтида инсон ўз меҳнати билан ўзининг қийматини, яъни зарурий меҳнатга тенг бўлган қийматни яратади. Бу қиймат ишчи кучи қийматини ифода этади. Қўшимча иш вақтида эса қўшимча меҳнат сарфи билан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу маҳсулот қўшимча қиймат, соф фойда тариқасида иш бергувчи томонидан ўзлаштирилади. Аммо товар қиймати якка тартибда сарф қилинган меҳнат миқдори билан эмас, балки бир турдаги товарларни маълум миқдорини ишлаб чиқариш учун сарф этилган ижтимоий зарур меҳнат билан ўлчанади. Ижтимоий зарурий меҳнат билан товар қийматини белгиланиши ишлаб чиқариш жараёнини ўсишига маҳсулот таиннархисини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий зарурий меҳнат ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Лекин ҳар бир ишлаб чиқарувчинини маълум бир товар миқдорини ишлаб

чиқаришга сарф этган меҳнати якка тартибдаги сарф этилган зарурий иш вақтини ташкил этади. Фақатгина ижтимоий зарурий иш вақти товар қийматини белгилайди. Ижтимоий зарурий иш вақти жамият эҳтиёжини қондириш учун керак бўлган вақтдир. Шу сабабли бу вақтни англатувчи қийматни бозор тап олади.

Ижтимоий зарурий вақт — бу товарлар аксарият қисминини яратишга сарфланган вақт бўлиб:

- ўртача техника даражаси;
- ўртача меҳнат малакаси ва маҳорати;
- ўртача меҳнат шиддати (интенсивлиги) шароитидаги сарфни билдиради.

Қиймат миқдори меҳнат сарфининг кўпайиши ёки камайишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигига нисбатан тескари муносивдир. Унумдорлик ошса, қиймат камаяди ва аксинча. Чунки унумдорлик ошса, вақт бирлигида яратилган товарлар кўпаяди, бинобарин, ҳар бир товар камроқ сарфланган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигидан фарқлироқ меҳнат шиддати (интенсивлиги)нинг ортиши қийматини ҳам оширади, яъни унга нисбатан тўғри муносивликда ўзгаради. Агар меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот миқдорини билдирса, меҳнат интенсивлиги вақт бирлигида қанча меҳнат сарф бўлганини билдиради. Шу сабабдан меҳнат интенсивлигининг ортиши қийматни ҳам оширади, лекин товарлар сони кўпайгани билан товар бирлигига келган меҳнат сарфи ҳам камаяди.

Қиймат қонуни — товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив иқтисодий қонундир. Унга биноан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қиймат ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Қиймат қонуни бозор иқтисодиётига хос бўлган асосий иқтисодий қонунларидан биридир. Бозор иқтисодиётининг энг асосий талаби, ишлаб чиқаргандагина, яъни кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиргандагина, фойда кўриб ишлаши мумкин, акс ҳолда у синади. Қиймат қонуни учта муҳим вазифаларни бажаради: 1) ижтимоий меҳнатни ҳисобга олиш ва тартибга солиш; 2) вақтни тежашни рағбатлантириш; 3) товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида қиймат қонуни икки хил кўрinishида намоён бўлади:

а) товарларини қиймати ижтимоий зарурий иш вақти билан вужудга келади;

б) товарларини қиймати уларнинг нафлилигига қараб белгиланади.

Товарларнинг қийматини пасайтиришдан ишлаб чиқарувчи манфаатдор бўлса, маҳсулотнинг нафлиликдан истеъмолчи, харидор манфаатдор.

Бундай олиб, қаралса қиймат ва нафлилик назарияси бири-бири билан қарама-қаршидек туюлади. Лекин уларнинг иккиси ҳам товар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, баҳоларни шакллантиради, харажатларни камайитириш, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Чунончи қиймат қонуни тақлиф томонидан ўзига хос талабни аке эттириб, талаб қонун сифатида майдонга чиқади.

5-маву. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

1. Бозор иқтисоди назарияси ва унга ўтишнинг зарурлиги

Жамият ўз ривожланиш жараёнида бир неча хил ишлаб чиқариш усулларини босиб ўтди. Лекин бирортаси бозор иқтисодини чеклаб ўта олмади. Ҳозирги даврда бозор иқтисоди каби самарали усулнинг муқобил тури кашф этилган эмас. Бозор иқтисодининг моҳияти, вазифалари ҳақида иқтисодчилар кўплаб илмий асарлар яратганлар. Буюк инглиз иқтисодчи «Сиёсий иқтисод» фанининг «отаси» Адам Смитнинг «Табиатни ва аҳолининг бойлигини таҳлил қилиш» Л. Вальранснинг «Соф сиёсий иқтисоднинг элементлари» асарларида бозор иқтисодиётининг моҳиятини ва вазифаларини маълум даражада очиб берганлар. Адам Смит бозор иқтисодиётининг вужудга келиш сабабларидан бири субъектив омил деб ҳисоблайди. У бу омил кишиларнинг алмашинишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади, деб ҳисоблаган. Объектив сабаб эса ресурсларнинг чекланганлиги ва кишилар эҳтиёжнинг чексизлигидир деб ҳисоблаган.

Собиқ Иттифоқда узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқариш воқиталарининг ҳаракати моддий техника таъминоти шаклида юз бериб келди. Моддий техника таъминоти бу ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бири-бирига бириктириб қўйиш асосида ресурсларни марказлашган тартибда режали суратда тақсимлашдир. Бундай шаронгда эркин рақобат, ресурсларни тежаш учун ҳеч қандай шарт-шароит бўлмаган. Хўжаликларни рағбатлантириш сует бўлган. Боқимандлик кайфиятининг кучайиши натижасида хўжалик издан чиққан. Бундай ҳол эса, Собиқ Иттифоқ Республикаларидаги кишилар турмуш даражасининг, бозор иқтисоди шаронтида яшаётган давлатлардагига нисбатан анча орқанда қолишига сабаб бўлган.

Ривожланган мамлакатларда жон бошига яратилган миллий маҳсулот 1993 йили 20000—36400 долларга етгани ҳолда режали

иқтисодиёт Собиқ Социалистик мамлакатларда бу кўрсаткич 170—340 долларни ташкил этган. 1993 йил маълумотиغا кўра, айтилган кўрсаткич бўйича орқда қолмиш қуйидагича бўлган: Венгрия — 7 марта, Польша — 10 марта, Россия — 10 марта, Украина — 11,5 марта, Ўзбекистон — 29 марта, Хитой — 46 марта, Тожикистон — 38 марта, Вьетнам — 136 марта. Бозор иқтисодиётига ўтиш Ўзбекистон учун, ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни «Президентимиз И. А. Каримов ҳам ўзининг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида таъкидлаб ўтган: «Мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтишида, ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республиканинг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиши, унинг халқаро обрў-эътиборини мустақамлаш учун пухта моддий негиз яратади»,— деган эди¹.

Демак бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий зарурият туфайли муқаррар бўлиб қолган.

Бозор нима?— Бозор тушунчаси, жамиятнинг ривожланиши билан ҳар хил таърифланган. Дастлаб бозор деганда чакана савдо, амалга ошадиган жой тушунилган. Сўнгра бозор деганда, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни учраштирадиган жой тушувила бошланди. Ҳозирги кунда бозорни қуйидагича таърифлаш мумкин. **Бозор — товар ишлаб чиқариш ва муомала қонуни асосида ташкил этилган айирбошлашдир, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар—пул муносабатлари асосида амалга ошадиган мураккаб механизмдир.** Бозор иқтисодиётининг моҳиятини англаш учун унинг асосий белгиларини кўриб чиқамиз. Бозор иқтисодиётига эркинлик хос бўлиб, уни мулкчилик шакли таъминлайди. Бунда иқтисодиётда хусусий мулк, жамоалар мулки ва давлат мулки мавжуд бўлиб, у ёки бу мулкнинг монополияси бўлмайди.

Барча мулклар тенг, улар чекланмаган ҳолда ривожланади. Мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолият тури эркин амалга ошади, бир-бирлари билан олиб борадиган иқтисодий алоқалар ҳам эркин бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитидагина рақобат кураши амал қилади.

Бозор иқтисодиётида фақат рақобат эмас, манфаатлар уйғунлашган шароитда ҳамкорлик ҳам юз беради.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиш механизми бор, у иқтисодий қизиқишга кишиларни тўқ ва хотиржам яшаш, обрў-эътиборга эга бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш каби манфаат-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998. 73 бет.

ларини юзага чиқаришга асосланади. Бозор механизми иқтисодий рағбатлантириш механизmdir.

Бозор иқтисодиётига хос белгилардан яна бири эркин нархларнинг бўлиши ва ҳаминша нархни ҳисобга олиб, фойда зарарни назарда тутган ҳолда ишлашдир.

Бозор иқтисоди тақчилликсиз иқтисод ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти кишилар оладиган даромадни чеклаб қўймайди. Бозор жамият кишиларининг бойишига имконият яратади. Жамиятнинг нақадар бой бўлиши ҳар бир оила, ҳар бир кишининг нақадар бой ва фаровон яшашига боғлиқ. Бу қонданинг юзага чиқишига бозор механизми хизмат қилади, чунки у ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи куч ҳисобланади.

Бозор кишиларга гоёт фойдали бўлгани учун вужудга келган ва у узлуксиз ривожланиб боради. Бозор қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

— ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларини боғлаш вазифасини амалга оширади.

Масалан: қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган завод ўзининг маҳсулотларини деҳқон (фермер) ширкат хўжаликларига сотади. Ундан олган пулнинг бир қисмини яна ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайди. Худди шундай ҳолатни Собиқ Иттифоқ даврига мисол қилиб олсак, у қўйидаги кўринишга эга бўлган. Фараз қилайлик, қишлоқ хўжалик машиналар заводи 100 бирликда трактор ишлаб чиққан ва давлатга топширган. Давлат режада белгиланган нормативларда 100 та колхоз ва совхозда тақсимланган. Агарда 80-йилларда совхоз ва колхозларнинг 50% зарар кўриб ишлаганигини ҳисобга олсак, 100 бирликдаги тракторнинг фақатгина 50% га ҳақ тўланган. Бундай ҳол эса, хўжаликни издан чиқиб кетишига, тақчилликни вужудга келишига сабаб бўлган. Товар хўжалигининг оддий эквивалент алмашиш қонини бузулган ($100 \neq 50$).

Демак, бозор ишлаб чиқариш билан, истеъмолни боғлаш, кишиларга керакли товарларни етказиб бериш, орқали уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади:

— Бозор маҳсулотни товар шаклига айлантириш функциясини бажаради. Бозор автоматик равишда қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш кераклигини талаб ва тақлиф қонуни асосида белгилаб беради. Бозорда маҳсулотларнинг ўтмай қолиши, исроф бўлиши унинг товар сифатида жамият аъзолари томонидан тан олмаслигини ифодалайди.

— Бозор ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги техника технологияни ишлаб чиқаришга жалб этиш учун имконият яратиб беради.

— Бозор ёрдамида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ахборотга эга бўлинади.

2. Бозор ва унинг турлари

4

Ҳозирги даврдаги бозор мураккаб механизм ҳисобланади. Ҳар қандай тадбиркор бозорнинг турлари ҳақида билимга эга бўлиши керак. Бозордаги товарларнинг хилма-хиллиги, унинг мураккаб тузулишига эга эканлигини асослаб беради. Бозорда товарлар эмас, балки хизмат кўрсатишлар ҳам таклиф этилади. Бозорнинг турлари шартли равишда қуйидаги синфларга ажратилади. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

I. Географик жойлашишига қараб:

- маҳаллий бозор — шаҳар ёки қишлоқдаги бозорлар;
- миллий ёки ички бозор — бу маълум бир давлатнинг бозори ҳисобланади;
- минтақавий бозор — бу ҳар хил давлатлар бозори ва унинг бирлашмалари ҳисобланади.

Масалан: Европа иқтисодий ҳамкорлиги, Марказий Осиё минтақаси, Араб давлатлари бирлашмаси ва ҳ. к.

— жаҳон бозори ривожланган давлатлар иқтисодини қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, жаҳон бозорига ҳисса қўша бошлади.

1992 йилда Ўзбекистоннинг маҳсулотлари чет элларга 870 миллион АҚШ доллар миқдоридан экспорт қилинган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг салмоқли миқдори МДҲ давлатларга, қолган қисми эса Туркия, Бельгия, Англия, Франция, Голландия, Польша давлатларга тўғри келади.

II. Фаолият кўрсатиш, даражасига қараб:

— асосий бозор — бунда ишлаб чиқарилган товарларнинг асосий қисми сотилади;

- қўшимча бозор — маҳсулотларнинг бир қисми сотилади;
- самарасиз бозор — вақтинчалик билан фаолият кўрсатади;
- салоҳиятли бозор — маълум шаронтидагина ривожлана оладиган бозор;

— суст бозор — яшаши ёки яшамаслиги номаълум бозор. W

III. Маҳсулотларнинг турига қараб:

- улгуржи бозор;
- чакана бозор.

IV. Товарлар билан таъминлаш даражасига қараб:

- мувозанатли бозор;
- мувозанатсиз бозор;
- тақчил бозор.

V. Қонунга қараб:

- қонуний бозор;
- хуфий бозор.

VI. Рақобат курашига қараб:

- эркин рақобат бозори;
- монополистик бозор;
- олигополия бозори;
- соф монополия бозори.

VII. Тармоқ турига қараб:

- автомобиль бозори;
- компьютер бозори;
- самолёт бозори ва ҳоказо.

VIII. Мазмуни ва инлагилишига қараб:

— **истеъмолчилар бозори** — бундай бозорда ишлаб чиқариши ва шахсий истеъмолчилар учун саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу бозор талаб ва таклиф, қиймат қонунилари асосида фаоллият кўрсата бошлайди. Истеъмолчилар бозори асосида, биржа савдоси, бартер турлари вужудга келади. Истеъмолчилар бозорини ривожланиши учун Ўзбекистонда савдо ва умумий овқатланиш объектлари хусусийлаштирилди ва эркин баҳоларга ўтилди;

— **хизмат кўрсатиш бозори** — бу бозорнинг ривожланганлиги, аҳолининг моддий ваъжатлар билан яхши таъминланганлигини ифодалайди. Хизмат кўрсатиш бозори ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади: коммунал-муносивий хизмат кўрсатиш, туристик, транспорт воситалари билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, респекторлик хизмати, ахборот воситалари билан таъминлаш хизмати ва ҳ. к. Иқтисодиётнинг ривожланиши билан хизмат кўрсатишнинг янги шакллари вужудга келади;

— **уй-жой бозори** — бу бозор иқтисодиётнинг ўтмиш даврида вужудга келади. Маълумки, бозор иқтисодиётининг биринчи босқичида уй-жой хусусийлаштирилади. Уй-жой бозорининг ривожланиши иш кучи миграциясига таъсир этади. Ишчилар эркин равишида ўзларининг иш жойларини ўзгартириш имконига эга бўладилар;

— **иш кучи бозори (меҳнат бозори)**. Бозор иқтисодиёти шароитида аввалги дарсларда айтиб ўтганимиздек, иш кучи товар ҳисобланади. Демак, иш кучи ҳам сотилади. Бозор иқтисодиёти иш кучини ортиқча бўлишини тақозо этади;

— **инвестиция бозори** — молиявий бозорнинг ўзинга хос бир кўриниши ҳисобланади. Молиявий бозорнинг яна бир тури **қимматбаҳо қоғозлар бозоридир**. Бу бозорда пул билан биргаликда, қимматбаҳо қоғозлар ҳам муомалада бўлади (акция, облигация, вексель, чеклар). Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг турларидан бири — фонд биржаси ҳисобланади;

— **инновация бозори** — инновацияга техник ва социал иқтисодий янгиликлар, ихтиро ва рационализаторлик таклифлари ҳам

2. Ривожланган махсус биржалар тармоғи (товар, хом ашё, фонд, валюта, меҳнат биржалари);

3. Ишлаб чиқаришдаги коммуникация воситалари: телекс, телефакс, уяли телефон алоқалари, ривожланган транспорт шашабчалари;

4. Реклама ва оммавий ахборот воситалари;

5. Солиқ ва божхона тизими;

6. Консалтинг компаниялари (иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳат берувчи малакали мутахассислар хизмати);

7. Аудитор компаниялари ва ҳ. к.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бозор инфратузилмаси тўғрисида шундай деган: «Умуман бозор инфратузилмаси шакллантирилди. Банк, солиқ, тизимлар, фонд ва товар — хом ашё биржалари, суғурта аудиторлик, компаниялари ва бошқа тузилмаларнинг янги тармоғи вужудга келтирилди. Қимматли қозғалар бозорининг фаолияти кучайтирилмоқда. Марказий Осиёда энг йирик, замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган биржа маркази ишга туширилди. Энг муҳими бозор тузилмалар амалга ишлай бошлади»¹.

Юқорида келтирилган шартлар бозор инфратузилмасини ташкил этиб уни ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

6-мавзу. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОФИҚЛИГИ НАЗАРИЯСИ

1. Талаб тушунчаси ва талаб қонуни

Бозорда харидор ўзига зарур бўлган нарсаларни сотиб олиб, эҳтиёжларини қондиришга интилади. Аммо киши эҳтиёжларининг қай даражада қондирилиши, унинг муайян товарга бўлган талаби, аҳолининг пул даромадлари ва унинг ўзгаришига бозор ҳажмига, бозордаги молларнинг нархларига истеъмолчиларга бериладиган имтиёзлар каби омилларга боғлиқ бўлади. Бунинг ичида талабни аниқлаб берадиган асосий омил бу товарнинг баҳосидир. Чунки бу омил талабни у ёки бу томонга қараб ўзгаришига олиб келади. Ҳўш, талабнинг ўзи нима?

Талаб — бу истеъмолчининг муайян жойда ва муайян вақтда тозар ёки хизмат сотиб олиш истағи ва имкониятидир. Бошқача қилиб айтганда бўлсак, бу пул билан таъминланган эҳтиёж, яъни тўловга қодир эҳтиёждир. Айнан мана шу эҳтиёжга қараб, бозорга чиқарилиши лозим бўлган товарларнинг миқдори ва асортименти аниқланади. Талаб график кўринишида ифодаланади ва

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» хавфсизлиги тақдири, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997 й.

истеъмолчи сотиб олиш қобилиятига эга бўлган товар миқдори белгилаб беради. Демак, талабни истеъмолчи томонидан товарларни сотиб олиш мумкин бўлган, баҳо сифатида кўришимиз ҳам мумкин. Товар баҳоси билан харидор сотиб олиш мумкин бўлган, товар миқдори ўртасидаги боғланишни кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Товар бирлигининг баҳоси (сўм)	Талаб миқдори (дона)
500	1000
400	2000
300	3000
200	4000
100	5000

Жадвалдан кўриниб турибдики, товар бирлигининг баҳоси қанчалик паст бўлса, истеъмолчининг харид қуввати, яъни сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдори шунчалик кўп бўлади ва аксинча. Демак, товар баҳоси билан товар миқдори ўртасидаги боғланш (Илова. Расм 2) нисбат кўринишда бўлади ва талаб эгри чизиги дейилади.

Талаб эгри чизиги талаб қонунини ифодалайди. Талаб фақат баҳо омили билангина белгиланмайди, унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Истеъмолчиларнинг одат ва дидларини ўзгариши. У асосан рекламанинг ёки моданинг ўзгариши натижасида рўй беради. Масалан: ҳозирда компакт дискларининг яратилиши грампластинкаларга бўлган талабни кескин пасайтириб юборди.

2. Бир-бирини ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги. Масалан: икки хил бир турдаги товар бир хил талабни қондириши мумкин. Бу товарлар бир-бирини ўрнини босувчи товарлар дейилади. Бу товарларнинг бирини нархи ўзгариши, иккинчисига бўлган талабни ўзгартиради.

3. Тўлдирувчи товарларнинг нархларини ўзгариши. Масалан: кўп турдаги товарлар биргаликда сотиб олинади. Пойафзал билан мой бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун пойафзал нархининг ўсиши унга бўлган талабни пасайтиради. Бинобарин пойафзал мойига бўлган талаб ҳам пасаяди.

4. Товар нафиллигининг ўзгариши. Масалан: сабзаёт меваларини мавсумга қараб, соғлиқ учун фойда эканлиги ҳақидаги маъруза унга бўлган талабни оширади.

5. Даромаднинг ўзгариши. Аҳоли даромадларининг ошиши, уларнинг харид қувватини оширади, бу эса товарларга бўлган талабни ҳам оширади.

ишлаб чиқарувчи қўлида талаб қилинмай қолади. Агар маҳсулотни 1 бирлиги 100 сўмдан сотилса, у ҳолда харидор 5000 та бирлик маҳсулот сотиб олиш имкониятига эга, ишлаб чиқарувчи эса, бу нархда фақат 1000 та бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Демак, товар етишмовчилиги рўй беради. Шу ҳолда давом эттирсак, 300 сўмдан маҳсулот сотилганда харидор талаби билан ишлаб чиқарувчи таклифи бир-бирига мос келгани (Илова. Расм 7) кузатилади. Айнан мана шу нарх мувозанат баҳо дейилади. Чизмада (Илова, расм 7) қуйидагича ифодаланади.

Демак, мувозанат нарх ўрнатилиши учун:

Биринчидан — харидорлар сотиб олиши мумкин бўлган товарлар миқдори таклиф миқдорига мос келиши керак.

Иккинчидан — баҳо ва товар миқдорининг ўзгариши кузатилмайди. Лекин ҳаётда бундай эмас. Яъни талаб ва таклиф доимо у ёки бу томонга қараб, турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Гоҳ талаб таклифдан ошади, гоҳ эса аксинча, таклиф талабдан юқори бўлади.

Бозор мувозанатини таъминлаш учун ишлаб чиқариш лозим, талаб ва таклифга қараб баҳоларни пасайтириш ёки ошириш мумкин.

4. Талаб ва таклифнинг эгилувчанлиги

Талаб ва таклиф баҳоларга мос ҳолда ўзгарган эгилувчанлик деган тушунча қўлланилади. Бу тушунча талаб ва таклиф динамикасини белгилаб берадиган асосий омилларнинг ўзгаришига бозорнинг мослашиб бориш жараёнини осонроқ англаб олишимиз учун ёрдам беради. Ҳар хил товарларга бўлган талаб ва таклиф баҳоларнинг ўзгаришига қараб, ҳар хил бўлади. Биринчи даражали товарнинг баҳосини ошириш талаб даражасида таъсир ўтказмаслиги мумкин. Масалан: нон, ёғ, қанд, картошка каби маҳсулотларнинг баҳоси ошса-да, унга бўлган талаб ўзгармайди. Лекин ўриндош товарларга бўлган талаб ўзгариши мумкин. Кишилар оқ нонни кам истеъмол қилиб, қора нонни кўпроқ истеъмол қила бошлайдилар. Бундай ҳолат жамиятнинг асосий мақсади бўлган кишилар турмуш даражасининг пасайишига, кишиларнинг нормал ҳолдаги истеъмолларини пасайишига сабаб бўлади.

Иккинчи даражали маҳсулотлар баҳосининг ошириш қўлгина ҳолларда уларга бўлган, талабнинг пасайишига сабаб бўлади. Масалан: гилам, заргарлик буюмлари, машина ва ҳ. к.

Шуни таъкидлаш лозимки, биринчи даражали маҳсулотлар баҳосининг ошириш талабнинг ҳажмига кам таъсир этиши туфайли, биринчи даражали маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи кор-

хоналар теада кризисдан чиқиб кетадилар. Иккинчи даражали маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи моддий соҳаларда эса, ишлаб чиқариш кризислари узоқ давом этади. Шунинг учун сотувчининг умумий тушумларининг миқдори товарлар баҳосига ва умумий товарлар ҳажми қиймати суммасига кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган қийматга тенг бўлади.

Талаб эгри чизигини (Илова, расм 8, 9, 10) қуйидаги уч хил кўринишини таҳлил қиламиз:

Баҳолар камайганда (Илова, расм 8), товарлар икки марта кўпроқ сотилгани умумий даромад эса ўзгармагани кўрсатилган.

Баҳоларнинг уч баробар ошиши таклифни икки баробар ошиши, ҳамда умумий тушум (Илова, расм 9) қисқаришини ифодалайди.

Баҳоларнинг (Илова, расм 10) икки баробар камайиши, сотилган товарлар ҳажмини уч баробар, ҳамда тушум миқдорининг ошиши ифодаланган.

Демак, (Илова, расм 8, 9, 10) расмларга асосланган ҳолда таклифнинг баҳога нисбатан ўзгаришига таклифнинг эгилувчанлик коэффиценти дейилади ва қуйидагича ифодаланилади.

$$\mathcal{E}_k = \frac{\text{баҳоларнинг ўзгариши}}{\text{таклифнинг ўзгариши}}$$

Эгилувчанлик коэффиценти баҳоларнинг 1% ошганда, талабнинг қанчага ўзгарганлигини ифодалайди.

8-расмда баҳоларнинг пасайиши билан товарлар 2 баробар кўпроқ сотилган. Бундай ҳол айрим ҳолдаги эгилувчанлик дейилади. Бунда $\mathcal{E}_k = 1$ тенг.

9-расмда баҳоларнинг ошиши сотилган товарларнинг миқдорининг пасайишига сабаб бўлган. Бундай ҳол эгилувчан бўлмаган ҳолатни ифодалайди. Бунда $\mathcal{E}_k < 1$ га тенг бўлади.

Ниҳоят баҳоларни пасайиши натижасида (Илова, расм 10) сотиладиган товарлар ҳажмининг ошишига эгилувчан талаб деб аталади.

Бунда $\mathcal{E}_k > 1$ га тенг бўлади. Баъзи ҳолларда баҳо пасайса-да талаб ўзгармайди. Бундай ҳол абсолют эгилувчан бўлмаган талаб дейилади ва у қуйидаги кўринишда ифодаланилади (Илова, расм 11).

Абсолют эгилувчан талаб қуйидагича ифодаланилади (Илова, расм 12). Бунда баҳолар бўлса-да, талаб ҳам юқори бўлади.

Баъзи вақтларда бепарқ талаб тушунчаси қўлланилади. Бундай ҳолда айрим товарлар умуман харид қилинмайди, ҳамда улар йўқ қилинади, исроф бўлади. Юқоридаги ҳолатлар таклиф эгилувчанлигида ҳам такорланади.

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг зарурлиги ва уларнинг асосий шартлари

XX асрнинг охирида жаҳон тараққиётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгариш, социалистик тизимнинг емирилиши натижасида собиқ социалистик республикалар ўз мустақиллигига эришганлигидир. Шунинг учун бу давр махсус хусусиятларга эга даврдир. Чунки мустақил давлатларнинг ташкил топиши нафақат бу мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, балки уларни ривожлантириш муаммоларини жаҳон миқёсида ҳал этилишини зарур қилиб қўйди. Лекин жаҳон хўжалигига кириб бориш учун, янги мустақил давлатлар ўз иқтисодиётини жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда ташкил қилиб, ривожлантиришлари лозим. Лекин бу жуда мураккаб жараён дур. Чунки собиқ Иттифоқнинг ҳамма республикалари сингари Ўзбекистонга ҳам собиқ Иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисод мерос бўлиб қолди. Унинг ҳаётга лаёқатли эмаслиги, бутун иқтисодий тизим ёппасига давлат мулкчилигига асосланганлиги, корхоналарнинг марказга қарамлиги ва иқтисодий ҳуқуқларга эга эмаслиги, халқ хўжалиги ҳаддан ташқари монополиялаштирилганлиги ва марказлаштирилган тазйиқ сиёсати, бозор иқтисодиётини тартибга солувчи омилларга ва инсонга самимий эътиборнинг йўқлиги билан асосланган эди. Бу шароитда инсонга бошқарув соҳасида «винт» ва иқтисодий муносабатлар тизимида «омил» роли берилган эди. Қисқаси, буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт ўзининг охирги даврида ишлаб чиқаришнинг пасайтирилишига олиб келувчи, тобора кучайиб бораётган иқтисодий инқироз, гиперинфляция каби кўпгина жамиятга зарар келтирувчи ҳодисалар билан ифодаланади. Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, марказ Ўзбекистоннинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда, уни хом ашё базасига айлантириб қўйган эди. Корхоналарнинг кўпчилиги товарни республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун ишлаб чиқарган. Аксарият тармоқларда тугалланмаган технологик жараёнга эга ишлаб чиқариш ташкил қилинган эди. Улар хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни чиқариш босқичида тўхтаб қолар эди. Халқ хўжалиги таркибининг бузилиши 1990 йилда Ўзбекистоннинг республикаларо савдо оборотида салбий сальдо 3,7 миллиард рублни ёки ялли миллий маҳсулотнинг 11 фоизини ташкил қилишига олиб келади. Шу билан бирга республика нефть ва бошқа энергетика манбалари билан ўзини-ўзи таъминлаш имкониятига эга бўла туриб, 10 миллион тоннадан зиёд нефтни четдан олар эди. Ғалла, қанд, гўшт, сут маҳ-

сулотлари ҳам аксарият четдан сотиб олинар эди. Буларнинг оқибатида 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фонзига яқинининг жами даромадлари тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Бу эса инсонларни, бошқа мамлакатлар билан таққослаганда, камбағаллик чегарасидан ҳам паст даражада яшашга олиб келади. Бундан ташқари, мамлакатнинг хом ашё базасига айлантирилганлиги, республиканинг табиий ресурслари ва экологик муҳитига жуда кўп миқдорда ва қайтариб бўлмайдиган даражада зарар етказди. Бунга Оролнинг фожаси мисол бўлади.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш жуда кўп салбий оқибатлар республикада сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар олиб бориш заруратини юзага келтириши натижасида 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзини мустақил деб эълон қилди. Бу кундан бошлаб, Ўзбекистон нафақат сиёсий, балки иқтисодий мустақилликка ҳам эга бўлди. Энди бу мустақилликни мустақамлаш вазифасини бажаришдек улкан ва мураккаб вазифа турар эди. Бу вазифани имкон қадар ижобий ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли республикани бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида ривожлантиришдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш ягона хўжалик юритиш тизимини жорий этиш бўлиб, инсонлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Республикамиз бозор муносабатларига ўтишнинг ҳамда ички ва ташқи сиёсий шакллантиришнинг назарий асослари, шунингдек, амалий дастурини ишлаб чиқди.

2. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг бир қатор чиқишларида иқтисодий ислохотларни ўтказиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ўз ичига қуйидаги энг асосий тамойилларни олувчи республиканинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели моҳиятини умумлаштириб берди. Бу ҳақда И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Биз бошқа давлатларнинг ривожлантириш жараёнида тўплаган ва республика шароитида татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоқда бирон бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номажбулдир. Шуниси аниқ равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мос бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитлардагина ижобий самара бериши мумкин»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 87—88 бетлар.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш моделининг ўзига хослиги ва янги табиати, унинг моҳиявий хусусиятларида, мақсадли устуворларда, мантқиқли ўзаро боғланган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш ҳақида Президентимиз И. А. Қаримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойида ўз ифодасини топади¹.

Бу тамойиллар қуйидагилар:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги.

Иқтисодиётни сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил этмоғи лозим. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг ислоҳотлаштириши ва ривожлантирилиши учун мустақкам моддий база яратилмоқда. Иқтисодиёт сиёсатчилар кўрсатмалари билан эмас, балки ўзига хос ички қонунларга асосланиб ривожланиши керак. Бу тамойилни ҳисобга олмаслик, иқтисодиётда икцирозий ҳодисаларга ва халқнинг турмуш даражасини кескин пасайишига олиб келади. И. А. Қаримов таъкидлаганидек: «Инсон иқтисодиёт учун эмас, иқтисодиёт инсон учун» бўлиши керак.

2. Давлат иқтисодиётнинг бош ислоҳотчисидир.

Мураккаб ўтиш даврида иқтисодиёт устидан бошқарувни йўқотмаслик учун, мамлакатда тартибсизлик пайдо бўлмаслиги учун ҳукмдор функциялари давлатда қолиши керак. Айнан давлат деб, таъкидлайди И. А. Қаримов,— янги ҳуқуқий негиз ва янги ижтимоий муносабатларнинг, эркин демократик нормаларга ўтишнинг, кўп укладли иқтисодиётни ташкил топиш ва бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг, янги банк, молия, солиқ тизимлари шаклланишининг ташаббускори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ҳаракат қилинган сари, давлат бевосита бошқаришдан аста-секин иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни билвосита бошқаришга ўтади.

3. Қонуни устуворлиги, қонунларга бўйсунуш.

Давлат иқтисодиёт фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос «бозор шарт-шароитларини» вужудга келтиради. Уларнинг доирасида бозор субъектларининг ўзаро алоқалари амалга оширилиши мумкин. Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни иқтисодий ислоҳотларнинг негизи, уларнинг тўла бажарилишининг кафолатланганлигидир. Бунда фуқароларда қонунга бўйсунуши, ижройий ҳуқуқий маданиятни тарбиялаши лозим.

4. Кучли ижтимоий сиёсат.

Маълумки, бозор муносабатлари инсонга муносиб турмуш шароити яратувчи воситадир. Шунинг учун, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, аҳолини иж-

¹ Қаримов И. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий принциплари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 10—11 бетлар.

тимой ҳимоялаш етакчи тамойил бўлиб, Конституция билан белгиланган ислохотларнинг сўнгги мақсадидан келиб чиқади. Ўзбекистонда давлат томонидан ўтказилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хослиги, унинг кучлилиги аҳолининг аниқ табақаларига қаратилганлигидир. Фақат ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлайди, аҳоли томонидан ислохотларни қўллаб-қувватлашга асос бўлади, мамлакатда барқарорликни сақлайди.

5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Бу етакчи тамойил иқтисодиётдаги ислохотларнинг бутун ички мантқиқини, ривожлантириб бориш характерини белгилаб беради. Бозор муносабатларига ўтиш амалдаги хўжалик механизмининг янгилашдан иборат бўлмайди, балки буйруқбозлик иқтисодиёти ўрнига бозор иқтисодиётини яратишидир. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш бизнинг республика учун жуда мураккаб вазифадир. Бу вазифани бирданига бажариб бўлмайди, чунки энг, аввало, янги ҳаётга мослашиш, янгича фикрлашга, янгича яшашга ўрганиш зарур. Бунинг учун энг, аввало, боқимандаликни бартараф этиш, янгича муносабатларни шакллантириш, ўз тақдирига ва фаровонлигига масъулиятни тарбиялаш зарур. Энг муҳими эса бизнинг республикада аҳоли таркибини олиб қарасак, 55% — қариялар ва ёш болалардир, яъни 45% — аҳоли ишга яроқлидир. Демак, бозор муносабатларига бирданига ўтиш орқали, аҳолининг асосий қисmini бозор иқтисодининг шафқатсиз жараёнларига дучор қилиб, қийнаш бизнинг мақсадимизга зиддир. Шунинг учун бозор муносабатларига ўтиш бир зумдаги ҳодиса эмас, балки бир қатор ўзаро боғланган босқичлардан иборат узоқ даврдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида икки асосий масала: маъмурий буйруқбозлик тизимини тугатиш, иқтисодий кризисдан чиқиш ва иқтисодётни барқарорлаштириш ва республика шароитларидан келиб чиққан ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришни амалга оширишдан иборат эди. Республикада биринчи галда иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизи ташкил этилди. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун, ер ости бойликларни тўғрисидаги, жойларда давлат ҳокимияти тўғрисидаги, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги ва бошқа кўп қонулар асосида ҳокимиятнинг бирдан-бир тўла ҳуқуқли бўлган ҳокимлик институти яратилди. Иккинчидан, янги иқтисодий муносабатларга асосланган мулкчилик муносабатлари шакллантирилди. Учинчидан, хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмлари: бозор инфраструктураси ва хўжаликларни шаклланди.

тириш ва юритиш бўйича янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Тўртинчидан, республикани халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида таъминловчи ҳуқуқий нормалар яратилди. Яъни ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Республиканинг халқаро етакчи ташкилотларга аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида, чет эл инвестицияларини жалб этиш, уларни эгаларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонулар яратилди. Бешинчидан, инсонлар ишончини таъминловчи, конституцион ва юридик ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари виждон ва дин эркинлиги қонунлари қабул қилинди. Бу деган сўз республикамизда қонун устиворлиги таъминланди.

3. Ҳозирги даврдаги иқтисодий аҳволнинг таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон табиий неъматларга бой жаннатмакон ўлкадир. Республикамизда минерал хом ашёни 95 тури мавжуддир. Марказий Осиёда Ўзбекистонга газ конденсати заҳираларининг 71%, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55%, гидроэнергетика ресурсларининг 14%, фойдаланилаётган гидроэнергетика ресурсларининг 21% ва Марказий Осиё бўйича етиштирилаётган 2 млн. тонна пахта толасининг 1,5 миллион тоннаси тўғри келади. Булар бизнинг республика жуда бой заҳираларга эга эканлигидан далолат беради. Мустақил давлат сифатида бизнинг асосий вазифа, бу заҳиралардан оқилона фойдаланган ҳолда республика иқтисодиётини кўтариш, халқ турмуш даражасини яхшилашдир.

Республикада ислохотларни олиб боришда, енгил йўл қидирилмади. Шунинг учун ислох қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозори бироз чекланди. Айни чоқда маблағ ва заҳираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналарни барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан озми-кўпми тўлдирishга эришдик. Бу йўлда ҳукумат томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга турли имкониятлар берилмоқда. Республикада ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш учун инвестициялар кўпайтирилди.

Қисқа вақт ичида бу тадбирлар ўз натижасини берди. Бу Асакадаги автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишловчи заводнинг ишга туширилиши, Қўқдумалоқ, Мингбулоқ ва шу каби конларнинг ишга туширилиши, Андижон, Қўқон ва Янгийўлда спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарни, Хоразмда қанд заводи, Қизилқум фосфор комбинати, Қўнғирот сода заводини қу-

риш, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар мустақиллигимиз меваси бўлиб, республикамиз раванқига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бир давлат сифатида ўзининг иқтисодий алоқаларини давлат, халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатади. Ҳозир 150 тадан ортиқ давлат Ўзбекистонни тан олган бўлса, улардан 74 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Кўпгина халқаро ташкилотлар, Бирлашган, Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқаларга аъзо бўлди. Булардан Халқаро валюта фонди республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари ажратди. Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Республикамиз Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

Ҳозирги даврда Республикада хорижий сармоя иштирокида 1450 тадан ортиқ корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шулардан 110 таси фақат уларнинг маблағлари асосида ишлаб турибди. Республикада 25 та хорижий давлатга тегишли бўлган фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхоналари мавжуд.

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий негизларини яратиб бериш мақсадида, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолати тўғрисидаги» қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Эркин савдо-сотиқни амалга ошириш учун 1994 йил четга лицензия асосида чиқариладиган маҳсулотлар сони 74 дан 11 тагача камайтирилди. Шу билан бирга, республикада четга товар чиқариш ҳам ўсиб бормоқда. Жумладан, 1992 йилда у 870 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1998 йилда эса 13828,2 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. МДҲ доирасида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда Россия ва МДҲ мамлакатларига йўналтирилган кимё маҳсулотлари экспорти 173 ва 138 фонзларга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти мос равишда 61 ва 70 фонзга ўсди. 1998 йилда МДҲ мамлакатлари Ўзбекистон экспортининг тўртдан бир қисмини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бозор иқтисодиётини ривожлантиришга бағишланган маърузасида, 1999 йилдаги ислоҳотларнинг асосан устивор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичларнинг асосан бажарилганлиги таъкидлади. Жумладан, И. А. Каримов ялпи ички маҳсулотнинг 4,8%, саноатдаги ишлаб чиқа-

ришнинг ўсиши — 106,1%, қишлоқ хўжаликда — 105,9%, чакана савдо оборотида эса 110,5% бўлганини айтиб ўтди.

Давлат бюджетининг камаёди 1,8%, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,9% ташкил этди. Банк тизимининг умумий активлари 48% ортади. Ёўлбошчимиз маърузасини, ишонаман, беш-ўн йил ичида Ўзбекистонимизнинг қиёфаси ҳар томонлама ўзгариб кетади, қудратига қудрат қўшилади¹, деб тугатди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг иккинчи босқичида энг устивор вазифалар бўлиб, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобатчилик муҳитини яратиш, хорижий инвестициялари ва технологияларини жалб этиш, макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишдан иборатдир. Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида халқ хўжалигининг таркибий тузилишига катта эътибор берилди. Бундан мақсад, ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига чет элдан камроқ маҳсулотлар келтириш, аҳолини истеъмол талабини ички ишлаб чиқарилган маҳсулот эвазига қондириш, ишлаб чиқаришни яқиний маҳсулотларга ўтказиш, четга экспортни ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш ва тармоқлар, иқтисодий районлар ўртасидаги нотенгликни тугатишга эришишдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг иккинчи босқичини мақсади республикада кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни узил-кесил қарор топтиришдир.

¹ И. А. Қаримовнинг 14 февралда Вазирлар маҳкамасида сўзлаган маърузаси. «Ўзбекистон овози», 15 феврал, 2000 й.



И Б У Л И М

МИКРОИҚТИСОДИЁТ

8-мавзу. ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШИ

1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари.

Маълумки ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва унинг самардорлигини кўтариш иқтисодий ресурсларга боғлиқ. Иқтисодий ресурсларга моддий молиявий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти ҳам киради. Юқоридаги ресурслар мавжуд бўлса-да, тадбиркорлик фаолияти бўлмаса, ишлаб чиқаришда ҳеч қандай ютуқларга эришиб бўлмайди. Бошқаришни маъмурий буйруқбозлик шароитида собиқ иттифоқда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик фаолияти яхши йўлга қўйилмаган. Табиий бойликлар ва меҳнат ресурсларининг етарли эканлиги ҳам ҳеч қандай самара бермаган. Агарда Японияни мисол қилиб, олсак, табиий бойликлар етарли бўлмаса-да, тадбиркорлик фаолияти юқори даражада эканлиги туфайли улар юқори ютуқларга эришганлар.

Тадбиркор ким? Тадбиркорлик фаолияти деганда, қандай фаолият тушунилади. (Тадбиркор — ташаббускор, ғайратли, таҳликали ҳоллардан қўрқмайдиган, юқори даражали, фойда олиш ва жамиятга ҳам наф келтириш мақсадида, Адам Смитнинг «кўринмас қўл» қондаси асосида иш юритувчидир. (Тадбиркорлик фаолияти эса фойда олишга қаратилган мақсаддир. Тадбиркор ўз фаолиятини бизнес асосида амалга оширади. Тадбиркорлик билан бизнес тушунчаси бир хил тушунча эмас. Тадбиркорлик фаолияти расмийлаштирилади тадбиркор ўз маблағи ёки кредит асосида иш юритади. Бизнес ишининг қандай бўлишидан қатъий назар фойда олишдир. Чайқовчи рекет, киллер йўл тўсувчи, ҳам ўз фаолиятини фойда олишга қаратган. Шунинг учун тадбиркорлик фаолияти бизнес фаолиятининг бир томонини қамраб олади. Лекин ҳаётда бизнес билан шуғулланувчиларнинг барчасини тадбиркор деб атайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти ва унинг моҳиятини биринчи марта Нобель мукофоти лауреати, инглиз иқтисодчиси Фридрих фон Хайек таҳлил қилган. Ф. фон Хайек тадбиркорлик фаолияти эр-

кин фаолият ҳисоблана-да, жамият қонунилари асосида ривожланиши керак деб ҳисобланган.

Тадбиркорлик фаолиятининг мезони қуйидаги омиллар билан ифодаланади: молиявий барқарорлик даражаси, капиталдан самарали фойдаланиш даражаси, инновация даражаси, маҳсулотнинг сифати ва унинг рақобатга бардошли эканлиги, унинг обрў ва савдо маркаси. Тадбиркорнинг обрўси эса солиқларни ўз вақтида тўлаб бориши, жамият олдида жавобгарликни ҳис қилиши (эски зарарли маҳсулотлар ишлаб чиқармаслик), шерикларига зарар етказмаслик, сўзининг устидан чиқиш, ипtizомли эканлиги ва ҳоказолар. Тадбиркор фаолияти бевосита бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Фирмани бошқариш деганда, жамоага таъсир ўтказиш ёрдамида минимум ресурсларни ва вақтни сарфлаб мақсадга эришиш тушунилади. Ҳозирги кунда тадбиркорлик билан биргаликда менеджер, менеджмент деган тушунчалар қўлланилмоқда. Бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усулида бошқарувчилик тайинланган, мансаб лавозимини ифодалаган. Бундай ҳол умумхалқ мулки ҳукм сурган даврда амал қилган. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан давлат мулки билан биргаликда бир неча хил мулк формалари вужудга келади. Хусусий мулк эгаси тадбиркор шахс ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти ривожлана бориши билан биргаликда тадбиркорнинг фаолияти мулкдан ажралади. Тадбиркор малакали бошқарувчига эҳтиёж сезади. Натижада тадбиркор бошқарувчинини ёнлайди. Демак, бошқарувчи билан менеджер синоним тушунча бўлса-да, бозор иқтисодиёти шароитида тайинланган бошқарувчилар эмас, ёнланган бошқарувчиларнинг (менеджер) улуши ошиб боради. Маъмурий буйруқбозлик усулидаги бошқариш вертикал бошқаришни ифодаласа, бозор иқтисодиёти шароитида горизонтал бошқариш амал қилади. Бозор иқтисодиёти шароити вертикал бошқаришнинг якор этмайди. Вертикал бошқариш горизонтал бошқаришнинг координатлаштириши асосида оқиб борилади. Бунда микроиқтисодий даражадаги фирмалар, корхоналарга мустақиллик юритишида тўла эркинлик берилади. Давлатнинг иқтисодга аралашуви макроиқтисодий даражада амалга ошади. Микроиқтисодий даражадаги иқтисодий ривожланишга тўла эркинлик берилади.

Менеджмент деганда, бошқариш ҳақидаги фан тушунилади. Бу фаннинг вужудга келишига 1930 йилдан 1940 йилгача давом этган «Буюк илқироз» даври сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда менеджментни энг ривожланган ватани Америка Қўшма Штатлари ҳисобланади. Бу ерда 1300 дан ортиқ бизнес ва бошқариш мактаблари, 10000 дан ортиқ маслаҳат берувчи фирмалар 70 дан ортиқ матбуот нашрлари, бошқариш ва бизнесга тааллуқли ада-

биётлар нашр этувчи 10 лаб нашриётлар фаолият кўрсатади. Бу маълумотларни келтиришдан мақсад Мустақил Ўзбекистон Республикасининг олдида турган муаммоларни айтиб ўтишдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан менеждер фаолиятига боғлиқ, бу ҳақда И. А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» номли рисоласида: «...янги бошқарув структурасини вужудга келтириш, уларда ишлайдиган кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига янада юқори талаблар қўяди. Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менеждерлари, юқори касбий маҳоратга эга бўлибгина қолмай, балки ҳар жиҳатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускори, топирилган иш учун жон куйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, Ватанимизни чинакам фидойилари бўлишлари лозим»¹, — деб таъкидлайди.

2. Корхоналарнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари: шахсий эгаллик, шерикчилик, корпорация

Уй ҳўжалиги, фирма ва давлат бозор иқтисодиётининг субьектларидир. Корхоналардаги ҳўжалик фаолияти фирмалар томонидан амалга оширилади. Фирмалар турли кўринишда, яқка ҳолда ёки бир неча ишлаб чиқариш бирлашмаларидан иборат бўлиши мумкин. Фирмалар қўйидагилар бўйича ўзаро фарқланади.

1. Ҳўжалик фаолияти ва ҳаракат хусусиятлари.
2. Ҳуқуқий ҳолатлари.
3. Мулкий ҳолатлари.
4. Қаниталга боғлиқлиги ва назорат таъсири.
5. Фаолият соҳаси бўйича.

Демак, фирма — корхоналарга эгаллик қилувчи ва ҳўжалик фаолиятини олиб боровчи ташкилотдир. Айрим фирмалар битта, айримлари эса бир неча корхоналарга эгаллик қилиши мумкин.

Корхона иқтисодиётининг асосий ва бирламчи бўғинини ташкил этади. Иқтисодиётнинг тузилишини олиб қарасак, у кўплаб корхоналардан иборат бўлиб, корхоналарнинг йиғиндиси тармоқларни, тармоқларнинг йиғиндиси эса миллий иқтисодиётни ташкил этади.

Корхона товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи сифатида ўз харажатларини қоплаб, ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлайди.

Корхоналарни иқтисодиётнинг бошқа бўғинларидан ажратиб турувчи фарқи унинг иқтисодий алоҳидалиги ва мустақиллигидир. Иқтисодий алоҳидалик — мулкчилик муносабатига кўра юза-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил. 87—88 бетлар.

га келиб, турли корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг чегараланиши ва ишлаб чиқариш натижаларига асосланган. Иқтисодий алоҳидалик тўла иқтисодий ва оператив хўжалик мустақиллигини талаб этади. Хўжалик субъекти имкониятларига кўра юзага келувчи иқтисодий мустақиллик ўз навбатида ташкилий иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатади. Иқтисодий мустақиллиكنинг мезони иқтисодий самарадорлик ҳисобланади. Оператив хўжалик мустақиллиги ҳуқуқий муносабатлар категорияси бўлиб, бу юридик қонунларда ифодаланган, иқтисодий мустақилликдир. У корхона юридик шахс хусусиятларига, ўзининг низомига, мустақил даромадлар ва харажатлар балансига, банкда ўз ҳисобига, шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлганда юзага чиқади.

Мулккий мақомдан қатъий назар корхонанинг корпоратив — гуруҳи манфаати мавжуд. У фойда олишдан иборат манфаатдир. Бу манфаат корхона меъёрида ишлагандагина юзага чиқади. Корхона жамоаси мақоми жиҳатидан уч тоифага бўлинадиган кишилардан ташкил топади:

1. Корхона эгалари;
2. Менеджерлар;
3. Ёлланма ишловчилар.

Ўзининг фаолият миқёсига қараб, фирмалар кичик, ўрта ва йirik корхоналарга бўлинади.

Кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Кичик бизнес яқка эгалик қилиш, ширкатлар ва ҳаттоки корпоратив шаклда бўлади. Кичик бизнес соҳасида банд бўлганларнинг сони 500 гача АҚШда, Ўзбекистонда саноатда ва қурилишда 50 гача, чакана савдода 5 кишидан иборат. Кичик бизнес ўзига хос бўлган полигон ҳисобланади, бу ерда янги товарлар ва хизмат кўрсатиши синовдан ўтади. Кичик бизнес фаолияти таҳликали ҳолда кечади. АҚШ иқтисосчиларининг ҳисоблашларига қараганда, янги ташкил этилган кичик бизнеснинг 4700 дан 5400 таси хонавайрон бўлади. Янги ташкил этилган кичик корхоналарнинг 10% гина ўзининг 4 йиллигини ишонлайди. Кичик бизнес катта бизнеснинг шаклланишида зинапоя ролини ўйнайди. Масалан, АҚШ даги «ПОЛОРОИД» ва «РЕНК КСЕРОКС» фирмаларининг фаолияти кичик бизнесдан бошланган. Кичик бизнеснинг рақобат курашига бардош бера олмаслигининг асосий сабаби кўп миқдорда капиталга эга эмаслигидир. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Республика иқтисодиётини ривожлантириши нодавлат мулкчилиги асосида 1998 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 88% нодавлат корхоналарига, шундан 45% хусусий корхоналарга тўғри келган. Иш билан банд бўлганларнинг 73,2 фонзи нодавлат ташкилотларида меҳнат қилиб, қишлоқ хў-

жаллиги маҳсулотларининг 99 фоизини, саноат маҳсулотларининг 64 фоизи ишлаб чиқарилган. Нодавлат корхоналарига чакана савдо ҳажмининг 77 фоизи тўғри келган. Асосий капиталга сармоя киритишда, 1997—1998 йиллар ичида хусусий компаниялар инвестициялари ҳажми 10,1 фоиздан 19,1 фоизга кўпайган. Хусусий корхоналар 1997—1999 йиллар ичида 44,1 фоиздан 45,1 фоизга кўпайган ва 1999 йилда жами корхоналарнинг 45,1 фоизини хусусий корхоналар ташкил этган.

Ўрта бизнесга ширкатлар ёки шерикчилик жамиятларини киритиш мумкин. Бу бизнес тури кичик бизнесга нисбатан бир қанча афзалликларга эга: бунда ширкат аъзолари махсус солиққа тортилмайди, кўпроқ ишлаб чиқаришга капитални жалб этиш мумкин. Камчилиги ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари чегаралангандир.

Корпорация. Корпорация корхонани ташкил этишнинг шундай бир шаклидирки, уни барпо этиш чоғида корпорация ташкилотчилари рўйхатдан ўтишлари керак.

Корпорацияларнинг улуши ривожланган давлатларда юқори. Дунёдаги «Дженерал электрик», «Дженерал моторз», «Форд», «Крайслер», «Дюпон», «Юнион корбайд» каби корпорациялар гигант корпорациялар ҳисобланади. Улар корпорация уставини тузишда юристлар хизмагидан фойдаланишлар. Корпорациялар кўшимча солиқлар тўлайдилар. Корхонанинг барча турлари биз юқорида айтиб ўтган шаклларга мос келавермайди. S — корпорация тури мавжуд бўлиб, булар кўшимча солиқлардан озоддилар. S — корпорация мақомини олинган учун, фирма кўни билан 35 нафар акциядорга ва бошқа корпорациянинг 80% дан ортиқ бўлмаган акциясига эга бўлиши керак.

Фойда олмайдиган корпорациялар. Бу фирмалар хусусий таълим, хайрия ва диний мақсадда фаолият кўрсатади. Улар фойдага эга бўлмаганликлари туфайли солиқга ҳам тортилмайдилар.

Давлат корпорациялари. Ўз харажатларини қоплай олмайдиган корхоналар: трамвай, троллейбус, метро, кино, театр ва жамоатчилик фойдаланадиган соҳалардир.

Кооперативлар: Уй-жой, истеъмол, ишлаб чиқариш кооперативлари.

Франчаизлар (руҳсатнома) кичик корхоналар катта корхоналардан лицензия сотиб оладилар ва уларнинг номидан иш юритадилар. Унинг эмблема, марка, савдо значокларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Масалан, «КОКА-КОЛА» лицензиясига эга бўлган фирмалар. Улар савдо ходимларини бир хил қийинтириш, қароргоҳларни бир хил жиҳозлашлари керак. Бу ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Корпорациялар мулкига бўлган ҳуқуқ акциялар бўйича қисм-

ларга бўлинад ва шу босдан акцияларнинг эгалари акциядорлар деб аталади.

Акциядорлар — акциядорлар корпорациянинг эгалари ҳисобланади. АҚШдан ташқарида инглиз тилида сўзловчи корпорациялар ўз номларига «Ltd» белгисини қўшадилар. «Ltd» типдаги корпорацияларнинг жавобгарлиги уларнинг ихтиёрида бўлган акция миқдорига қараб чекланган ҳисобланади. Акциядорлик корпорациялари Устав асосида амалга ошади. Корпорациянинг самарали фаолият кўрсатиши учун унга директор сайланади.

Дивиденд миқдори, ишлаб чиқариш ривожлантириш фондлари директорлар мажлисида муҳокама қилинади. Дивиденд бу акция эгасига шу акциядорлар жамиятига қўйган маблағга қараб, акциядорлар корпорацияси фаолиятида яратилган фойданинг маълум бир қисмини олишни таъминлайди. Акциядорлар акцияларининг миқдорига қараб овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Очиқ турдаги корпорациялар директорлари миллий ҳисоботни эълон қиладилар. Корпорациялар, кичик корхона ва шерикчилик жамиятлари маҳсулотлари ҳақида қанчалик кўп ахборот берсалар, бу маҳсулотлар шунчалик сифатли ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинади. Кафолатланган сифатли маҳсулотга одатда «UL» ёрлиғи қўйилади.

Ўзбекистонда ҳиссадорлик корхоналарининг умумий мулкдаги улуши 1998 йилнинг январ—сентябрида 40,3% ни ташкил этган¹.

3. Тадбиркорлик капитали ва унинг моҳияти

Тадбиркор ўз фаолиятини одатда қўидаги формула асосида амалга оширади. (бу формулани бойликнинг ошishi, қўшимча қийматнинг қўнайishi формуласи деб ҳам атайдилар).

$$P-T < \begin{matrix} Iv \\ Iv \\ Ik \end{matrix} \dots H \dots T' - H'$$

Бунда: H — пул;

T — товар;

Iv — ишлаб чиқариш воситалари;

Ik — иш кучи;

H — ишлаб чиқариш жараёни;

T' — умумий меҳнат жараёнида товар қийматининг ошishi;

H' — авансаланган капиталнинг қўнайishi.

Формулага мувофиқ тадбиркор ўз маблағи ёки кредит ҳисобига товар сифатидаги ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил январ—сентябрда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Т., 1998 йил 175 бетлар.

харид қилади. Натижада ишлаб чиқариш жараёнида дастлабки товар қиймати кўпаяди, ҳамда бойликлар яратилади. (II — бойлик, қўшимча қиймат). Тадбиркорлик фаолияти ва унинг самараси бевосита капитал миқдорига боғлиқ. Капитал ишлаб чиқаришнинг омилли ҳисобланади. Капитал классик сиёсий иқтисод намойидалари томонидан турлича таърифланган. А. Смит капитални жамғарилган меҳнат деб ҳисобланган, Д. Рикардо капитал билан ишлаб чиқариш воситалари бир хил деб тушунган. Капиталга ҳар хил таъриф берилсада, капитал даромад келтирадиган қиймат деган тушунчага тақалади. Капитал ишлаб чиқариш воситаси, қимматбахо қоғоз бўлиши мумкин. Инсон капиталли деганда инсонни камол толиши, билим олиши учун сарфланадиган маблағ тушунилади. Маблағ сарфлашдан мақсад фойда олишидир. Капиталнинг табиати шундаки, у доим ҳаракатда бўлади. Ҳаракатсиз у ўз-ўзидан ўсишдан, демак яшашдан тўхтайдир. Бўшлиқсиз табиат бўлмагани каби, ҳаракатсиз, такрор ишлаб чиқаришсиз капитал ҳам бўлмайди. Капитал учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш характерли ҳисобланади.

Капитал ўз ҳаракати жараёнида кетма-кет бир шаклдан пул шаклидан унумли шаклга, сўнгра эса товар шаклига айланиб туради. Капитал турли қисмлардан ташкил топади ва турлича тезликда ҳаракат қилади. Капитал ўзининг моҳиятига қараб асосий ва айланма капиталга бўлинади. Капиталнинг бир қисми ишлаб чиқариш жараёнида тўла иштирок этиб, ўз қийматини бир неча ишлаб чиқариш цикллари давомида янги яратилган қийматга ўтказиши. Машиналар, ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари ва ишлаб чиқариш воситаларидан иборат бўлган бу қисм асосий капитал дейилади.

Капиталнинг бир қисми бир ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини тайёрланаётган товарга батамом ўтказиши. У хом ашё, ёқилғи, ёрдамчи материалларда гавдаланади ва у айланма капитал дейилади. Улар жумласига меҳнатга ҳақ тўлашга авансланган маблағлар ҳам кириди.

Асосий капитал бир марта айланганда айланма капиталлар бир неча марта айланади. Капитал тушунчаси фондлар деб ҳам ифодаланади. Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар эскириши ва аста-секин ўз истеъмол ҳоссаларини йўқотади, уларнинг қиймати эса ишлаб чиқарилаётган товарга кўчади. Асосий фондлар (асосий капитал) қийматининг кўчирилган, кейинчалик эса уларнинг ўз ўрнини тўлдиришга мўлжалланган суммаси амортизация фондни ташкил этади. Амортизация фонди қоплаш фонди деб ҳам аталади. Асосий фондларнинг хизмат муддати тугагандан сўнг, улар ўзларининг натурал — ашёвий сифати бўйича яроқсиз ҳолга келиб қолганларида ва истеъмол қийматини батамом йўқотганларида (фондларнинг жисмоний эскириши),

Агар фирма товарни кўп чиқарса ва яхши нархда сотса, умумий даромад кўпаяди.

б) ўртача даромад (Ypd) — товар бирлигини сотишдан тушган пул. Уни топиш учун умумий даромад сотилган товар миқдорига бўлинади.

$$Ypd = Yd : Q;$$

в) меъёрий даромад (Md) — қўшимча равишда сотилган товардан тушадиган қўшимча пул (Kn), уни аниқлаш учун сотилган қўшимча товарлар миқдорига бўлинади.

$$Md = Kn : Qt.$$

Бу кўрсаткич товарларни қўшимча ишлаб чиқариш, умумий даромадни оширишни кўрсатади. Агар умумий даромад ҳаражатга тенг бўлса, натижа нолга тенг, яъни фойда кўрилмайд.

Фойда фирма фаолиятининг молиявий натижаси ҳисобланади. Фирма нормал (меъёр) фойда олишга интилади. Меъёрий фойда — меъёрий даромад билан энг юқори чиқимлар ўртасидаги тафовутдир. Меъёрий фойда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муайян даражасига қадар ижобий бўлади, ammo унга етгандан сўнг салбий бўлиб қолади. (салбий фойда зиёнини ўзидир). Фирма фойданинг миқдори максимал бўладиган ишлаб чиқариш даражасига қандай эришади. Агарда қўшимча ишлаб чиқариш жараёнида ҳаражатга нисбатан даромад ошса, фирма ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва максимал фойдага эришади.

Иқтисодда иқтисодий ва балансидаги фойда деган тушунча ишлатилади. Иқтисодий фойда (соф фойда) — олинган даромад билан ички ва ташқи ҳаражатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бухгалтерлик фойдаси ўз ичига ҳаражатларни олади. Бухгалтерлик фойдаси корхона фаолиятининг самарали ва самарасиз эканлигини ифодалай олмайди. Бухгалтерлик фойдасидан капиталдан фойдаланганлиги учун олинган фонздаги даромад, рента (ердан фойдаланганлиги учун), ишхоналардан фойдаланганлиги учун тўланадиган аренда миқдори олиб ташланганда қолган қисми иқтисодий фойда ҳисобланади.

Маълумки, фирма доимо фойда олишга ва унинг миқдорини ошириб боришга ҳаракат қилади. Фойдани ҳаражатларни кўпайтирмасдан ошириш мумкин эмас. Белгиланган ҳаражат миқдорига нисбатан маҳсулот миқдори камай боради. Чунки, ресурслар миқдори чекланган. Бундай ўзгариш даромаднинг камайиши қонунида ифодаланади. Қанча сарфлаб, қанча фойда кўрганлиги фирма ишнинг самарасини белгилайди. Шу билан иқтисодиётда фойдалилик ёки рентабеллик деб аталган кўрсаткич қўлланилади. Уни аниқлаш учун олинган фойда қилинган ҳаражатлар билан таққосланади ва ҳаражатлар бирлигига қанча фойда тўғри келиши маълум бўлади.

Рентабеллик — хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини билдирувчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, у маълум вақт (йил, ой, квартал давомида ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдалилиги (ёки зарарлигини) кўрсатади.

Қорхона рентабеллиги олинган фойдани қилинган сарфларга таққослаш орқали аниқланади ва у фондларда ифодаланади. Қорхона умумий хўжалик фаолияти рентабеллигини бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги асосида ҳам ҳисоблаш мумкин.

Қорхона умумий фаолияти рентабеллиги (P) қуйидагича аниқланади:

$$P_1 = \frac{\text{фойда}}{\text{ташарх}} \times 100\%, P_2 = \frac{\text{фойда}}{\text{асосий ва айланма маблаг}} \times 100\%.$$

Рентабеллик даражасининг ўсишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади; ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини ошириш, материаллар, ёқилги, хом ашёни арзонлиги, хизмат кўрсатиш ва бошқарув сарфларини камайтириши.

3. Бозорда фирма ҳаракатининг умумий тамойиллари

Бозор иқтисодиёти тасодифлардан ҳоли эмас. Бозорда хизмат кўрсатаётган фирмалар ҳар хил вазиятларга тушиб қолишлари мумкин. Фирманинг иши юришиб, бойиб кетиш ёки зарарга йўлиқиб боридан ажрალიши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолат биринчидан, фирма ишини ўқувсиз юригшидан, иккинчидан фирмага боғлиқ бўлмаган ҳолда вазиятнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Бозордаги ресурслар ва товарлар нархининг кутилмаганда ўзгариб қолиши, миқдорлар ва шерикларнинг айниб кетиши, солиқ, бош пулининг ўзгариши, халқаро вазиятнинг кескинлашуви хатарни юзага чиқаради. Фирмалар йўлиқадиган хатарни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш хатари. Бу керакли ҳажмдаги ва турдаги товарларни яратишга раҳна солувчи хавф-хатар.

2. Тижорат хатари. Бу мўлжалланган ресурсларни бозордан ола билмаслик ва товарларни кутилган миқдорда ва нархда сота билмаслик хавф-хатари.

3. Молиявий хатар. Бу фирма молия бозоридида ва солиқ тўлаш соҳасида бўладиган хавф-хатардир.

Демак, энг, аввало, фирмалар хатарни четлаб ўтиш йўллари-ни қидириши керак. Қаерга, қанча пул қўйиш, қайси соҳада иш бошлашдан олдин қаерларда иш қандай кетаётганлиги ўрганилади, ахборот тўпланади. Ахборот товар нархи, савдо ҳажми, рақобатчилик вазияти, ҳаражатлар даражаси, бозорни кенгайти-ши имконияти, ресурслар нархи, реклама ҳолати ва бошқа соҳа-ларни қамрайди.

Бозорда фирма ҳаракатининг асосини рақобатчилик вазияти-ни ўрганиш ташкил этади. Ҳар қандай фирманинг мақсади, тез кунда фойдани максималлаштириш, оз фойда билан қаноат қилган ҳолда, ўз бозорини кенгайтириш ёки рақибини бозордан сиқиб чиқариш, янги бозорга секин-аста кириб боришидир. Рақобатдаги иқтисодий танлов тамойилига кўра иқтисодиёт иштирокчилари сараланади: яхши ишлаган фирма бойиб кетади. Шу сабабли ҳар йили дунёда минглаб фирмалар ёпилса, минглаб янгилари очилади. Фирмалар рақибини сиқиб чиқариш учун нисбатан сифатли ва арзон товарни таклиф этиши шарт. Рақобат қизғин жойда иқтисодий ўсиш жадал боради, у сустралган шароитда эса иқтисодий турғунлик юз беради.

Республикада макро- ва микроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш — иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврдаги стратегиясининг асосий йўналиш ҳисобланади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш корхоналарини ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлаштириш билан боғлиқ «...инфляционга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартириш юзасидан олдини олиш чора-тадбирларини кўришга ундайди. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ҳаракат қилишга, маҳсулотнинг сифати ва истеъмол хоссаларини яхшилашга, унинг рақобатга бардошлигини оширишга мажбур қилади»¹.

10-мавзу. РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ

1. Рақобатнинг моҳияти

Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорки, усиз бозорни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки у бозор иқтисодиёти-нинг мазмунига айланиб кетган. Шунини таъкидлаган ҳолда, Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асаринида рақобат курашининг моҳияти ҳақида шундай дейди. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шarti, айниш мумкинки, унинг қонушидир»².

Рақобат — умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчиларни ўртасидаги кўпроқ фойдага эришиши учун бўладиган курашни англатади. Рақобат кураши ҳар қандай жамиятда амал қилади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилик жамияти ҳаётида рақобат кураши муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий соҳадаги рақобат — ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 350—351 бетлар.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 й. 34 бет.

инлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва бошқалар ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитида арзон ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучига эга бўлиш унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозорини қўлга олиш, умуман юқори даромад олиш имконияти учун олиб борилдиган курашдан иборатдир.

Иқтисодий рақобатнинг асосини кишилар мулк эгалари сифатида алоҳидаланиши ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бор. Унинг барча фаоллиги ўз манфаатига бўйсунган бўлади. Бу маънода рақобат ишлаб чиқариш субъектларининг тўқнашувидан иборат. Рақобат энг аввал тадбиркорликка хосдир, у инвестициянинг ички табиатини ифодалайди.

I. Рақобат кураши амал қилиши, ҳажми ва характериға қараб бир неча турға бўлинади:

1. Моддий техника соҳасида сифатли хом ашё, янги технология, такомиллашган ишлаб чиқариш воситалари учун бўладиган рақобат кураши.

2. Транспорт-географик соҳаға эға бўлиши учун олиб борилдиган рақобат кураши, жумладан фирманинг бозорға, транспорт тармоқларига, ресурсларига, яхши жойға эға бўлиши учун олиб борилдиган рақобат кураши.

3. Кадрлар соҳасида малакали мутахассисларға эға бўлиши учун олиб борилдиган рақобат кураши.

4. Янги товарларни ишлаб чиқариш учун бўладиган рақобат кураши.

5. Широқард, соҳа — маҳсулотни сотиш учун, истеъмолчи учун бўладиган рақобат кураши.

II. Рақобат кураши амал қилиш доирасига қараб:

1. Тармоқ ичидаги рақобат кураши. Бунда бир-хил товарларни яхши шароитда сотиш ва бозорнинг катта қисмиға эға бўлиш мақсадида кураш олиб бориллади.

2. Тармоқлараро рақобат кураши. Биринчидан: капитални керакли тармоқларға сарфлаш мақсадида олиб борилдиган рақобат кураши бўлса, иккинчидан: ҳар-хил тармоқларда ишлаб чиқариш, бир-хил маҳсулотни сотиш учун олиб борилдиган рақобат кураши ҳисобланади.

III. Рақобат курашининг усулларига қараб:

1. Баҳолар ёрдамида олиб борилдиган рақобат.

2. Баҳоларсиз бўладиган рақобат курашларға ажратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида «гирром» рақобат тури ҳам мавжуд бўлади. Бундай рақобат курашиға иқтисодий айғоқчилик, фирма белгисидан поқонуний фойдаланиш, шантаж, рекет, коррупция иқтисодий жиноятчиликларни киритиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор тузилишини ифодалайдиган тўрт хил рақобат курашиға амал қилади:

1. Такомиллашган рақобат кураши.
2. Такомиллашмаган (монопол) рақобат кураши.
3. Олигополия.
4. Соф монополия.

2. Мукаммал ва мукаммал бўлмаган рақобат

Бозор рақобати ва бошқа жараёнлар амалга ошадиган шароитга бозор тартиби дейилади. У бир қатор хусусиятлар билан белгиланади. Хусусан, корхоналарнинг сони, миқдори, таклиф этилаётган товарларнинг турлари, баҳолар устидан назорат қилиш даражаси, тармоққа кириш ва чиқиш шароитлари ва бошқалар.

Бозор тузилмаларининг ҳар хиллигига қарамадан, одатда унинг тўрт тури ёки бозор моделлари фарқланади. Булар:

1. Соф ёки мукаммал рақобат;
2. Монополистик рақобат;
3. Олигополия;
4. Соф монополия.

Бу структураларнинг ҳар бири, аввало, корхоналарнинг бозор баҳосига таъсир эта олиши билан фарқланади. Қанчалик бу таъсир кам бўлса, шунчалик бозор рақобатли ҳисобланади. Қуйидаги келтирилган жадваллардан кўринадики, мукаммал рақобат ва соф монополия жуда кам ҳолларда учрайди, монополистик рақобат ва олигополия ҳаётда кўпроқ учрайди деган хулосага келиш мумкин:

Рақобат турлари¹

Рақобат турлари	Фирмалар сони ва миқдори	Маҳсулотнинг характери	Тармоқга кириш ва чиқиш шароити	Ахборот олиш
Мукаммал рақобат	Майда фирмалар	Бир хил турдаги маҳсулот	Ҳеч қандай қийинчиликлариз	Ҳамма турдаги ахборотдан фойдаланиш
Монополистик рақобат	Кўп майда фирмалар	Ҳар хил турдаги товарлар	Ҳеч қандай қийинчиликлариз	Бир оз қийин
Олигополия	Фирмалар сони кўп эмас, йирик фирмалар бор	Бир хил турдаги товарлар ёки ҳар хил турдаги товарлар	Айрим тўсиқлар мавжуд	Бир оз чегараланган
Соф монополия	Битта фирма	Ноб ҳаёт маҳсулот	Киришга амалий жиҳатдан ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар	Бир оз чегараланган

¹ Долан Э., Мендсей Д. Рынок: Микроэкономическая модель. СПб, 1992 й. 115 бет.

Мукаммал рақобат кураши деганда — бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб майда ва ўрта корхоналарнинг рақобат кураши тушунилади. Бундай рақобат курашга кириш ва ундан чиқиш осон. Бунда кўп сонли сотувчилар иштирок этиб, ўзлари баҳонни белгилай оладилар. Уларнинг белгилаган баҳоси умумий баҳога таъсир этмайди. Такмиллашган рақобат кураши шартонтида ҳеч қандай юридик, технологик, молиявий тўсиқлар бўлмайди. Мукаммал рақобатли бозорда нарх талаб ва таклиф асосида шаклланади. Сотувчилардан ҳар бирининг бозорга чиққан товардаги улуғни кам бўлгани учун, улар бозордаги мавжуд нарх билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Эркин рақобат субъектлари кичик ва ўрта тадбиркорлар бўлиб, уларнинг иш юритиш фаолиятлари ҳам эркин ҳаракатда бўлади. Мукаммал — эркин рақобатда корхоналарини бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтиш ёки янгиларини очилишида ҳам деярлик ҳеч қандай иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Такмиллашган эркин рақобат тармоқ ичида ва тармоқлар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Тармоқ ичидаги рақобат бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун сарф этилган ижтимоий зарурий қиймат билан товар баҳоси белгилашишини таъминлайди. Улар ўртасидаги рақобат арзон хом ашё, ишчи кучи ва истеъмол бозори учун бўлади. Такмиллашган эркин рақобат курашида ишлаб чиқилган товар қиймати шу тармоқларда ишлаб чиқилган товарларнинг ижтимоий зарурий қийматига яқин бўлади.

Тармоқлар ўртасидаги рақобат эса турли тармоқлардаги корхоналарини, фирмаларини кўпроқ фойда олиш учун ўзаро хом ашё, арзон ишчи кучи ва истеъмол бозори учун эркин рақобат бўлади, натижада капиталларнинг бир тармоқдан иккинчи тармоққа эркин рақобати тармоқлардаги фирмаларнинг олаётган фойдасини (фойда нормасини) пасайишига олиб келади.

Кўпгина иқтисодчи олимлар такмиллашган рақобат курашини назарий жиҳатдангина таҳлил қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Рақобат курашининг бундай турининг кичик, фирма, фермер ва деҳқон хўжаликлари, фонд биржалари, валюта бозорларида амал қилишини ҳисобга олсак, унинг молекуляр рақобат кураши деб номлашини ҳам мумкин. **Мукаммал бўлмаган рақобат** деганда, соф (мукаммал) рақобат бозорининг бирор бир шартли бажарилмаслиги тушунилади. Мукаммал бўлмаган рақобат уч турга бўлинади, булар: а) монополистик рақобат; б) олигополия; в) соф монополия.

1. **Монополистик рақобат** деганда, шундай бозор ҳолати тушуниладиги, кўп сонли унча йирик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар айнан бир хил бўлмаган, лекин ўхшаш товарларни харидорларга таклиф қиладилар. Бу тизимнинг соф рақобатдан сезиларли

фарқи шундаки, бу ерда ишлаб чиқарувчилар унча кўпчилилик бўлмайди, лекин улар ўзаро тил бириктира олмайдилар. Монополистик рақобатда турли майда фирмалар табақалаштирилган маҳсулот асосида рақобатлашадилар. Маҳсулотни табақалаштириш ишлаб чиқарувчига рақобатчининг ҳаракатидан қатъий назар маҳсулотга ўзи баҳо белгилаш имкониятини беради. Монополистик рақобатда қатнашаётган фирмалар маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарадилар ва унинг ҳажми катта бўлмаганлиги сабабли ҳар бир сотувчи бозор баҳосини назорат қилиши чекланган бўлади. Фирмалар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ва нархни кўтариш тўғрисида махфий битимга келиши қийин бўлади. Улар бир-бирларидан мутлақо мустақил ҳаракат қилишлари мумкин. Чунки, айрим рақибақнинг қўлланган тадбирлари бозор аҳволига унчалик таъсир этмайди. Монополистик рақобат тизимининг яна бир хусусияти шундаки, фирмалар бозорга бир-хил маҳсулотнинг турли кўринишларини олиб чиқадилар, яъни товарлар ўзининг сифати сотилиш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар, сотиш шарт-шароитлари жиҳатидан табақалашади. Харидор сотувчини танлаш имкониятига эга бўлади. Шу сабабдан уни ўз товарига жалб этиш учун кураш кетади.

2. **Такмиллашмаган рақобатнинг** яна бир тури **олигополия шароитидаги рақобатдир**. Олигополия — рақобати бир неча йirik фирмалар ҳукмронлик қиладиган бозорлар шаклланади. Олигополия бу маълум тармоқларда ишлаб чиқаришни энг катта қисмини ўз қўлида ушлаб туради. Натижада шу тармоқ бўйича бозорда уларнинг ҳукмронлиги таъминланиши, уларга энг юқори фойда олишни таъминлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб, соф ва табақалаштирилган олигополия фарқланади. **Соф олигополия** корхоналари бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаради. **Табақалаштирилган олигополия** турли маҳсулотларни ишлаб чиқариши билан шуғулланадилар. Олигополия ҳукмрон тармоқларда ҳам стандартлашган, ҳам табақалашган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Стандартлашган маҳсулотларга шўлат, руҳ, мис, алюминий, қалай, цемент, техник спирт каби моддий шакли аниқ маҳсулотлар кирди. Табақалашган маҳсулотга ҳар турли истеъмол буюмлари (масалан: турли маркали автомобиллар, кир ювиш машиналари, электр асбоблари) кирди.

Олигополия тармоқларида йirik 3—4 фирма маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини назорат қилади. Масалан: АҚШ автомобиль саноатида «Катта учлик», «Дженерал моторз», «Форд» ва «Крайслер» ҳиссасига сотилган автомобилларнинг 90% тўғри келади. Худди шундай мавқеига Японияни «ТОЙОТА», «ХОНДА», «НИССАН» каби автомобил компаниялари эга.

Олигополия тармоқларига янги фирмаларнинг кириб келиши кийин, чунки у ердаги фирмалар билан беллашув учун го'ят катта нул керак, унга эса кўпчилик эга эмас. Бу тармоққа бир амаллаб кириб қолган кичикроқ фирма технология устунликларга эга бўлган йирик фирмалар билан рақобат қила олмай бу тармоқни тарк этади. Беллаша олгани учун олигополия бор жойда фақат кучли фирмалар келиши мумкин, чунки улар рақиб қўйган тўсиқлардан ўта олади. Олигополия шароитида рақобат чекланган ҳисобланади.

Олигополияларнинг вужудга келиши бир неча фирмаларнинг биргалишиши натижаси ҳисобланади. Бирлашишнинг сабаби эса бозордаги ўз улушини кўпайтириш, бозорни ва баҳоларни назорат қилиш ҳисобланади.

3. Соф монополия рақобати деганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда фақат битта фирмани фаолният кўрсатишини тушунамиз. Бу ерда бутун бир тармоқ битта фирмадан иборат бўлади. Фирма ишлаб чиқарадиган маҳсулот го'ят ноёб бўлиб, унинг муқобили бўлмайди. Харидор олдида икки йўл бор: товарни монополист айтган нарҳда сотиб олиш ёки сотиб олмаслик. Бу ерда монополистик маҳсулот турига қараб рекламадан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Соф монополияга амалда кириш мумкин эмас. Танҳо ҳумкронлик товарларни монопол баҳоларда сотишни ва монопол фойда олишни таъминлайди. Чунки унга кириш учун ниҳоят даражада кўп капиталга эришган бўлиши керак. **Соф монополияни гоҳида табиий монополия деб атайдилар.** Бундай ҳолда табиий монополияга давлат ва унинг мулкга монопол эгаллик қилиши тушунилади. Масалан: электр станциялар, ҳаво йўллари, комунал хўжалик вазирликлари, Ўзбекистон ҳаво йўллари қабилар давлатга қарашли ва унинг танҳо эгаллигини ифодалайди.

Соф монополия шароитида монополист, монополистик баҳоларни пасайтириш билан ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Фойдани эса даромадлар билан ҳаражатларни бир-бирига тенглаштирган ҳолда ошириб боради. Монополист жуда юқори баҳонини белгиламайди. Юқори ҳаражат ва паст талаб монополистга юқори баҳони, фойда олишга имконият бермайди.

Монополист даромадларнинг тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда бир хил товарларга ҳар хил баҳо белгилайди. Бунинг сабаби асло ҳаражатларнинг ҳар хил бўлиши билан боғлиқ эмас. **Бир хил товарларга ҳар хил баҳоларнинг белгиланишига баҳоларнинг табақалашуви дейилади.** Баҳоларнинг ҳар қандай сотувчи ҳам табақалаштира олмайди. Бунинг учун 3 та шарт бажарилиши керак:

1. Сотувчи катта маблағга ва бозорда ҳумкронлик мавқеига эга бўлиши.

2. Сотувчи харидорларни аниқ синфларга ажрата олиши.

3. Дастлабки харидор маҳсулотни олиб-сотиш имкониятига эга бўлмаслиги керак.

Соф монополиянинг мавжуд эканлиги иқтисодий жараёнларда қарама-қарши бўлган оқибатларга олиб келади. Монополист маҳсулот ҳажмини қисқартириб, баҳоларни ошириш натижасида ресурсларнинг нотекс тақсимланишига олиб келади. Монополиянинг мавжуд эканлиги даромадларнинг нотекс тақсимланишига сабаб бўлади. Илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга тўқнилик қилади. Баҳоларни табақалаштириш имкониятига эга бўлган монополистларгина маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятига эга бўладилар.

Давлат корхоналар, фирмалар ўртасида эркин рақобатни таъминлаш учун уларни фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар ва монополиялар фаолиятини антимонопол ва турли иқтисодий тадбирлар орқали чеклашга, монопол рақобатни олдини олишга ҳаракат қилади.

3. Монополия ва антимонопол қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Монополиячиликка қарши тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи устидан тазийқни тугатиш иқтисодий-тинг муваффақиятли ривожланишига, рақобатли муҳит шаклланишига, бозорнинг товар ва хизматлар билан бойишига олиб келиши керак. Айрим корхоналар ва тижорат тизимларининг монопол мавқеини тугатиш, уларни бозорга тазийқ кўрсатиш соҳасини тақсимлаб олиш бўйича келишувларига йўл қўймаслик соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади, нарх-наволарнинг суғий равишда кўтарилишига, монополия йўли билан устама фойда олишга қарши омил бўлиб хизмат қилади»¹,— деган эди.

Бозор иқтисодиёти шаронтида монополия рақобатга қарши куч сифатида майдонга чиқади ва у рақобат таъсири шаронтини ўзгартиради. Монополия — бу бозорда юзага келадиган иқтисодий ҳодиса бўлиб, унда йирик сотувчи ва харидорлар ўз иқтисодий қудратига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ҳукмларини ўтказадилар. Бунда монополиячиларни шахсий манфаатларига асосланган, уларнинг фойдасини кўзлаган шартлар қолган барча учун мажбурий ҳисобланади. Таклиф ҳажми ва бозордаги баҳо монополия томонидан белгиланади.

Демак, монополия сўзи юнонча сўз бўлиб, тапхо ҳокимлик де-

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сарни. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 110-бет.

ган маънони билдиради. Ҳамда уни ўзаро бир-бири билан боғлиқ икки маънода тушуниш мумкин:

1. Тадбиркорлар ўртасида тузилган уюшма, бирлашма.
2. Иқтисодийётнинг бирор бир соҳасида танҳо ҳукмронлик.

Монополистик бирлашмаларнинг бир қанча шакллари мавжуд:

2. **Картель:** ишлаб чиқаришнинг бир тармоғига мансуб бир қатор корхоналарнинг бирлашмаси. Картель аъзолари ўз ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотлари эгаси бўлиб қолаверади. Картель аъзолари монопол фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш баҳолари, бозорни тақсимлаб олиш ва шу кабилар ҳақида битим тузадилар. Картелнинг бошқа уюшмаларидан фарқи шундаки унга кирувчилар хўжалик юритиш мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Синдикат: бунда синдикатга бирлашаётган корхоналар ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда ўзларининг тижорат соҳасидаги мустақилликларидан маҳрум бўладилар. Бунда буюртмаларни тақсимлаш ҳам ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб идора тузадилар.

Трест: унда маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналарнинг молияси тўла бирлаштирилади. Трест муайян тармоққа ҳукмронлик қилувчи ягона улкан ширкатчилик жамиятидир.

Концерн: кўп тармоқли корпорацияларни тушуниш керак. Улар таркибига ҳар-хил тармоқлардаги ўнлаб, юзлаб корхоналар кириди. Демак, рақобат шароитида харидор бу хўжайин, бозор унинг агенти, корхона эса унинг хизматчисидир. Монополияларнинг вужудга келиши ушбу вазифани кескин ўзгартириб юборади. Ушбу масалани чуқур билиш учун, юқорида биз мукаммал ва мукаммал бўлмаган рақобатни кўриб чиқдик.

Рақобатни ҳимоя этишнинг асосий дастаги бу — монополияларнинг фаолиятини антимонопол қонунлар асосида бошқаришдир. Иқтисодийётда монополиялашув тенденциялари пайдо бўлиши муносабати билан эркин рақобат чекланади, шу сабабли соғлом рақобатчилик муҳитини яратишда давлатнинг роли ошиб боради. Бунинг давлатнинг монополлашув жараёнига қарши олиб борадиган сиёсатида кўриши мумкин. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усулларини қарор топтиришга қаратилади.

Давлатнинг хусусий монополияларни жиловлашга қаратилган тадбири, 1890 йилда АҚШда қабул қилинган. «Шерман қонуни» бўлиб, у тарихда антигрест қонуни деб ном олган.

Бозордаги вазият тез ўзгариб туради. Унинг ҳисобини назорат қилиб туриш қийин кечади. Шу боисдан антимонопол қонунлар ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб туради. Рақобатни чек-

лаш борасида конкрет аҳвол шундайки, бу қонуларни кенг талқин қилишга тўғри келади.

Антимонопол қонуларни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруриятдир. Чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб, бозорни шакллантириб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистонда 1992 йилда монополизмга қарши қонунчиликка асос солинди. Шу йили Республикада монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Қонунга кўра атайлаб бозорда тақчиллик ҳосил этиш, нархларни монополаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўқиллик қилиш, рақобатнинг фирром усуллари қўллаш ман этилади. Қонунни бузганлар рақибига етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари шарт. Улар фирромлик билан олинган фойдадан маҳрум этилади. Бу қонун рақобатчилик тизимига хизмат қилади. Хўш, бу қонуннинг амал қилиши қандай борапти, унинг фаолияти кучайтириш учун нималарга аҳамият бериш керак? Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Қаримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида шундай дейди: «Биз монополия фаолиятини чеклаш тўғрисидаги Қонун қабул қилганмиз.

Лекин у амалда иш бераётгани йўқ. Статистик маълумотларига қараганда эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келямиз. Аҳвол шундай экан, қонун ва кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган монополиядан чиқариш қўмитаси, солиқ органлари, прокуратура нима билан шуғулланмоқда? деган савол туғилади. Афсуски, улар бу масалалар билан жиддий шуғулланишмаяпти. Натижада ишлаб чиқаришга, энг муҳими эса, истеъмолчига, одамларнинг манфаатига зарар етмоқда. Хўш, бу соҳада аҳволни ўнглаш учун нима қилмоқ керак? Аввало монополияларга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайитириш ва тугатиш юзасидан амалий жараён кўриш лозим. Табиий монополиялар тўғрисида Қонун қабул қилиши, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқариш даркор»¹.

Республикада иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий эркинлигини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Монополистик фаолият, монополия фаолиятини чеклаш қонуни асосида чеклаб қўйилди. Бозор инфраструктурасини шакллантириш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди. Жумладан банк ва банк фаолиятлари тўғрисида тадбиркорлик тизими, суғурта ти-

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й. 34 бет.

зими, аудиторлик фаолияти, қимматли қоғозлар ва фонд биржа тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Қабул қилинган қонунлар албатта бозор механизмларини янада такомиллаштиради. У эса демократик бозор иқтисодиёти муносабатларини шаклланишини тезлаштиради.

II-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАР

1. Ер ишлаб чиқаришнинг омили сифатида

Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг аграр соҳаси ишлаб чиқариш миқдори, аҳолининг бандлиги, экспорт қуввати бўйича иқтисодиётнинг йирик соҳаси ҳисобланади. Аҳолининг фаровонлиги ва иқтисодиёт бошқа соҳаларининг ривожланиши аграр соҳанинг ҳолати, унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Шунинг учун, аграр сиёсат давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Агар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давлат сиёсатида устувор бўлиб қолса, қишлоқ индустриализациянинг бир маромда ривожланишига ва асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга фаол ёрдам беради. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этш муаммосини ҳал этмай туриб бутун иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришимиз мумкин эмас.

Аграр ислоҳотларнинг асосий вазифаси — Ўзбекистоннинг юксак даражада ривожланишига эришиш йўлидаги муҳим бўғин сифатида аграр-саноат мажмуасининг бир маромда тараққий этишини таъминлаш ҳисобланади. Бу муаммонинг қанчалик долзарб эканлигини Президентимиз И. А. Қаримов ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарларида қуйидагича таърифлаб берган эдилар: «Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлигини кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторини қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади.

Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқон соҳиблик ҳиссини уйғотиш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларини қайта тузиб, уларни хўжалик мол-мулкни бир қисмини, муайян улушини деҳқонларга бириктириб асосланган хўжаликларга айлантириш хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш, шунингдек деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи

хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим»¹. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутлади. Ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар дейилади. Бу муносабатларнинг объекти ер, субъекти эса ер эгаларидир.

Ернинг маълум вақтинча ижарага бериш орқали товарга айланиши — ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши, ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, ерга рента шаклида пул ундирилиши агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши бозор билан боғлиқ.

Аграр муносабатларнинг объекти бўлмиш ер махсус ресурс бўлганидан унинг хусусида ҳам ўзингагина хос бўлган иқтисодий алоқалар келиб чиқади. Ер ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг умумий шarti. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас, шу сабабли ҳар қандай иқтисодий фаолият маълум даражада ер билан боғланган деб атаймиз.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш икки ёқлама характерга эга: биринчидан, иқтисодий жараён, яъни инсон меҳнатининг натижасида юз беради, иккинчидан, табиий биологик жараён бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилларга (иқлим шароити, об-ҳавонинг қандай келиши, тупроқнинг табиий хоссалари)га боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади. Шундан келиб чиққан, ҳолда қишлоқ хўжалигидаги мулккий муносабатларни аниқ ҳал этмасдан туриб, уни янги замонвий даражага кўтариш мумкин эмас. Ушбу нуқтан назардан қараганда энг асосийси ер тўғрисидаги масаладир. Қишлоқ хўжалиги ери умуммиллий мулк ҳисобланади ва ерни эркин олиш-сотиш мумкин эмас. Бизнингча, қишлоқ хўжалигини тулиқ сув билан таъминлашга, ягона сув хўжалиги тизимининг фаолият юритишига боғлиқ бўлган Ўзбекистон учун ерга давлат мулкчилигини сақлаш, аммо унинг бюрократлашган эмас, маданийлашган, бозор варианты энг мақбул ҳисобланади. Бу соҳада асосий ресурс ер бўлиб, у ўзинга хос хусусиятларга эга. Аммо, ер энг чекланган ресурс бўлиб, уни меҳнат билан яратиб бўлмайди, шу билан бирга ернинг ўрнини ҳеч бир ресурс боса олмайди. Унинг яна бир хусусияти, ер бошиқа ресурсларга қўшимча сифатида амал қилмайди.

¹ Каримов И, Ўзбекистон буюк келажак сари, Тошкент, «Ўзбекистон» 1998 й. 578 бет.

Ер чекланган, уни ишлаб чиқариб бўлмайди, аммо фойдаланиладиган ерларга инвестиция сарфлаб олинаётган маҳсулотни, ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтириш мумкин. Шунинг учун ернинг таклифи ҳам кўпаяди, лекин ер бу қоидадан истисно этилади, чунки ер табиат меваси бўлганидан уни меҳнат билан кўпайтириб бўлмайди. Ер ҳаммабор ресурс. Унда деҳқончилик қилиш, ундирма саноат юрғатиш, қурилиш қилиш мумкин.

Ерга икки хил монополия бўлади. Биринчидан, ер қадр-қиймати баланд ресурс сифатида мулк монополиясида туради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Ер чекланган миқдорда бўлганидан уни мулк сифатида кўпайтириб бўлмайди. Бундай ҳолда ерга маблаг сарфлашни эгасига боғлиқ қилиб қўяди. Ер эгасининг мулкдор сифатида манфаати бор, яъни у ўз ердан наф қўриши керак. Шу сабабли ер ишлатиш учун текинга берилмайди. Ер эгасига ундан фойдаланиш ҳақини тўлаш керак. Иккинчидан, ер хўжалиқ юритиш объекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил топади, яроқли ер бўш турмайди. Ер ресурс сифатида эгалари қўлида бўлар экан, улар бошқа ресурслар сингарни уй хўжаликларни таркибига киради. Бинобарин, уй хўжаликлари ўртасида муносабат ер хусусида бўлади. Ер мулк бўлганидан мулкдорнинг розилигисиз уни ишлатиб бўлмайди. Ундан фойдаланиш учун унинг эгасига ҳақ тўлаш керак. Ер ўз эгасининг мулк бўлиб қолгани ҳолда вақтинча бошқа мулк соҳиб, хусусан тadbиркор томонидан ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, ерга бўлган муносабат баён этилган. Ер хусусий мулк сифатида сотилмайди, балки у узоқ муддатга ижарага берилади. Ерни ижарага топширилиши, унга бўлган эгалик ҳиссиётини кучайтиради ва қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантирувчи бўлиб хизмат қилади.

2. Ер ресурслари бозори ва ер рентаси. Ернинг баҳоси

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ерга ҳақ тўлаш билан маълум муддатда фойдаланиш юзасидан келиб чиққан иқтисодий алоқалар ижара муносабатлар дейилади. Ер эгаси ижарага берувчи, ерни ишлатувчи эса ижарага олувчи бўлади. Уларнинг муносабатлари ижара битими билан қонулаштирилади.

Ер ижараси белгиланган муддат ичида, келишилган қийматда ердан фойдаланганлиги учун тўланган ижара ҳақи. Ерни ижарага олган шахслар ердан қай тарзда, қанча муддатга фойдаланиши келишилган шартнома асосида уларнинг ихтиёрида бўлади. Ижарани шу даврда қулга киритган даромадларнинг ижара ҳақидан ташқариси унинг ихтиёрида бўлади ва ҳоқлаган тарзда тақсимлайди ва ишлатади.

Ижара ҳақи билан ер рентаси бир-биридан фарқ қилади. Ижара ҳақи фақатгина ижара олган ердан фойдаланиш учун ҳақ бўлмай, балки унда мавжуд бўлган мевали дарахтлардан фойдаланилган асосий ва ёрдамчи бино ва иншоотлар қийматини ўзида ифодалайди.

Ер рентаси эса қуруқ ердан фойдаланганлик учун ер эгасига тўланадиган ҳақдир. Рента даражаси яъни рента қиймати қуйидаги омиларга боғлиқдир:

- а) ернинг табиий унумдорлиги;
- б) ерни истеъмолчиларга нисбатан жойлашиш даражаси;
- в) унга сарф этилган моддий ва меҳнат ресурсларига ҳаражат миқдори.

Ер ренталарининг қуйидаги шакллари мавжуд:

Абсолют ер рентаси. Бу рента асосан ернинг табиий унумдорлигига боғлиқ бўлади. Ҳатто унумдорлиги энг паст ер, ҳам ижарага бепул берилмайди. Абсолют ер рентаси энг унумдор, ўртача унумдорлиги энг паст даражадаги ерлардан ҳам олинади. Лекин ҳосилдорлиги энг паст ерлардан олиннадиган абсолют рента бу энг яхши ёки ўртача бўлган ерлардан олиннадиган рентага нисбатан паст бўлиб, бу ер учун унумли рента ни ифодалайди.

Абсолют рентани вужудга келишига сабаб, биринчидан қишлоқ хўжалигида яроқли ерлар чекланганлиги, ишлаб чиқариш тармоқларини хом ашёга ва аҳолининг истеъмол талабига бўлган талабларни фақат ҳосилдор ерлар ҳисобига таъминлаш мумкин бўлмаганлиги учун ҳам ёмон ерлардан фойдаланилади. Иккинчидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳолар талаб ва таклиф қонуни асосида шаклланганда энг ёмон ерга қилинган ҳаражатлар ҳам эътиборга олинади.

Дифференциал (табақалашган) рента ернинг сифатига қараб олиннадиган ва рентанинг абсолют рентадан ортиқча бўлган қисмидир. Ер сифатининг ҳар хил бўлиши уни яратадиган омилдир. Тупроқ ҳосилдорлиги икки хил бўлади:

Табиий ҳосилдорлик тупроқнинг кимёвий ва физикавий хоссалари бўлиб, уни табиат инъом этган.

Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги эса ерга қўшимча ресурс сарфлаш, ишлов бериш орқали унинг сифатини ошириш, унумдорлигини кўтаришни билдиради.

Иқтисодий ҳосилдорликни ошириб бориш чексиз эмас, балки маълум чегарада бўлади.

Шу доирада рента ҳам фарқланади.

а) дифференциал рента I.

б) дифференциал рента II.

Дифференциал рента I ернинг табиий унумдорлиги энг паст ерларга нисбатан унумдорлиги ўртача ва юқори бўлган ерлар-

дан олимпиади ёки ёмон ердаги ҳаражатлар билан бошқа сифат-лироқ ердаги ҳаражатлар ўртасидаги фарқ дифференциал рента I ни пайдо қилади. Бу мазмунан иқтисодий фойданинг бир тури, лекин у ер эгаларига текал учун рентага айланади.

1-жадвалда келтирилган маълумот шуни кўрсатадики ернинг унумдорлиги ошиши билан дифференциал рента I ҳам ошиб бормоқда. Шу билан бирга дифференциал рента I фақат ернинг ҳосилдорлигигагина эмас, балки ер майдонларининг бозорга, транспорт йўлларига, истеъмолчиларга яқинлигига ҳам боғлиқдир.

1 жадвал

Дифференциал рента I нинг ҳосил бўлиши

Ер сифати	Ер майдо-ни (га)	Иш. чик. ҳа-ражати (сум хис.)	1 га ер-дан ҳосил-к ун	1 ц. чиқарилган маҳсу-лат баҳо. п		Диф. рента I (сум хис.)
				якка тар-тиб чик. ба-ҳоси (сум)	настимон иш. чик. баҳоси (сум)	
1. Ёмон	1	1000	4	250	250	0
2. Урта	1	1000	5	200	250	50
3. Яхши	1	1000	8	125	250	125

Қўшимча, (2-жадвал) моддий ҳаражатлар қилиш эвазига икки ва учинчи участка ер эгалари гектарига ҳосилдорликни уч ва олти центнерга оширишга эришдилар. Натижада иккинчи ва учинчи ер участкаларида табиий унумдорлик ҳисобига олинган дифференциал I (1-участкада 50, 2-участкада 125) га нисбатан иқтисодий унумдорлик асосида (1-участкада 100, 2-участкада 150) **дифференциал рента II** олинди.

Иқтисодий унумдорлик ҳисобига олинган **дифференциал рента II** биринчи участкада 50 сўмни, иккинчи участкада 25 сўмни ташкил этди.

2 жадвал

Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши

Ер сифати	Ер майдо-ни (га)	Иш. чик. ҳа-раж. (сум)	1 га ер-дан ҳо-силдор-лик (цен)	Кўш. иш. чик. ҳа-раж. (сум)	1 га ер-дан оли-нган ҳос (цен)	1 га ер-дан оли-ну-м. ҳос (цен)	Жам. ҳа-раж (сум)	Иш. ҳуж-мат. иш. чик. кий. (сум)	Қиш. мах. со-тиш баҳ (сум)	Диф. рента II
1. Ёмон	1	1000	4	0	0	4	1000	250	250	0
2. Урта	1	1000	5	200	3	8	1200	15	250	100
3. Яхши	1	1000	8	400	6	14	1400	100	250	150

Монопол рента алоҳида табиий иқлим шаронтига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулот етиштириладиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентадир. Уларга талаб катта бўлгани ҳолда таклиф оз бўлади. Шунинг учун камёб маҳсулотлар монопол нархда сотиладики, бу нарх уларни ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатлардан анча юқори бўлади, натижада ер эгалари монопол рента олиш имкониятига эга бўладилар.

Ундирма саноатда рента-қазилма бойликларнинг жойлашуви ва уларнинг қийматига қараб юзага келади. Масалан: олтин конлари жойлашган ерларга ундирма саноат рентаси ош тузи жойлашган ерлардаги ундирма саноат рентасига нисбатан юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер сотилмайди деб белгиланган. Демак, ер бебаҳо унинг қиймати йўқ. Шу билан бирга ер маълум даражада нархга эга. Ернинг нархи, ундан келадиган даромад ер рентасига боғлиқ. Демак ернинг баҳоси даромад ер рентаси миқдорига ва банкларда тўланадиган фойз даражасига қараб белгиланади.

$$E_6 = \frac{E_p}{\Phi} \times 100\%$$

E_6 — ер баҳо;
 E_p — ер рента;
 Φ — банкларда тўланадиган фойз.

3. Ўзбекистон Республикасида янгича аграр муносабатларнинг шакллари

Ўзбекистон Республикасининг аграр соҳаси ишлаб чиқариш миқдори, аҳолининг бандлиги, экспорт қуввати бўйича иқтисодиётнинг йирик соҳаси ҳисобланади. Аҳолининг фаровонлиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожланиши аграр соҳанинг ҳолати, унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммосини ҳал этмай туриб, бутун иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришимиз мумкин эмас. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорликка кенг эътибор бериш керак. Бунинг намунаси агробизнесдир. Агробизнес деганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушунилади ва у безор тизимининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Агробизнес Ўзбекистонда ҳам мавжуд, у агросаноат комплекси кўринишида ривож топади.

Агросаноат комплекси (АСК) — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган халқ хўжалиги тармоқларининг мажмуидан иборат.

АСК умумий ҳолда 4 соҳани ўз ичига олади:

Биринчи соҳа — қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бераётган саноат тармоқлари, шунингдек,

қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар;

Иккинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ўзи;

Учинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб бериш, сотиш);

Тўртинчи соҳа — инфраструктура, яъни ишлаб чиқаришнинг ва кишилар фаолиятни шарт-шароитини таъминлаб берадиган хўжалик тармоқлари, (йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, моддий бўлмаган) ишлаб чиқариш тармоқлари.

Агробизнеснинг бирламчи бугунги фермер (деҳқон) хўжалиги ҳисобланади, чунки у қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратади. Фермер хўжалиги кичик бизнеснинг кўринишидир. Ўзбекистонда фермерлаштириш тоталитар тузумдан мерос қолган ва ночор аҳволга тушган давлат хўжаликларини фермерлар уюшмасига айлантириш ва улар таркибда фермер хўжаликларини ташкил этиш, шунингдек, ишлаб турган давлат ва жамоа хўжалигидаги ресурсларнинг бир қисми ҳисобидан фермер, жамоа ширкат хўжалигини уюштириш тарзида борди.

Қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда хусусийлаштириш жараёнига қарамай, ер давлат мулки бўлиб қолади. Энг зарур стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари пахта ва буғдойга давлат буюртмаларини ўрнатиш орқали қишлоқ хўжалигини бошқариб бормоқда. Бошқа бир томондан эса давлат қишлоқ хўжалигини жуда кўп жиҳатлардан субсидиялар, кредитлар, солиқдан енгилликлар бериш орқали қўллаб-қувватламоқда.

Натижада деҳқон — фермер хўжаликлари сони йил сайин ошиб бормоқда.

Жадвал

Деҳқон фермер хўжаликлари¹

	1993	1995	1997	1999
Сони (минг)	1,9	7,5	18,1	23
Ўмумий майдон миң га.	14	71	265	447
Экин майдонларининг, %	0,3	1,7	6,6	11,3

Республика 2000 йилда 963 жамоа ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатган, уларнинг пахта экин майдони 677,9 миң гектарни, ҳар бир гектар ҳосилдорлиги 26,4 центнерни, олинган соф даромад 2,4 миң сўмни, ғалла етиштириш бўйича 685,9 миң гектар экин майдонининг ҳар бир гектаридан 23,3 центнер ҳосил

¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти.

олиниб, гектар бўйича олинган даромад 3,2 минг сўмни ташкил этди.

Агрофирмалар — муайян турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхоналардир. Бу корхоналар истеъмолчига тайёр маҳсулотлар яратади.

Агросаноат бирлашмалари тўғрисида биз улар ҳақида юқорида қисқача тўхталиб ўтган эдик. Шунинг қўшимча қилиши мумкинки, фермер хўжалигидан фарқлироқ бирлашмалар танҳо индивидуал хусусий мулкка асосланмайдилар. Бирлашма иштирокчиларининг мустақил индивидуал мулки билан бигаликда умумий-кооператив мулки ҳам бўлади.

Агробизнес ишига фермерлар ассоциацияси (уюшмаси) ва иттифоқлари ҳам хизмат қилади. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма бўлиб, ўз аъзоларига хизмат кўрсатади, уларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Давлат деҳқонларни қизиқтириш мақсадида 1998 йилнинг март ойида «1998—2000 йилларда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорни қабул қилди. Бу дастур фермер хўжалиklarини ташкил этиш, мулкчилик шаклларини ва тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида рақобатни ривожлантиришга қаратилган. Ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва солиқ тизимини бир шаклга келтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун «Ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» Президентнинг фармони қабул қилинди. Янги тузилган деҳқон хўжаликлари фармонга биноан ягона ер солиғидан икки йилгача озод қилинади.

Аграр соҳани тараққий эттириш учун қишлоқда кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ўсишини, ким виждонан меҳнат қилган бўлса, ҳар бир кишига арзирли ва тўқис ҳаётни таъминлайдиган хўжалик юртишининг иқтисодий шароитларини тадбиқ этиш керак. Ушбу мақсадларга қуйидагилар асосида эришиш мумкин:

— мамлакатнинг асосий бойлиги ернинг ҳақиқий эгасини вужудга келтириш мақсадида мулкчиликнинг кўп укладли шаклини қўллаб-қувватлаш;

— пайчилик муносабатлари, оилавий пудрат, фермер ва хусусий хўжалик тизимини тараққий эттириш, фермер хўжалиklarининг таъминот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш,

шунингдек, ўзаро кредитлаш бўйича ширкатларга ихтиёрий бирлашувларига кенг имконият яратиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йирик корхоналар ва савдо ташкилотларини акцияларининг назорат пакетларини улар хизмат кўрсатадиган қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида тақсимлаш орқали акционерлаштириш;

— қишлоқ хўжалиги бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш, маъмурий ва буйруқбозлик усулларидан воз кечиш;

— ерга давлат мулкчилиги шароитида ундан фойдаланувчиларга узоқ муддатли қўйилмаларнинг ўз-ўзини қоплашига кафолат берадиган ердан ижара тартибида фойдаланиш моделини такомиллаштириш;

— баҳони шакллантириш тизимини ўзгартириш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқларини поймол этишга йўл қўймаслик.

Президентимиз ердан фойдаланиш маданиятини ошириш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини тиклаш ва ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳуқуқий ва касбий таълим бериш бўйича кенг кўламли тадбирлар ўтказилишини фаол қўллаб қувватламоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги эканларининг маҳсулдорлиги ўсишига ёрдам берадиган, ернинг ҳолатини яхшилайдиган, ерни ўзлаштириш ишларида фаол қатнашадиган, ўзларининг шахсий заҳираларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайдиган хўжаликларга катта иқтисодий имтиёзлар берилса, давлатимиз қисқа муддат ичида илғор, sanoатлашган қишлоқ хўжалиги мамлакатига айланади деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда агросервис, навлашни sanoатлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойлаш ва қайта ишлаб чиқариладиган жойларда сақлаш, улгуржи озиқ-овқат бозорлари ва товар биржаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Иқтисодиётимизда бораётган ислохотларнинг ташаббускори ва ғоявий илҳомчиси давлатдир. Ўзбекистон Республикасида давлат иқтисодиётининг фаол яритиш механизмига аралашмайди, балки иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларига белгилаб боради, холос.

Биз буни Президентимиз И. А. Қаримовнинг юқорида қайд этилган асарларидаги қуйидаги хулосаларида кўришимиз мумкин: «Энг асосийси қишлоқ хўжалик юритишнинг шундай механизмининг вужудга келтириш кераки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирган маҳсулотдан мустақил фойдаланиш, ўз оиласининг маъмурчилигини таъминлаш имконини бериш.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналиши ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда банд бўлган

ортиқча ишчиларни бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига жалб этишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигининг ўзи қишлоқ жойларида яшаётганларнинг ҳаммасини иш билан таъминлай олмайди. Натижада бу ҳол қишлоқ хўжалигини ривожлантириши ва ислоҳ қилишга тов бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг юқори самарали индустриал усуллари, илғор агрокимё усуллари сует жорий этилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ҳам даст даражада қолмоқда. Лекин бу фақат масаланинг иқтисодий жиҳати, холос. Унинг ижтимоий жиҳати ҳам бор. Қишлоқда яшовчиларнинг кўпчилиги, айниқса ёшлар, ишга жойлашиш, ўз ҳаётларини йўлга қўйиш имконига эга эмаслар. Бу эса қишлоқда кескин ижтимоий муамоларни келтириб чиқармоқда, ижтимоий барқарорлик хавфининг манбаига айланмоқда. Шу сабабли биз қишлоқ жойларида замонавий технологияга эга ҳаракатчан кичик корхоналар очиш ҳисобига янги иш жойларини ташкил этишни энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаймиз. Биз ўз зиммамизга қишлоқда мутлақо янги тармоқларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани, коммуникациялар тармоғини замонавий манший ва сервис хизмат кўрсатишни барпо этиш вазифасини олганмиз. Хизмат кўрсатиш соҳаси етарлича ташкил этилса, қишлоқдаги ҳоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқнинг қиёфасини, турмуш маданиятини тубдан ўзгартириб юбориш имкони туғилади. Бу эса мамлакатда ижтимоий сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ташкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 580—581-бетлар.

Ш Б У Л И М

МАКРОИҚТИСОДИЁТ

12-мавзу. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ҶУРИ

1. Бозор иқтисодиётининг давлат томонидан бошқариш зарурлиги

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида иш олиб бориб, иқтисодиётни ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга оширилиши лозим. Собиқ тизимни парчаланиши натижасида юзага келган мустақил давлатларнинг кўпчилиги, демократиянинг инҳоятда кенг талқин қилинишига йўл қўйиб, давлатнинг ташкилотчилик ролига етарли эътибор бермадилар ва шу сабабли уларда бозор иқтисодига ўтиш кўп тартибсизликларга олиб келди.

Мустақил Ўзбекистон бу йўлдан бормади, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб бориш энг оқил йўл эканлигини аниқлаб олди. Ўзбекистон Республикаси И. А. Каримов иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида (22 январ 2000 й.) нутқида: «Давлатнинг куч-қуввати аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сифий, ижтимоий, салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориш қобилияти билан ўлчанади»,— деган. Давлатлар олиб бораётган иқтисодий сиёсатлари маълум даврларда у ёки бу мамлакатларни иқтисодиётни кўтариши, айрим ҳолларда эса иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Албатта, иқтисодий танглик ҳолатига тушган давлатларнинг иқтисодий сиёсати танқидга учраши ва иқтисодий тараққиётга олиб борилаётган давлатнинг иқтисодий сиёсатига ижобий баҳо берилиб, у олқишларга сазовор бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, янги бозор иқтисодиёти шаклланаётган даврда биз бозор иқтисодиёти олдида турган муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятига эгамизми?— деган савол туғилади. Албатта, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрнини инкор этолмай-

миз, чунки у кўп иқтисодий муаммоларни ҳал эта олади. У аввало ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини бирлаштиради ва биргаликда иқтисодиётни ривожлантиришга ундайди. Чунки, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар истеъмолчилар талабни қондирадиган даражада сифатли ва қиймати жиҳатидан уларни қаноатлантирадиган қийматларда ўз маҳсулотларини ва хизмат турларини таклиф этадилар.

Бозор механизмлари фан ва техника ютуқларини янги ишлаб чиқариш технологиялари кўринишида ишлаб чиқаришга жорий этишлари натижасида, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига ва унинг қийматини арзонлашувга олиб келади.

Бозор орқали товарларга белгиланаётган баҳолар ишлаб чиқариш жараёнини маълум йўналишларга янги инвестиция маблағларини қайси соҳаларга йўналтиришни белгилайди. Бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг ўрни, унинг вазифаси моҳияти камайдими? Албатта йўқ. Жамиятда шундай соҳалар борки, унга бозор механизми таъсир эта олмайди. Булар биринчи галда ижтимоий товарлар, яъни жамоа бўлиб истеъмол қилинадиган товарлар ва бажариладиган хизматлар (миллий мудофаа, транспорт, таълим тизим). Бу соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифасини давлат ўз зиммасига олади. Ундан ташқари бозор механизмни ҳал эта олмайдиган муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардир: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишсизликка қарши курашиш, инфляцияларнинг олдини олиш ва бошқа муаммоларни давлатнинг аралашувисиз ҳал этиш мумкин эмас.

Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра, ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган. Ҳозирги ўтиш даврида давлат халқ ҳўжалигининг, айниқса унинг асосини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда маълум табақаларга имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан муҳим тармоқларга мадад бериши лозим. Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина, ҳимоя қилишга қодирдир.

Айни пайтда, давлатнинг вазифаси ҳимоя билан чекланибгина қолмай, бозор муносабатларининг қарор топиши даврида давлат ислоҳот жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ва бозорга ўттиш йўллариини ишлаб чиқишда пешқадам бўлиши керак. Давлат иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади. Энг муҳими эса шундаки, уларни амалга бевосита ошириш керак. Чунки, фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларини мужассам ҳолда ифо-

далашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умум мақсадлар асосида жипслаштиришга қодир.

Давлат ўз иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос «бозор шарт-шароити»ни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолатчиси бўлади. Шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул равишда ўткази олади. Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўлларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш, давлат зиммасига юклатилади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ — равшан тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрни тутати. Вужудга келтирилган ишбилармоқлик тузилмаларининг қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашиш ҳам давлатнинг бурчидир. Юқорида айтилганларга хулоса қилиб айтиш керакки, ҳозирги даврда, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрни тутаётган бир даврда, бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқариш муҳим ўрин тутати. Президентимиз И. А. Қаримов бу ҳақда лўнда қилиб айтиб қўйган.

«Бозор муносабатларига ўтиш даврда давлат бош ислоҳотчи бўлиши иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириш зарур. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор давлат томонидан тартибга солиб турадиган бозордир¹.

Бозор шароитида давлат ўз зиммасига оладиган, яъни бозор мустақил бажара олмайдиган вазифаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўришимиз мумкин. Булар:

1. Иқтисодиётни керакли миқдорда пул билан таъминлаш.
2. Бозор фаолиятини ташқи, қўшимча таъсирларини бошқариш (масалан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатларини).
3. Пул билан ўлчаб бўлмайдиган ва талабга айлантириб бўлмайдиган жамоатчилик ноз-неъматларига бўлган эҳтиёжни қондириш. Яъни мудофаа, жамоат тартибини сақлаш, давлат бошқариши, ягона энергетик тизими каби жамоат фойдаланишидаги хизмат ва товарларни етказиб бериш ҳам давлат зиммасидир.

Иқтисодиётда давлат аралашувини биз давлатнинг 3 та вазифаси орқали ифодалашимиз ҳам мумкин. Булар: самарадорлик, адолатлилик ва барқарорликдир.

Самарадорлилик вазифасини бажариши давлатнинг тадбиркорлик фаолияти учун муҳит яратиб беришида намоён бўлади.

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. IV боб: «Ўзбекистон — буюк келажак сари», Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 112—113 бетлар.

Шу билан бирга давлат ўзининг монополияга қарши сиёсати орқали бизнес оламида рақобат муҳитини ҳам яратлади. Бундай муҳитларнинг яратилиши эса ўз навбатида тadbиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бирга алоҳида сифатли ва арзон маҳсулот ҳамда хизмат яратилиши учун замин бўлади.

Адолатлилик вазифаси давлатнинг иқтисодий сиёсатида ўз ифодасини топади.

Барқарорлик вазифаси эса давлатнинг иқтисодий ривожининг даврий шаклини тугатувчи: ишсизлик, инфляция, ишлаб чиқариш танглиги каби муаммоларни ҳал этувчи макронқисодий барқарорлаштириш дастурларида амалга оширилади. Юқоридаги учта глобал вазифадан ташқари давлат ҳуқуқий асос ва ижтимоий иқлимни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, илм-фан оламидаги муҳим тадқиқотларни ривожлантириш, илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш, ҳудудий муаммоларни ҳал этиш каби вазифаларни ҳам давлат ўз зиммасига олган.

2. Давлатнинг иқтисодий сиёсатига назарий жиҳатдан ёндошиши

Бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг аралашувиغا муносабат, уни вужудга келтириш ва ривожланиши ҳар хил бўлган.

Бозор муносабатлари таркиб топган давр (XVII ва XVIII асрларда) меркантилистлар фикри ҳукмрон бўлган.

Унинг моҳияти саноат ва савдон ривожлантириш учун давлат томонидан иқтисодийнинг тартибга солишни зарурлигида эди. XVIII аср охирида меркантилизмнинг ўрнига келган классик мактаб намояндalари А. Смит, Д. Рикардо ва бошқалар давлатнинг иқтисодийнинг тартибга солишга аралашувиغا салбий муносабатда бўлганлар. Бу гоҳин биринчи марта А. Смит асослаб берган. Унинг фикрича, бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи омил бозор ҳисобланади, бундан келиб чиққан ҳолда бозорга тўлиқ мустақиллик берилиши лозим. Давлат эса, иқтисодиётга аралашмаслик сиёсатини олиб бориши лозим. Ҳозирги замон неоклассик концепциялар (монетаризм, рационал кутини назарияси) гоҳлари ўша классик мактаб гоҳларидан келиб чиқади.

Энди иқтисодчилар, давлат ҳукуматлари олдида иқтисодий инқирозларнинг олдини оладиган, унинг оқибатларини юмшатадиган, инфляция ва ишсизликни бартараф этадиган миллий иқтисодиётни тартибга солиш механизминини топиш асосий масала бўлиб қолди. Ана шундай механизмни англиялик иқтисодчи Дж. М. Кейнс асослаб берди. Дж. М. Кейнс иқтисодий инқироз-

лар ва ишсизликнинг асосий сабаби, истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларига етарли истеъмол талабнинг бўлмаслиги, деб кўрсатади.

Бунга асосий сабаб, даромадлар ўсган сари фойдали неъматларга бўлган талаб пасайиб, инсонларда даромадларини жамғариш ҳаракати кучаяди. Бу деган сўз, тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаби ҳам пасайиб бориши натижасида фойда ҳам камайиб боради. Шунинг учун ҳам унинг фикрича, давлат иқтисодиётга аралашishi ва уни тартибга солиши зарур. Демак, Дж. М. Кейнс давлат ўзининг иқтисодий соҳасида олиб борадиган сиёсати воситасида, жами талаб ва жами таклифни бир-бирига мувофиқлаштириш иқтисодиётни таназул ҳолатидан чиқариши ва барқарорликни таъминлаши керак, деган фикрини илгари сурган.

Назарий жиҳатдан Кейнснинг қарашлари иқтисодиёт назариясида янги, макроиқтисодиёт бўлими вужудга келишига сабаб бўлди. Амалий жиҳатдан эса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Кейнснинг ғоялари (яъни пул кредит ва млояи воситасида жами талабни тартибга солиш) ҳамма ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатнинг асоси қилиб олинди. Бу эса, ушбу мамлакатлардаги иқтисодиётни даврий тебранишларнинг юмшатишга олиб келди. Айтиш мумкинки, ушбу назарияни кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари ўз иқтисодий сиёсатларининг янги йўналишига асос қилиб олдilar. Давлатлар истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситалари бозорларини кенгайтириш йўли билан амарали талабни кучайтиришни мақсадга мувофиқ, деб оф этдилар.

Ғарб мамлакатларида иқтисодиётни давлатлаштириш сиёсати борилиши натижасида иқтисодиётда давлат сектори вужуд келади. Ҳукуматлар ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дасурлари ва йўриқ режаларни тузишни ташкил этди, катта давлат бозорини вужудга келтириб, ўзининг буюртмаларини бажаришга (улар катта фойда келтирар эди) катта фирмаларни жалб этди.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида, эркин тадбиркорликни ва чекланмаган рақобат тарафдорлари бўлган неоконсерваторлар кейнсатликка қарши чиқдилар. Уларнинг нимоёндаси америкалик иқтисодчи Милтон Фридман иқтисодий эркинлик ҳимоячиси бўлиб, майдонга чиқди. М. Фридман (1974—1975) йилдаги кризислар сабабли, Америка иқтисодиётини барқарорлаштириш концепциясини ишлаб чиқди. У инфляциянинг олдини олиш учун давлат муомаладаги пул ҳажмини қаттиқ назоратга олишга асосий эътибор қаратган. М. Фридман мониторинг (фискаль) сиёсатини илгари сурди. Фискаль сиёсати макроиқтисоднинг асосий элементи бўлиб пул-кред сиёсати орқали таклиф қилинаёт-

ган пул ҳажмига ва унга тўланидиган фоииз даражасига таъсир этади.

Монитор сиёсати Россия давлатида ҳам Е. Гайдар томонидан қўлланилди. У ларзали терапия номи билан машҳур бўлиб, кўзланган натижаларни бермади. АҚШ, Англия, Олмония ва бошқа бир қатор мамлакатларда неоконсерваторлик йўриқларига асосан иқтисодий сиёсат асосида «самарали таклиф» — хусусий тадбиркорликни рағбатлантирувчи қонда асос қилиб олинди. Эркин тадбиркорлик фойдали бўлиши учун, фойдадан ва меҳнат даромадларидан олинанидиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Қам самарали деб топилган тармоқда давлатни хўжалик ишларига аралашуви камайтирилди. Давлат корхоналарининг бир қисми хусусийлаштирилди. Кўпгина мамлакатларда халқ хўжалигини ривожлантириш қисқарди, ижтимоий дастурларни молиялаштириш бир мунча камайтирилди. Аммо бозорнинг ўзи давлат томонидан тартибга солинишга муҳтож.

Чунки бозорнинг ўзи ҳал эта олмайдиган муаммолар бор, булар муҳтожлик, инфляция, ишсизлик ва ҳ. к. Демак, ривожланган мамлакатларда, яъни бозор иқтисодиётини ҳозирги ўзининг хусусиятига, феълига кўра қарама-қарши бўлган икки восита, яъни бозор ва давлатнинг бозор муносабатларига аралашуви тартибга солади. Профессорлар П. Самуэльсон ва Н. Нордхаус (АҚШ) ҳозирги замон макроиқтисодий бошқариш феълини шундай тушунтирди. Бозор механизми кўпгина соҳаларда баҳо ва ишлаб чиқаришни аниқлайди, айни вақтда давлат ва солиқ, ҳаражатлар воситаси ёрдамида бозорни тартибга солади. Иккала томон — бозор ва давлат муҳимдир. Уларнинг унис ёки буниси бўлмаган шаронда иқтисодиётни бошқаришга ҳаракат қилиш — бир қўл билан чанак чалишга ҳаракат қилиш билан баробардир.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти вариантни қабул қилинган. Яъни, бизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бозор механизмининг яратади ва унинг ҳаётда ҳаракат қилишини таъминлаб беради. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган: «Иқтисодиётни эркинлаштиришда бош вазифа, энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат. Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга ҳос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур.

Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак»¹. Кейинги

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 19 бет.

босқичда эса, яъни бозор механизми ишга тушганда, бизнинг иқтисодийётимиз мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда, бозор механизми ва давлат томонидан бошқарилиб боради.

3. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва давлатнинг бошқариш механизмлари

Давлат иқтисодийётни маъмурий, хусусий, иқтисодий механизмлар орқали бошқаради. Давлат, фирмалар ўзининг корхоналарга тайинлаган раҳбарлари ва маъмурий муассасалар томонидан иқтисодийёт ривожини назорат қилиб боришга маъмурий бошқариш дейилади. Давлатни иқтисодий усуллар орқали бозорни тартибга солиш тадбирлари давлат ихтиёридаги корхоналарни бошқариш бюджет, солиқ ва пул-кредит сиёсати орқали, ҳамда капитал сарфларни назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Иқтисодий усуллар шундай қўлланиши керакки, бунда улар бозор кучини, ўрини босмасликлари керак. Айтайлик олиб борилаётган солиқ сиёсати ишлаб чиқариш даражасини кўтаришига баҳолар эса талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаши керак. Иқтисодий услублар орқали, давлат иқтисодийёт тараққиётини салбий томонларини доимо кузатиб, уни олдин олшини ёки ҳал этиши мумкин. Кейинги даврларда иқтисодийётни тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усулларида ҳам фойдаланилмоқда. Бевосита услубда асосан давлат томонидан режалаштириш ҳисобига иқтисодийётни тартибга солилмоқда. Билвосита усулда иқтисодийёт тараққиётини камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этиш йўли билан ва молния кредит воситалари, солиқлар сиёсати орқали иқтисодийёт тартибга солинади.

Ўзбекистон Президенти «Бозор шароитида иқтисодийётнинг давлат йўли билан тартибга солиш, одатда, иқтисодийётнинг давлат секторини ривожлантиришини бошқариш, ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўли билан бевосита, шунингдек ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ёрдамида билвосита амалга оширилади»¹.— деган эди.

Миллий иқтисодийётни бошқаришдан мақсад: а) ижтимоий эҳтиёжлар таркиби; б) зарур бўлган фойдали незматлар ва хизматлар тўғрисида; в) ижтимоий ишлаб чиқариш структураси ўрта-сида мутавозибликка эришинида иборатдир.

Давлат ўз фаолияти натижасида қандай асосий масалалар ва муаммоларни ҳал этмоғи зарур. Булар қуйидагилардан иборатдир, фан ва техника тараққиётини стратегик истиқболлаштириш, умумий нуқтаи назаридан фан ва техника тараққиётининг

¹ Каримов Н. А. Ўзбекистон — буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 117 бет.

кучайиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий оқибатларга баҳо бериш ва узоқ муддатга халқ хўжалигининг ривожланишини истиқболлаштириш, жамиятнинг кам таъминланган қатламларини ҳимоялаш пул-молия тизимини талабга жавоб берадиган ҳолда ҳаракат қилишни таъминлаш, транспорт, алоқа ва маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот моддий техника базасини давлат томонидан ишлаб чиқилган концессия асосида ривожлантириш. Ҳозирги даврда иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим шакли сифатида иқтисодиётни давлат томонидан дастурлаштириш кенг тарқалиб бормоқда. Бунда давлат томонидан экспорт, импорт, маблағлар, малакали ишчиларни тайёрлаш илмий тадқиқотлар ўтказиш дастурларини ишлаб чиқишдир. Энди юқоридаги вазифаларни бажаришда давлат қандай воситалардан фойдаланади? Уларнинг асосийси қуйидагилардан иборат: фискаль ва пул сиёсати, ижтимоий сиёсат ва даромадларни тартибга солиш сиёсати, ташқи иқтисодий сиёсат.

Умуман олганда, давлат иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагича:

- бозор иқтисодиёти ҳуқуқий асосларини таъминлаш;
- бозор механизми яхлитлиги ва унинг нормал ишлаши учун шарт-шароит яратиш;
- аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва даромадларни адолатли тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг самарали ривожланишини таъминлаш.

Давлатнинг бюджет маблағларини тақсимлаш сиёсатига, унинг фискаль сиёсати дейилади. Пул сиёсати ҳам иқтисодиётда барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Пул миқдорини тартибга солиш орқали давлат баҳо даражасига, инвестицион жараёнларига ва аҳолининг истеъмолига, миллий ишлаб чиқариш ҳажмига ва иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этиши мумкин. Ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг воситалари бир-бири билан боғлиқдир. Бунда бир соҳада қабул қилинаётган қарорини бошқа соҳаларга таъсирини, албатта, инобатга олмоқ зарурдир. Уларга асосан парх-наволарнинг ошиши билан жамғармаларни индексациялаш, яшаш минимумини ўрнатиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишдан иборат. Ундан ташқари таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ҳам ўз ичига олади.

Ташқи иқтисодий сиёсат давлатнинг халқаро савдо, валюта муносабатларида тутган ўрни билан белгиланади.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини таркиб топтирилган сари, бозор механизми шакллантирилади ва у иқтисодиётни тартибга солиш воситаларидан бири бўлади. Бунда давлат ўзинга хос бўлмаган функцияларни бозор механизмга ўтказиб, иқтисо-

диётни тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш, ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади ва иқтисодиётни тартибга солувчи иккинчи восита бўлади.

13-мавзу. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДАВРИЙЛИГИ. ИШСIZЛИК ВА ИНФЛЯЦИЯ

1. Иқтисодий ривожланишнинг даврийлиги. Иқтисодий цикл ва унинг босқичлари

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳеч қайси мамлакатда иқтисодий ривожланиш бир текис бўлмайди. У даврий характерга эга бўлиб, иқтисодий ўсиш кетидан донмо таназзул келиб туради. Иқтисодий адабиётларда иқтисодий даврга (циклга) қуйидагича таъриф берилади: «Даврий — бу мулккий хўжаликлар ва жаҳон хўжалигини бир бутун ҳолда ҳаракат қилишнинг умумий шакли... иқтисодий динамиканинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанатнинг аниқловчиларидан бири..., прогрессив ривожланишнинг шакли»¹.

«Иқтисодий цикл иқтисодий ривожланиш даражасининг кетма-кет юксалиши ва тушкунликка тушиш жараёнидир»². Демак, иқтисодий давр бу ривожланишнинг шакли бўлиб, иқтисодиётнинг бир инқироздан иккинчи инқирозгача бўлган ҳаракат даврини ўз ичига олади. Даврлар давомийлиги турлича, яъни қисқа ва узун бўлиши мумкин. Шунинг учун «узун тўлқинлар» ва «қисқа тўлқинлар» даври фарқланади. Узун тўлқинлар даври 40—60 йиллик даврни ўз ичига олади. «Узун тўлқинлар» назариясига англиялик Х. Кларк асос солган. 1847 йилда 1793 ва 1847 йиллардаги инқирозлар ўртасида 54 йиллик фарқга эътибор берди ва тасодифий эмас, бу жараён объектив шартлангандир, деган хулосага келди.

Даврийлик назариясини ривожлантиришда кўпгина иқтисодчи олимлар ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Улар ўз асрларида тўлқинларни, иқтисодий адабиётларда ортиқча ишлаб чиқариш даврий инқирозларни ўрганишга катта аҳамият берган. Юқоридаги таъкидлаб ўтиладиган иқтисодий давр (цикл) ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунча қадар такрорланиб турадиган ҳаракати тушунилади.

¹ Камаев В. Д. Учебник по основам экономической теории. М., Владос, 1994 г. 355 стр.

² Макканелл Р., Брю С. Л. Экономикс. Реферат. М., Менсджер, 1992 г. 72 стр.

Буни схематик кўрнишда қуйидагича ифодалашимиз мумкин (Илова, расм 13).

T — йиллар;

Q — миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми;

A — ўтган ишлаб чиқариш циклининг энг юқори ҳажми;

B — ишлаб чиқаришнинг энг кам пасайиш нуқтаси;

AB — кризис даврида ишлаб чиқаришнинг пасайиш ҳажми;

BC — турғунлик ва жонланиш босқичларининг иқтисодий ривожланиш;

D — босқичнинг юқори нуқтаси;

CD — юксалиш босқичининг иқтисодий ривожланиш.

Иқтисодий давр (цикл) инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш каби босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичлар иқтисодий давр фазалари дейилади. Фазаларнинг ҳар бирида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади. Энди фазаларни алоҳида кўриб чиқамиз. Вақти-вақти билан ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаракатида пайдо бўлиб турадиган узиллиш, яъни иқтисодий номуносабатлик **иқтисодий инқироз** дейилади. Унинг икки тури фарқланади:

1. Ортиқча товар ишлаб чиқаришдан юзага келадиган инқироз.

2. Ишлаб чиқаришнинг қисқартириш натижасида юзага келадиган инқироз.

Инқироз даврида ишлаб чиқаришнинг қисқариши баҳоларнинг барқарор бўлмаслиги, ишсизлар сонининг ортиши, иш ҳақининг пасайиши, аҳоли (меҳнаткашлар) турмуш даражасининг ёмонлашуви каби ҳолатлар юзага келади. Инқироз босқичида товарлар аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан белгиланувчи талабига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилганлиги ва сотилмай қолаётганида яққол ифодаланади, баҳолар пасайиб кетади, фойда миқдори пасаяди, ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Бунинг натижасида ишсизлар сони кўнаяди, иш ҳақи пасаяди, кредитга талаб ошади, фонд кўтарилади, банклардаги қўйилмалар оммавий равишда қайтариб олинади.

Инқироздан кейин **турғунлик** фазаси бошланади. Бу босқичда ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтайтилади, у турғунлик ҳолатида туради. Товарларнинг бозорда жуда паст баҳоларда сотиш бошланади. Бўш пул капитали ташкил топиб, фонд пасаяди. Бу **жонланиш** босқичи учун шароити вужудга келтиради. **Жонланиш** босқичида ишлаб чиқариш оёққа туриб олади. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми аста-секин кризисдан илгариги даражасига етади, баҳолар кўтарилади, фойда миқдори ошади, жонланиш фазасини ўрнини **юксалиш фазаси** эгаллайди. **Юксалиш фазаси** учун ишлаб чиқаришнинг инқирозгача бўлган даражасидан ошиб кетиш, товар баҳоларининг анча кўтарилиши, корхоналарнинг ишга ту-

шурилиши, ишсизлар сонининг камайиши, банк ва кредит ишларининг йўлга қўйилиши кредитга талабнинг ошиши ва фоз меъёрининг кўпайиши характерлидир. Нисбий ортиқча ишлаб чиқариш ва нисбий кам ишлаб чиқариш шаклидаги инқирозлардан ташқари **структуравий инқироз** ҳам мавжуд бўлиб, улар даврий характерга эга эмас. Бу ҳолда айрим соҳа ва тармоқлар ўртасида чуқур номуносиблик юз беради. Бундай инқироз ҳам ашёларнинг кескин етишмаслиги. Масалан, энергия инқироzi билан бошланади. Структуравий инқироз натижасида талаб ва таклиф муносабатлиги бузилади ва ҳам ашёнинг баҳоси кўтарилиб кетади. Юқорида таъкидланганидек, структуравий инқироз даврий характерга эга эмас, лекин узоқ муддат давом этиши билан характерланади. Цикли инқироздан фарқли равишда, структура инқирозда, бир ёки бир неча тармоқ издан чиққан шароитда қолган тармоқлар тез ривожланади.

Албатта, давлат инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириб туради. Инқироз ва тушкунлик давлари салбий оқибатларини олдини олиш, уларни бартараф этиш учун нафақат бир мамлакат доирасида, балки мамлакатлараро фаолиятлар мувофиқлаштирилмоқда, биргаликда миллий программалар ишлаб чиқариламоқда. Структура етисаги йўналишлари тадбирлари режалаштирилади.

2. Пулнинг қадрсизланиши

Пулнинг қадрсизланишини олдини олиш, унга қарши курашиш учун аввало «наrx белгилаш тизмини, янада тартибга солиш, бозорни тартибга солиб турувчи восита сифатида нархнинг ролини мустаҳкамлаш, наrx-навоми эркин қўйиб юборишининг И. А. Каримов «эсанквратадиган» механизм Ўзбекистон учун номатқул эканлигини қатъиян эътироф этган ҳолда, улгуржи ва чакана наrxларни босқичма-босқич эркинлаштириш, эркин (келишилган) наrxларда соғилладиган товарлар доирасини кенгайтириш йўлини изчил амалга ошириш, монополлаштириш тузилмаларни ажратиш ҳисобга наrx-навоининг суъий равишда ошириб юборишига йўл қўймаслик чораларини кўриш» лозим деган эди¹.

Иқтисодий тебранишлар даврида баҳолар ва бандлик даражасида ўзгаришлар вужудга келади. Баҳоларнинг ошиши — инфляция дейилади. Бу атама XIX асрнинг охирида вужудга келган бўлиб, кенгайиш катта бўлиш деган маънунинг англатади. Монитаризмин асосий қолунига бипоан, инфляция жараёни маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан товарлар баҳосининг ошиши

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — Буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 191 бет.

натижасида вужудга келади. Бундай ҳол ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида бўлади. Инфляция баҳолар индекси ёрдамида ҳисобланади.

Инфляция суръатларини қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$I_d = \frac{B_6 - Ж_6}{Ж_6} \times 100\%$$

I_d — инфляция суръати;
 B_6 — базис баҳо индекси;
 $Ж_6$ — жорий баҳо индекси.

Масалан, 1990 йилда базис истеъмол моллари баҳолари индекси 113,6% га тенг бўлган бўлса, 1999 йилга келиб, у — 118% га тенг бўлса, инфляция суръати 1999 йилда тенг бўлади 3,7% га. Нима учун инфляция бўлади?

Биринчидан: муомала учун зарур бўлган пул миқдорига нисбатан ортиқча пуллари чиқарилиши.

Иккинчидан: давлатнинг харажатлари даромадларидан ошиб кетганда, инфляция бўлади. Бунда давлат ҳарбий саноатга кўп маблағ сарфлайди. Жаҳон баҳоси ҳам инфляцияга таъсир ўтказди. Истеъмолчиларнинг кутишлари ҳам инфляцияни кучайтиришга таъсир этиши мумкин. Инфляция турлари: иқтисодчилар талаб ва таклиф инфляциясини қайд этадилар.

Талаб инфляцияси. Яъни таклиф ва яъни талаб ўртасидаги мувозанатни яъни таклифнинг ўзгариши натижасида бузилишини ифодалайди. Унга давлат харажатларининг ошиши, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабнинг ошиши ва аҳоли даромадларининг ошиши таъсир ўтказди. Яъни даромадларнинг ишлаб чиқарилаётган товарларга нисбатан кўп бўлиши ҳам инфляцияга олиб келади. Харажатлар инфляцияси, харажатларнинг ошиши билан баҳоларнинг кўтарилишини ифодалайди. Яъни баҳоларни ўрнатилиши ҳам, ҳамини баҳосининг ошиши касба уюшмаларининг таъсири остида иш ҳақининг ошиши баҳоларнинг ошишига сабаб бўлади.

Инфляция ўсиш суръатлари бўйича уч турга бўлинади.

Муътадил инфляция. Бунда баҳолар секин ўсади (йилга 10% гача ўсади), пулнинг қиймати сақланади.

Тезкор инфляция — йилга баҳолар 200% гача ўсади, давлатлар ўртасида тузиладиган иқтисодий шартномалар чет эл валютасига боғлиқ ҳолда баҳоларнинг ўсишини эътиборга олиб тузилади.

Гиперинфляция. Бунда баҳолар 200% ортиқ йилга ўсади, муомаладаги пул ҳажми ва баҳолар астрономик суръатлар билан ошади, баҳо билан иш ҳақи ўртасида жуда катта фарқ вужудга келади. Тўланаётган иш ҳақлари минимум истеъмол саватчаси

талабини ҳам қондирмайди. Инфляция бир турдан иккинчи турга ўтиши мумкин. Умуман тезкор инфляция саноати ривожланган мамлакатларда ҳам бўлиб туради. Аммо мўътадил инфляция ривожланган мамлакатларга хос инфляциядир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган пайтдан то 1993 йилгача, яъни рубль зонасида бўлгани учун, пул — тўлов доирасида самарали назорат қилиш имкониятига эга эмас эди. 1993 йил ноябрдан сўм-купонни ва 1994 йил ўртасидан миллий валюта — сўмнинг жорий этилиши Марказий Банкнинг пул соҳаси устидан назорат қилишни тўлиқ, ўз қўлига олишни таъминлади. Натижада йиллик инфляция аста-секин пасайган бўлса ҳам, лекин ривожланган давлатларга қараганда, юқорида даражада бор-моқда.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 1998 йилда истеъмол нархларининг инфляцияси 25,9% ни ташкил этиб режалаштирилган (22,0%) га нисбатан ошди².

Юқорида таъкидланганидек, инфляция бу баҳолар умумий даражасининг ошиши тушувилади. У очик ва яширин турда бўлади. Очик инфляцияда баҳолар кескин кўтарилади. Яширин инфляция баҳолар секин кўтарилади ёки кўтарилмаслиги ҳам мумкин. Бунда товарларнинг камомадлиги кузатилади, товарлар ва хизматларнинг сифатсизлиги орқали. Инфляция баланслашган бўлганда, баҳоларнинг ошиши билан товарлар миқдори ҳам ошади, балансламаган инфляцияда баҳолар ошади, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш миқдори пасаяди. Яна кутилаётган ва кутилмаётган инфляция турлари мавжуд. **Кутилаётган** инфляция башорат қилиш мумкин, **кутилмаётган** инфляция тўсатдан баҳоларнинг ошиши билан намоён бўлади.

Инфляциянинг иқтисодий социал оқибатлари мураккаб ва турли кўринишларга эга бўлган ҳол ҳисобланади: реал қадриятлар миқдори камаяди, жамият аъзоларининг кескин табақаланиши (бойлар ва камбағаллар) баҳолар тизимининг бузилиши, иқтисодий ривожланишнинг кескин пасайиши кузатилади. Инфляциянинг оқибатларини йўқотиш мақсадида ҳар қандай давлат инфляцияга қарши чора тадбирларни амалга оширади. Инфляцияга қарши курашнинг тактикаси мавжуд бўлиб, қисқа муддат ичида унинг натижаларини таҳлил қилиш, стратегияси эса узоқ муддатга белгиланган мақсадлар ва усулларнинг йиғиндисидир.

Стратегик усулда — узоқ муддатли пул сиёсати амалга оширилади. Пул массасининг ўсишига қаттиқ лимит белгиланади. Бюджет камомадини қисқартришга ҳаракат қилинади.

² Иқтисодий йўналишлар Чорақлик нашр. Ўзбекистон, январ—март 1999 й. Тошкент, 85-бет.

Тактик усуллар: корхоналардан имтиёзли солиқ олиши, давлат мулкнинг хусусийлаштириш, истеъмол молларини сотиб олишни кўпайтириш жамғариш нормасини, давлат облигациялари фонзини ошириш ва ҳ. к. қўлланилади.

3. Ишсизлик ва унинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни

Мувозанатсизликнинг сабабларидан яна бири ишсизлик ҳисобланади. Ишсизлик бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг баъзи сабабларга кўра беиш юриши ҳисобланади. Уқиш билан банд бўлган талабалар, пенсионерлар, уй бекалари, тўлиқ бўлмаган иш куни ишлаётганлар, ишсизлар сонига қўшилмайди.

Ишсиз юришнинг сабабларига кўра ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фрикцион ишсизлик — булар биринчи марта юқори иш ҳақи олиш мақсадида, иш қидираётганлар ҳисобланади.

Таркибий ишсизлик ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар натижасида вужудга келади. Бундай ишсизлар ўз ихтисосларини ўзгартиришга мажбур бўладилар.

Цикллик ишсизлик ишлаб чиқариш ҳажми қисқарганда вужудга келади. Биз «тўлиқ бандлилик» тушунчасини ишлатганда, 100% бандлилик кўзда тутилмайди. Иқтисодчилар фрицион ва таркибий ишсизликнинг бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун тўлиқ бандлилик фрицион ва таркибий ишсизлик бўлганда, цикллик ишсизлик 0 га тенг бўлганда, амал қилинади. Ишсизликнинг бундай кўриниши, ишсизликнинг табиий даражаси дейилади. Ишсизлик даражасини аниқлаш учун мамлакатнинг барча аҳолиси уч гуруҳга бўлинади:

1. 16 ёшга тўлмаган ёшлар, руҳий касалхона ва ахлоқ тузатиш колонияларида яшаётганлар;

2. Нафақахўрлар, талабалар, уй бекалари қандайдир сабабларга кўра ишламаётганлар ва иш қидираётганлар;

3. Иш кучи.

Ишсизлик даражаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{\text{д}} = \frac{I_{\text{иш}}}{I_{\text{иш}_k}} \times 100\%$$

Бунда: $I_{\text{д}}$ — ишсизлик даражаси;

$I_{\text{иш}}$ — ишсизлар сони;

$I_{\text{иш}_k}$ — иш кучи.

Ишсизлик ҳозирги кунда жамиятимизнинг энг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки у, биринчидан, ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганликдан ва аҳоли даромадининг

настлигидан далолат беради. Иккинчидан, мамлакат ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганликдан далолат беради. Булар ўз навбатида маълум салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Улардан биринчиси ижтимоий соҳада кузатилади. Бу оилавий муносабатларда вазиятнинг кескинлашуви ва жамият миқёсида норозиликларнинг кўпайишига олиб келади.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 1999 йилнинг биринчи чорагида иш жойини излаётганлар сони 96 минг киши атрофида бўлиб, ўтган 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 30,7 фоиз кўпдир. Бироқ, расмий ишсизлик даражаси 0,7 фоизни ташкил этсада, аслида бу кўрсаткич анча баланд бўлиши мумкин. 1994 йилда расман қайд этилган 29,0 минг ишсизлар сони 1998 йилга келиб, 43 мингга етгани аслида ишсизликнинг ўсишини эмас, балки аҳолининг бандлик идораларига нисбатан ортиб бораётган ишончини акс эттиради. Халқаро меҳнат ташкилоти йўриқнома ва услубиётларига асосан амалга оширган ишчи кучи баланси ҳисобларга кўра, 1995 йилда Ўзбекистонда 460 мингга яқин ишсиз бўлган. Давлат ишсизлигининг олдини олиш учун янги иш жойларини, айниқса, қишлоқ жойларида иш жойларини ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Фақат 1998 йилнинг ўзида 346 мингга яқин иш жойлари ташкил этилган бўлса, 1999 йилнинг биринчи чорагида 97,5 минг иш жойи ташкил этилди. Бу 1998 йилнинг ушбу даврига нисбатан 25 фоизга ортиқдир¹.

Республикада ишсизликни олдини олиш ва бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга қўлланилмоқда. Жумладан, товарларга, хизматларга, таърифларга чакана баҳоининг кўтарилишига мувофиқ аҳоли даромадларини индексациялаш тизими ташкил этилиб, яшаш қийматини энг кам миқдори аниқланиб, давлат томонидан иш ҳақининг энг қуйи миқдори белгилаб берилмоқда. Айрим озик-овқат моллари давлат томонидан дотация маблағлари билан чакана баҳолар нисбий арзон даражада ушлаб турилибди. Ташкил этилган меҳнат биржаларида ишсизларни рўйхатга олиш уларни иккинчи мутахассссликка ўқитиш ва ишсизлик нафақалари бериш ташкил этилган. Бу олиб борилаётган тадбирлар маълум даражада ишсизлик муаммоларини ҳал этишини енгиллаштиради.

Ишсизликнинг салбий оқибатларидан бири унинг ЯММ ҳажмига таъсир ўтказиши ҳисобланади. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси 1% га ошганда ЯММ нинг ҳажми 2,5% га тушади. Ишсизлик даражаси билан ЯММ ўртасидаги бундай тескари боғлиқ-

¹ Иқтисодий йўналишлар. Чораклик нашр. Тошкент, январ—март 1999 йил, 80-бет.

ликни америкалик иқтисодчи А. Оукен таҳлил қилган, шунинг учун бу боғлиқлик А. Оукен қонуни дейилади. Ишсизликни ўсишидан жамият жуда катта иқтисодий талофат кўради.

4. Ишсизлик ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик. Филипс эгри чизиги

«Бозор иқтисодиётига ўтиш ислохотларининг иккинчи босқичининг энг асосий вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш,... иш шаклини танлашда эркин бўлиши ҳуқуқий таъминланиши,... меҳнат қилиш ҳуқуқи, тadbиркорлик ила шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқий меҳнатига яроқли аҳолининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш»,— зарур деган эди Н. А. Қаримов¹.

50-йиллардаги тadbирқотлар натижасида ишсизлик ва инфляция ўртасида тескари боғлиқлик борлиги аниқланди. Бундай тескари боғлиқларнинг сабаби меҳнат бозорининг мувозанатсиз ҳолда эканлигидир.

Жамият аъзолари тўлиқ банд бўлган ҳолда ҳам баъзи бир тармоқларда меҳнатга бўлган талабнинг юқори бўлиши иш ҳақининг ошиши натижасида ҳаражатларнинг ва баҳонинг ошиши мумкин. Иккинчидан, аҳвол тўлиқ бандлик даражасига яқинлашган сари касба иттифоқлари иш ҳақини оширишни талаб этадилар. Tadbиркорларга эса малакали иш кучини ёйлаш тобора оғирлашиб боради. Шунинг учун, фирмаларга иш ташлаш қимматга тушиши сабабли, касба иттифоқларнинг талабига ён босади, иш ҳақининг ошиши натижасида ҳаражатлар ҳам ошганлиги туфайли, бу ҳаражатлар баҳони ошириш ҳисобига қопланади.

Лекни, 70-йиллардан бошлаб ишсизлик билан инфляция мос равишда оша бошлади, яъни стаггенифляция ҳолати юз беради. (Илова, расм-14). Таклифда қарахлик ҳолатлари кузатилади. Шу даврда ОПЕК давлатларида нефтинг баҳоси тўрт марта ошган, натижада ҳаражатлар ошган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари камайган. Шунинг учун, ишчилар иш ҳақини оширишни ва баҳоларнинг ошиши натижасида кўрилган зарарни қоплашни талаб этадилар.

Оддий кейинсан моделига асосан бандлик даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажми шунинг кўрсаткичи иқтисодиётда инфляция ёки ишсизлик юзага келади, иккаласи бирданига юзага келмайди. (Илова, расм-15).

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон — буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й, 403 бет.

1. Иқтисодий ўсиш моҳияти

Жамият тараққиёти моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва аҳолига ижтимоий-социал хизматларни кўрсатишни ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Жамиятда қанчалик ишлаб чиқариш ривожланса, товарлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб борса, уларни сифати яхшиланиб борса, миллий даромад ҳажми шунчалик кўпайиб боради. Иқтисодий ўсиш ана шу миллий даромаднинг ўсишида унинг ҳажмида ифодаланади. Иқтисодий ўсиш жамият тараққиётининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлади. Иқтисодий ўсиш доний равишда талабни қондиришга хизмат қилади. Иқтисодий ўсиш давлатни ҳар томонлама мустаҳкамлайди. Иқтисодий ўсишнинг асосий мақсади жамият аъзоларининг талабларини тўлиқ қондиришдан иборатдир. Иқтисодий ўсиш деганда ишлаб чиқаришнинг натижалари ва унинг омилларининг миқдори ва сифатининг ошганлиги тушунилади. Иқтисодий ўсиш бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизми билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадни белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади. «Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-бўруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш-эски ҳўжалик юритиш механизмининг шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир» деган эди¹. Демак, собиқ тоталитар социалистик тузимдан қолган иқтисодий тараққиётни бозор иқтисодиёти талаблари асосида демократик йўналишда ривожланишини таъминлаш учун янги ҳўжалик юритиш механизмлари шакллантириш лозим эди.

Талабалар яхши англаб олишлари керакки янги ҳўжалик механизми республика учун унинг аҳолиси учун нима беради ва унга қандай қилиб эришиши мумкин. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун аввало ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний ҳуқуқий базаларини мустаҳкамлаш турли шакллардаги мулкчиликка асосланган ишлаб чиқаришни жорий этиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришининг олдини олиш ва макроиқтисодий мувозанатга эри-

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 186 бет.

шиш, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, халқ хўжалиги тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхона ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, давлатни уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмасликни таъминлаш лозим.

Эркин иқтисодий ўсишни таъминлаш «Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз-товар, пул, бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфраструктурасиз тасаввур этиб бўлмайди»,— деган эди И. Каримов¹.

Иқтисодий ўсиш нима билан ўлчанади? Иқтисодий ўсиш бир йил ичида яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг, миллий даромаднинг ва соф фойданинг кўпайиши билан ёки жон бошига ўсиши билан ўлчанади. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$U_y = \frac{YMM}{Ac}$$

U_y — иқтисодий ўсиш;

YMM — ялпи миллий маҳсулот;

Ac — аҳоли сони.

Иқтисодий ўсишнинг омиллари қуйидагилардан иборат: меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, инвестициялар ва ишлаб чиқариш технологиялари ва тадбиркорларнинг илмий ташкилий салоҳиятларидир. Иқтисодий ўсишнинг бу омилларидан унумли фойдаланиш асосини илмий салоҳият ташкил этади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси миллий кадрларни жаҳон стандарти талаблари асосида тайёрлашига жиддий эътибор бермоқда. Чунки, ҳар қандай илғор технологияни ҳаракатга келтириш миллий кадрларнинг илмий салоҳиятига боғлиқ.

2. Иқтисодий ўсиш турлари

Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичнинг устивор йўналишларининг асосий вазифалардан бири «давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макронқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар тармоқларининг ҳам, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиши»дан иборатдир деган эди И. А. Қаримов².

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 260—261 бетлар.

² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 332 бет.

Иқтисодий ўсишда ҳам барқарорликка эришишнинг стратегик вазифасини республика иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, яъни хом-ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига ўтиши ҳам социал ҳам иқтисодий аҳамиятга эга. Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш процессини кенгайтирилган усулда олиб бориш билан боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш қайси омиллар ҳисобига олиб борилаётганлигини ифодалайди. Умуман иқтисодий ўсиш икки хил экстенсив ва интенсив турга бўлинади.

Экстенсив турдаги иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Иқтисодий ўсишнинг интенсив турида маҳсулот ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ меҳнат воситаларини янада тежамлироқ меҳнат буюмларини қўллаш, иш кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Иқтисод соф ҳолда интенсив ёки экстенсив турда ривожланмайди. Собиқ Иттифоқда иқтисодий ривожланишнинг экстенсив йўлининг улуши юқори бўлган бўлса, Ғарбий Европа, Япония, АҚШ давлатларида интенсив ривожланишнинг улуши юқори бўлган.

Иқтисодий ўсишни шакллариغا қараб турларга ажратилди: **салбий суръатлар**, **юқори суръатлар** ва **ноль суръатлар**. Юқори даражадаги иқтисодий ўсиш мақсадга мувофиқ бўлсада, бу ҳолда маҳсулот сифати кўтарилмаслиги мумкин. Иқтисоднинг умумий даражаси ўсмасада (**ноль даражада бўлганда**) ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ўзгариши истеъмол моллари кўпайиши билан ҳарбий қуроолларни ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг **салбий суръатлари**, яъни олдинги йилга nisbatan янги миллий маҳсулот ҳажминининг камайиши миллий иқтисодиётда таназзул жараёнларининг мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив хусусиятларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражасидан ҳам аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажминини, ишлаб чиқариш ҳаражатларига nisbatan фозда ифодаланишида белгиланади ва уни қуйидаги формулада ҳисоблаш мумкин:

$$C = \frac{M_{yx}}{Y_x} \times 100\%$$

C — самарадорлик;

M_{yx} — маҳсулотнинг умумий ҳажми;

Y_x — умумий ҳаражатлар.

Ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг фақат ҳажмига эмас балки сифатига ва сарф этилаётган ҳаражатлар ҳажмини қисқартиришга ҳам боғлиқдир.

Иқтисодий ўсишнинг суръатлари фонзда ўлчанади ва уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{Иқтисодий ўсишнинг суръатлари} = \frac{\text{Жорий йилдаги ЯММ}}{\text{Ўтган йилдаги реал ЯММ}} \times 100\%$$

Иқтисодий ўсиш, унинг суръатлари, ҳажми мавжуд бўлган заҳиралар билан ифодаланади:

- табиий заҳираларининг миқдори ва сифати;
- меҳнат заҳираларининг миқдори ва сифати;
- ишлаб чиқариш фондларининг миқдори ва сифати;
- технология;
- ялпи ҳаражатларнинг миқдори;
- заҳираларни тақсимлашнинг самарадорлиги.

Юқоридаги 4 та омил таклифнинг омиллари ҳисобланади. Айнан шу омиллар иқтисодий ўсиш ва реал маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятини беради. 5 ва 6 омиллар талаб омиллари ҳисобланади ва реал иқтисодий ўсиш суръатларига ички омиллар билан биргаликда ташқи омиллар (жаҳон бозоридаги баҳолар, сиёсий аҳвол ва ҳ. к.) таъсир ўтказади.

Иқтисодий ўсиш суръатларига ўлчаш мумкин бўлмайдиган омиллар (ишлашни ҳоқлаш, тадбиркорлик фаолияти, хўжаликдаги тартиббузарликлар, меҳнатга оғли ёндошиш, қишлоқ хўжалигидаги табиий шароит, табиий офат ва ҳ. к.) ҳам таъсир ўтказади.

Иқтисодий ўсиш жуда ҳам юқори даражада бўлиши, юқори ортиқча яъни талаб ва тўлов даражасига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилса, у иқтисодий кризисга, инфляцияга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсиш талаб ва таклиф иқтисодий қонунига риоя қилинган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий ўсишни, иқтисодий кризислардан ҳоли этиш иқтисодиёт таркибида туб ислохотларни амалга ошириш, яъни хом-ашё ишлаб чиқаришдан жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш билан таъминлаш мумкин.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, аввало ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш ҳисобига жамият истеъмол талабларига мос бўлган товарларни ишлаб чиқариш, кредит тизимларидан оқилана фойдаланиш, иқтисодий инфляцияни олдини олиш, горизонтал иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хўжалик механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш тармоқларини хом-ашё билан таъминлаш орқали эришиш мумкин.

3. Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш қуйидаги омилларга боғлиқ: мамлакат табиий ресурсларининг миқдори ва сифатига, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифатига инвестиция ресурсларига ва технологияга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсиши учун етарли даражада хом-ашё, илмий салоҳият ва ишлаб чиқариш кучлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов айтганидек «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд»¹.

Ҳозирги кунда, шартли равишда, иқтисодий ўсиш моделларининг 3 хил назарияси ва 3 хил йўналишни айтиб ўтиш мумкин:

- Кейнсчилик йўналиш;
- неоклассик йўналиш;
- тарихий-социологик йўналиш.

Иқтисодий ўсишни биринчи мартаба Фр. Кэне ўзининг иқтисодий жадвалида (1758 й.) кўрган эди. У миллий хўжаликни ўзининг балансига эга бўлган тизим сифатида акс эттирди. Фақат у қишлоқ хўжалигидаги меҳнат, унумли меҳнат ва унда қўшимча маҳсулот яратилади деган фикрга асосланган эди. У қўшимча маҳсулот деб қишлоқ хўжалигини умумий маҳсулотининг истеъмол қилинган ҳажмидан ортиқчасини тушунган. Яъни фақат қишлоқ хўжалигида унумли меҳнат даромад келтиради. Фр. Кэне қишлоқ хўжалигида маҳсулоти иқтисодиётининг бошқа соҳаларига сотиш йўли билан ҳаракат қилади деган.

И. Фр. Кэне жадвали амалий аҳамиятга эга бўлмасда, у бу йўналишда биринчи бўлиб ўзининг иқтисодий ўсиш моделини берган. Дж. Кейнс модели ялпи талабга асосланади. Ялпи талаб мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ижтимоий талаб капитал қўймалар асосида қаноатлантирилади ва даромад ошиб боради. У. Домар моделига асосан, капитал маблағлар даромаднинггина эмас, балки ишлаб чиқариш қувватларининг ҳам ошириш омили деб ҳисоблаган. Капитал маблағларнинг ўсиши динамикаси, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг мувозанатини таъминлайди, шу билан биргаликда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ва капитал маблағларни вужудга келтиради.

У. Домар юқоридаги муаммони ҳал қилишда учта тенглама ёрдамида ечишни таклиф этди:

- а) таклиф тенграмаси: $dx = Yb$

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажақ сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 95 бет.

Бу ерда: dx — ишлаб чиқаришнинг ўсиши;
 Y — капитал маблағлар ҳажми;
 b — капитал маблағларнинг ўртача унумдорлиги:

б) талаб тенгламаси: $M = dY\alpha$

Бу ерда: d — жамғаришга бўлган ўртача мойиллик
 (мультипликатор миқдорининг тескариси);
 Y — маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи
 капитал маблағлар миқдори;
 α — даромад миқдори:

в) мувозанат асосий тенгламаси — даромад ва ҳаражат миқдорининг тенгламаси:

$$\frac{dY}{\alpha} = Yb.$$

Юқоридаги тенгламаларга асосланган ҳолда капитал маблағларнинг ўсиш нормасини аниқлаймиз. Домар модели бир факторли ва бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган соҳага асосланган.

Харрд модели. Бу модел акселератор назариясига асосланган бўлиб, тадбиркорларнинг инвестицияни қўллашдаги бўлган вазибалари таҳлил қилинади. Харрд икки хил шарт-шароитдан келиб чиқади. Биринчиси: жамғариш даражасининг ўсиши билан даромад даражасининг ўсиши ($APC = MPC$) бўлса, иккинчиси: капитал маблағлар ҳажмининг ошиши билан даромад миқдорининг ошиши ҳисобланади. Кейин тенгламасига асосан (жамғариш ҳажмининг инвестиция ҳажми) ўсиш нормасини, капитал коэффициентига кўпайтириб, MD даги жамғариш улушига тенг бўлган миқдорини аниқлаймиз.

II. Неоклассик модел икки модел ва унинг ўзаро боғлиқ эканлигидан фойдаланилади. Неоклассик моделнинг асосий таҳлил этиш воситаси ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланади. (П. Дуглас, Х. Кобб). Авторлар асосий капиталнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш вақти ва ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишган. Натижада қуйидаги формула тавсия этилади:

$$Y = 1,01 \cdot L^{\alpha} \cdot K^{\beta}.$$

Бу ерда: Y — ишлаб чиқариш ҳажми;
 L — меҳнат сарфи;
 K — капитал сарфи;
 $\alpha\beta$ — коэффициент даражаси;

Бунда, $\alpha = 3/4$ ва $\beta = 1/4$ га тенг. Бу коэффициентни таҳлил қилаётган омил 1% га ошса, ишлаб чиқариш ҳажмининг қанчага ошганлигини ифодалайди.

III. **Тарихий-социологик модел.** Ростау У.— иқтисодий ўсиш босқичлари назариясининг автори. У қуйидаги босқичларга эътиборни қаратган:

1. Синфий жамият (статистик мувозанат, ИТИ) дан фойдаланишнинг чегараланган эканлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг пасайиши.

2. Тараққиёт учун шарт-шароитларни яратиш босқичи (айрим ишлаб чиқариш соҳасида самарадорликнинг ошиши).

3. Тараққиёт босқичи (миллий даромаддаги улуши ошади илмий техника инқилобининг ютуқларидан фойдаланилади).

4. Етуклик даврига йўл (иқтисодий ўсиш суръатлари ошадди, ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсишига нисбатан юқори бўлади).

5. Кўп миқдорда истеъмол қилувчи жамият қисқа муддатли маҳсулотларга бўлган талабни чеклаш натижасида, узоқ муддатга мўлжалланган товарларни истеъмол этишининг аҳамияти ошиб боради.

IV. **В. Леонтьевни тармоқлараро баланс модели.** Бу модел иқтисодий ўсишни бошқаришга мўлжалланган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари сифатида намоён бўладиган натурал ва қиймат кўринишидаги тизимни ифодалайди.

Амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган иқтисодий ўсишни универсал моделини Нобель мукофоти лауреати В. Леонтьев яратди. Унинг яратган тармоқлараро баланси ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш кўп мамлакатларда фойдаланилмоқда. Тармоқлараро баланси асосида маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат ва ресурслар ҳаражатини аниқлаш мумкин бўлади.

15-мавзу. ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ. ДАВЛАТНИНГ МОНЕТАР СИЕСАТИ

1. Пул муомаласи. Пулга талаб. Пулнинг таклифи

Хўжалик оборотида пулнинг донмо ҳаракатда бўлиши, пул ўз функцияларини узлуксиз бажариб туриши пул муомаласи дейилади. Пул муомаласи барқарорлигига пул муомаласи қонуни асосида эришилади. Товар муомаласини таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

— муайян даврда сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммасига;

— пул бирлиги айланмиш тезлигига боғлиқ, чунки айни бир пул суммасининг кўпроқ ёки озроқ миқдори айирбошлашга хизмат қилиши мумкин;

— пул тўлов воситаси сифатида фойдаланиш даражасига боғлиқ, чунки кўпгина сотиладиган товарлар насияга сотилади ва бошқа вақтда уларнинг қиймати тўланади. Шунга яраша муомаладаги пул бирликлари миқдори камаяди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Пм = \frac{Tб - Хк - Хт - Кт}{От}$$

Пм — муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул бирлигининг миқдори.

Tб — сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммаси.

Хк — сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган товарлар баҳосининг суммаси.

Хт — ҳақини тўлаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси.

Кт — бир-бирини қоплайдиган товарлар суммаси.

От — пул обороти тезлиги.

Биз биламизки, пул товар бўлиб, бу талаб ва таклиф таъсирига берилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир. У талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин, кам бўлганда тўлов кризиси юзага келади. Демак, пул таклифи унинг муомалага чиққан миқдори билан ўлчанади, бу миқдор эса унинг оборот тезлигига қараб ҳар хил бўлади.

Пулга талаб хўжалик обороти учун керак пулга эҳтиёждир. Уни шаклланишининг икки асосий сабаби бор:

а) пулнинг муомала воситаси вазифасидан келиб чиқади. Инсонларга ҳар доим товар ва хизматларни сотиб олиш учун, корхоналарга эса хом ашё, ёқилғи энергияни сотиб олишга, иш ҳақи тўлаш учун зарур бўлади. Булар учун зарур бўлган пул миқдори поминвал *ЯММ* ҳажми билан белгиланади. Муомаладаги товар ва хизматларнинг пул қиймати қанчалик катта бўлса, уларни сотиб олиш учун шунчалик кўп пул керак бўлади. Пулга талаб билан *ЯММ* ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд;

б) пулнинг жамғариш воситаси вазифасидан келиб чиқади. Инсонлар ўзларининг пулларини ҳар хил шаклларда (акциялар, облигациялар, қиммат баҳо товарлар ҳолатида) ушлаб турадилар. Ишлаб чиқариш жараёнини ўсиши пулга бўлган талабни оширади. Пулга бўлган талабни ўсиши ундан фойдаланиш учун тўлганадиган фонд даражаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пул агрегатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бозор иқтисодиётига ўтган мам-

лакатларда пулнинг ҳар хил гуруҳлари қўлланилади. Улар пул агрегатлари дейилади ва муомаладаги пул массасининг муқобил ўлчовлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда қуйидаги пул агрегатлари фарқланади.

М 1 — унга нақд пуллар (металл ва қоғоз пуллар), чекли қўйилмалар, гоҳида кредит карточкалари киради;

М 2 — унга *М 1* + мuddатсиз жамғарма ҳисоблардаги қўйилмалар, майда мuddатли қўйилмалар киради;

М 3 — *М 2* + мuddатли йирик қўйилмалар киради.

Моҳиятига кўра, пул давлат, банклар, жамғарма муассасаларни қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Унга бозорда товар ва хизматлар сотиб олишлиги мумкинлиги туфайли улар қийматга эгадирлар. Бинобарин пул қадри деганда, пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти тушунилади. Пул бозори пул таклифи ва унга бўлган талабни, мувозанат ставкасини (илова, 16-расм) бир-бирига қўшади.

S — бу пулнинг таклифини акс эттиради ва вертикал шаклга эга бўлади, чунки пул — кредит ва молниявий муассасалар бирор миқдорда пул ҳажми яратган деб олинади ва у номинал фоииз ставка миқдорига боғлиқ бўлади. *D* — эса пулга бўлган талабни акс эттиради.

Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг бир-бирига тўғри келиши иқтисодиёт учун ўта муҳим масала ҳисобланади. Айрим сабабларга кўра муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетиши инфляция жараёнларининг зўрайишига, жами талабнинг жами таклифга нисбатан ошиб кетиши макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун пул бозорида талаб ва таклифни мувозанатлаб туриш лозим, деб ҳисобланади. Буни асосан давлат ўзининг чиқарган қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш натижасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Иқтисодиётни барқарор ишлаб туришини таъминлаш учун кредит — банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш... пулнинг қадрсизланишига, қарши ва монополиячиликка йўл қўймаслик, бошқариш борасида амалий чоралар кўриш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ишончли тизимини вужудга келтириш», — зарур деган эди¹.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сарни. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 159—160 бетлар.

2. Кредит ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов — «Аниқ-пухта ишлаб чиқилган ва етарли даражада қаттиқ бўлган молия-кредит сиёсатини амалга ошириш республиканинг бозор муносабатларига ўттишдаги энг муҳим бўгин ҳисобланади»,— деган эди¹.

Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва маълум фонзлар тўлаш эвази билан қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатларни тушуниш керак.

Кредит субъектлари ҳар хил, буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифа аҳоли киради.

Кредит объекти бўлиб ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пул ҳисобланади.

Кредитнинг манбаи бўлган бўш пулнинг келиб чиқиши қуйидагилардан иборат:

— амортизация пули унинг муддати тугагунча маълум қисми ишлатилмай тўпланиб бориши;

— ишлаб чиқаришни ўстириш учун фойдадан инвестиция пули муқим ажратиб борилади, лекин бу пул маълум миқдорда йиғилгандан кейингина инвестиция қилиш мумкин;

— хом ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдин сарфланган пул товар сотилиши билан эгасига қайтиб келади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзида юз бермайди;

— иш ҳақи пулини келиб тушиш ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди;

— давлат бюджетига пул даромадларининг келиб туриши ва уларнинг сарфланиши бир хил вақтда юз бермайди ва бошқалар.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида кредитнинг қуйидаги турлари мавжуд:

— коммерция кредити — ишлаб чиқаришда ва савдода фаолият юритаётган тадбиркорлар ўзаро бир-бирларига, сотилган товарни ўтказиш кўринишида фойдаланади. Бунда вексель муомала воситаси бўлиб хизмат қилади. Вексель — пулни қарзга олган томонга белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юклатилган қийматга эга бўлган қарздорлик ҳужжати;

— банк кредити — ҳўжалик юритувчи субъектларга молия-кредит муассасалари томонидан бериладиган ссуда кўринишидаги кредит.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 160 бет.

Банк кредити йўналишларининг, муддатнинг ва кредит келишувлари суммасининг чекланмаганлиги билан тижорат кредитининг камчиликларини тўлдиради;

— истеъмол кредити — аҳолига тижорат кредити (товарларини ҳақини тўлаш муддатини узайтириш орқали сотиш) ёки банк кредити (истеъмол мақсадлари учун ссуда бериш) шаклида берилади;

— ипотека кредити — узоқ муддатли ссуда кўчмас мулкни (ер, бино, иншоотлар) гаровга олиш орқали берилади;

— хўжаликлараро пул кредити — хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирларига акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа турдаги қимматбаҳо қоғозлар чиқариш йўли билан амалга ошириладиган кредит,

— халқаро кредит — халқаро иқтисодий алоқалар доирасида пул (валюта) ёки товар кўринишидаги кредит тарзида амалга оширилади.

Ссуда жуда кўҳна ҳодисадир. Ссуда капитали маълум муддат мобайнида фойдаланганлиги учун ҳақ фоиз тўлаш шарти билан қарзга берилган пул маблағидир. Бозор шароитида ссуда капиталининг баҳоси, ссуда капиталига бўлган талаб ва таклиф нисбати билан белгиланади. Кредит ссуда капиталининг ҳаракати шакли сифатида хизмат қилади. Ҳозирги замон иқтисодиётида кредитнинг ролинини қуйдагиларда кўриш мумкин:

— кредит ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтиришга туртки беради;

— кредит бўш пул маблағларини тезда жалб этиш ва улардан иқтисодиётнинг кўпроқ фойда келтирувчи тармоқларида фойдаланишга ёрдам беради;

— кредит муомала ҳаражатларининг нақд пулларини камайтириш йўли билан қисқартирилади, чунки тўловларининг саноқли қисми нақд бўлмаган формада (вексель, чек ва бошқалар) амалга оширилади.

Кредит сисёати аввало иқтисодиётнинг асосий тармоқларини ривожлантириш мақсадида молиялаштиришга қаратилган. 1999 йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар қолдиги 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоизга кўп бўлган. Шу билан бир вақтда узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи 1998 йил апрелида 53,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилнинг 1 апрелига келиб 60,4 фоиз бўлган. Кредит маблағларининг энг катта қисми 51,2 фоизи саноатга йўналтирилган. Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 11,9 фоизни, моддий-техника таъминотида 11,1 фоизни, транспорт ва алоқада 5,1 фоизни, қурилишда 2,4 фоизни, чакана савдо ва умумий овқатланишда 4,4 фоизни ва уй-жой хизматлари соҳасида 0,1 фоизни ташкил этди.

3. Давлат кредит тизимининг тузилиши. Банк ва банк операциялари

Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бутунлай янги давр талабига жавоб берадиган мустақил пул-кредит сиёсатини шакллантиришни талаб этади. Республикада икки босқичли банк тизими ташкил этилди. Бу бозор муносабатларини шаклланиши талабларига жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу тўғрисида шундай деган: «Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси тубдан ўзгаради. Кредит маблағлар биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа халқ истеъмол моллари ва уларни тайёрлаш учун хом ашё бойликлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кенгайтириш, ижтимоий соҳани, республиканинг иқтисодий мустақилигини таъминловчи асосий тармоқларни экспорт маҳсулотлари ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш билан боғлиқ юксак самарали тадбирларни ўтказишга сарфланади»¹.

Кредит тизими деганда — пул ресурсларини таркиб топтирувчи, ўзига жамловчи, маълум муддатда қайтариб бериш ва ҳақ тўлаш шартлари асосида уларни қарзга берувчи муассасаларини мажмуи тушунилади ва унинг уч бўғинини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Марказий банк. 2. Банк тизими: тижорат, жамғарма, инвестиция банклари. 3. Махсус кредит муассасалари; сугурта компаниялари нафақа фондлари инвестицион компаниялар, молия компаниялари ва бошқалар.

Кредит тизимида банкларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги бажараётган вазифасига қараб банкларни уч турга бўлиш мумкин: а) марказий банк; б) тижорат банклари; в) махсус банклар.

Марказий банк пул, облигация чиқариш (эмиссия) билан, шунингдек мамлакатнинг бутун банк тизимини назорат қилиш билан шуғулланади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, айни вақтда валюта резервларини сақлайди.

Махсус банклар — муайян мижозлар гуруҳига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга ихтисослашади (инвестицион, экспорт, импорт ва бошқалар). Хусусан инвестиция билан шуғулланувчи банклар иқтисодиётини ҳар хил тармоқларини молиялаштириш ва узоқ муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади. Экспорт билан шуғулланувчи банклари эса ташқи савдо билан боғлиқ бўлган операцияларга ихтисослашади.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 162—163 бетлар.

Тижорат банклари жисмоний ва хусусий шахсларга ҳар хил банк хизматлари кўрсатади, хусусан депозитларни жалб этиш, вексель ҳисоби, кредит бериш, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш.

Банкнинг асосий ҳужжатларидан бири баланс ҳисоботи ҳисобланади. У актив ва пасив қисмдан иборат бўлади. **Актив қисми** банк эгалик қиладиган касса нақдини (қоғоз пуллар ва тангалар), банк депозитлари (омонатлар), қимматбаҳо қоғозлар, банк томонидан берилган ссудаларини ўз ичига олади.

Банкнинг баланс ҳисоботининг **пасив қисмида**, банк олдига қўйилган ҳамма талаблар (банк эгалари талабларидан ташқари) ўз аксини топади. Пасив қисмида банк депозитлари муҳим ўрин тутлади.

Банklar ўз вазифаларини иккита ўзаро боғланган пасив ва актив операциялари кўринишида амалга оширади.

а) пасив-банк заҳираларини шакллантириш операциялари — бунда депозитлар, яъни мижозларни омонатларини банкга жалб қилиш амалга оширилади;

б) актив-банкда тўлланган ресурсларни жойлаштириш ва фойдаланиш операциялари амалга оширилади.

Актив операцияларда ссуда операциялари ва қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар муҳим ўринини эгаллайди. Мижозларга ссуда берар эканлар тижорат банклари пул таклифини оширадилар. Пул миқдорини ўсиш ҳажми, ортиқча резервлар, миқдорига ва пул мультипликаторининг ҳажмига боғлиқ. Ортиқча резервлар тижорат банклари томонидан қонунийлаштириб қўйилган мажбурий резервлар ва суммасидан ортиқча қисмидир.

Пул мультипликатори мажбурий резервлар нормасига тескари мутаносибдир; $m = \frac{1}{r}$ бу ерда: m — пул мультипликатори;

i — умумий пул мультипликатори;

r — мажбурий резервлар нормаси.

Шундай қилиб, пул таклифини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$M = E \cdot m$ бу ерда: M — пул таклифи;

E — ортиқча резервлар;

m — пул мультипликатори.

Ссуда операциялардан ташқари банклар кенг доирада банк хизматларини ҳам кўрсатадилар. Бунда улар олтинни сотиб оладилар, пулни чет эл валютасига алмаштирадилар, заёмларни тарқатадилар, акция ва облигациялар сотадилар ва сотиб оладилар, қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириб, сақлайдилар, қимматбаҳо нарсаларни сақлайдилар ва бошқалар.

Шу муносабат билан сўнги вақтларда консалтинг, лизинг, факторинг ва инженеринглардан кенг фойдаланимоқдалар.

Консалтинг — корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятига оид масалалар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият соҳаси бўйича ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга маслаҳат бериш.

Лизинг — ишлаб чиқариш иншоотларини, машина, ишлаб чиқариш, транспорт воситаларини шартнома асосида маълум ҳақ эвазига узоқ муддатга ижарага бериш.

Факторинг — миқозга айланма капитал учун кредит бериш билан биргаликда ўказиладиган савдо-воситачилик ҳаракатларининг бир тури.

Инженеринг — тижорат қондаларига асосланган инженерлик — маслаҳат хизматлари: ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини қуриб ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш.

Марказий банк иқтисодиётни самарали ривожланишини таъминлайди. Марказий Банк қиммат пуллар сиёсатини амалга оширади (рестриктив):

- очик бозорда давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотади;
- ҳисоб ставкасини оширади;
- резерв нормасини оширади.

Қимматбаҳо пул сиёсати пул таклифини қисқартириш орқали, кредитни қиммат ва қийин эгалланадиган қилиб қўяди. Натижада инвестиция қисқартирилиши орқали, жами талаб камаяди ва инфляция чегараланади.

Кейсанчилар назариясига асосан монетар сиёсати асосини фоииз ставкалари даражаси асос қилиниши керак, монетаристлар фикрича эса пул таклифининг даражаси ташкил этиши керак. Кейсанчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблайдилар, монетаристлар эса уни инкор этадилар.

Бозор иқтисодиёти шаронтида Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатида иккала моделни синтез қилинган вариантни қўлланилади. Узоқ муддатли даврда монитаристик пул-кредит сиёсати қўлланилади. Қисқа муддатли даврда эса фоииз ставкаларида фискаль пул-кредит сиёсатидан фойдаланилади.

4. Пул-кредит (монетар) сиёсатнинг олиб бориш тамойиллари ва воситалари

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда пул-кредит тизимини такомиллаштириш ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан қайтариб бермаслик шартлари билан бюджет маблағларида фойдаланишдан озод қилади. Шунинг учун

ҳам «Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси тубдан ўзгаради,... Марказий банк олдида пул муомаласини тартибга солишнинг иқтисодий усулларини эгаллашдек ғоят мураккаб вазифа турибди. Шу жумладан:

— тижорат банкларининг операцияларини қайтадан пул билан таъминлаш. Бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобидан кредит бериш кўзда тутилади. Бу эса банкларни ўз маблағлари даражасини Марказий банк маблағлари даражаси билан боғлашга мажбур қилади;

— пул билан қайта таъминлашга кредитлар бериладиган, расмий ҳисобга олинадиган миқдор ўзгаришларини тартибга солувчи фоиз сиёсати;

— тижорат банкларининг Марказий банк ҳисобларидаги маблағларнинг бир қисмини резерв учун олиш меъёрини, Марказий банк мажбурий заҳираларнинг меъёрини тартибга солиб, тижорат банклари операцияларининг ҳажмларига муомаладаги пулларнинг ҳажмларига таъсир қила олади,... шундай шароитда Марказий банк қаттиқ кредит-пул сиёсатини ўтказиш борасида барча зарур чораларни кўриш керак»,— деган эди И. Каримов¹.

Пул-кредит сиёсатини тўғри шаклланиши ишлаб чиқариш ва муомаладаги пул миқдорини тўғри белгилашни таъминлайди. Ушбу назарияга икки хил ёндашув мавжуд. Бу кейинсанча назария ва замонавий пул миқдори назарияси (монетаризм).

Монетар пул сиёсати асосида яхлит иқтисодиётга пул ва кредит сиёсатининг таъсир жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади.

Пул кредит сиёсатининг афзал томони унинг тезкор ва мослашувчанлигидир. Шунингдек фискал сиёсатига қараганда сиёсий босимга камроқ боғлиқдир.

Ўзбекистон пул-кредит сиёсатининг йўналишлари қуйидагича:
— давлат томонидан пул массасини олдиндан билиш уни қаттиқ назорат қилиш;

— Марказий Банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш, бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобида кредит бериши назарда тутилмоқда, бу ўз навбатида Марказий банк томонидан, умуман, пул муомаласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;

— Кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини такомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомади шароитида пул бериб чиқариш ҳисобига эмас, давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш ҳисобига қоплашни зарур.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 162—164-бетлар.

1. Солиқ сиёсати, унинг табиати, вазифалари ва тамойиллари

Солиқ сиёсати иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Солиқ сиёсатини юритишнинг асосий мақсади корхона ва ташкилотларга нисбатан тўғри солиқ сиёсатини шакллантиришдан иборат. Президент И. А. Каримов «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга моддий, хом-ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир» деган эдилар¹.

Солиқ сиёсатини кучли ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш асосида олиб бориши лозим. Мустақилликка эришгунча қадар Ўзбекистон Республикаси олдида солиқ ва солиқ тизимини ўрганиш муаммоси турган эмас. Чунки, солиқлар марказлашган асосда ташкил этилиб, асосан аҳолидан даромад солиғи, уй-жой коммунал солиғи таркибида ундирилар эди. Ташқи савдо орқали олинadиган солиқлар билан фақат марказ шуғулланар эди. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлат бюджетининг асосий манбаи ҳисобланади. Солиқ тизими давлатга иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида бюджет учун зарур бўлган маблағларни тўлаб беради. Солиқлар тизими доимий ривожланишда аниқ бир мақсадда, иқтисодий тараққиётни кўзлаб такомиллашиб боради. Солиқ тизими миллий маҳсулотнинг маълум қисмини қайта тақсимлашда ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир мустақил давлат ўз олдидаги вазифаларини бажариши иқтисодий муаммоларни ҳал этиши учун ўз бюджетига эга бўлиши лозим. Бюджет эса асосан солиқлар ҳисобига, қисман эса даромадлар ҳисобидан шакллантиради.

Турли мулкчилик шаклига асосланган корхона, ташкилотлар ва аҳолидан пул кўринишда ундириладиган қиймат солиқлар деб аталади. Солиқ уни ундириб олувчилар билан тўловчилар ўртасида доимо такрорланиб турадиган иқтисодий воқеликнинг ўзида акс эттиради. Солиқнинг ўзи ҳам иқтисодий-молиявий категория ҳисобланади. Солиқлар мажбурий тўловлар кўринишга ҳам эга. Чунки солиқлар ва уларни тўлаш миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан демократик асосида белгиланади. Барча ташкилотлар ва корхоналар, аҳоли уни бажаришга мажбурдирлар, шунингдек, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 205 бет.

билан келишилган ҳолда махсус ижтимоий фондларга белгиланган тўловларни ҳам тўлаш мажбурийдир.

Солиқларнинг шаклланиши ва тақсимланишини тўғри амалга оширилиши ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланишини таъминлайди. Чунки солиқларни камайтириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга эришиш мумкин, худди шунингдек, солиқларни кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш мумкин бўлади. Барча турдаги солиқлардан тушган тушумлар бюджетга тушади ва уни давлат зарур йўналишларга тақсимлайди. Унинг қатъий қисми давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришни, ривожлантиришга, ижтимоий-маданий тадбирларга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга давлатни бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланади.

Солиқ тизимини ўрганишда даромадларни солиққа тортилдиган ва солиққа тортилмайдиган даромадларга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда олинadиган солиқ даражалари қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- пропорционал солиқ ставкаси;
- прогрессив ёки ўсиб боровчи солиқ ставкаси;
- регрессив солиқ ставкаси.

Пропорционал ставка асосан солиқ объектдан ягона фойза ёки сўм ва тийинларда олинади. Масалан: уй-жой, мол-мулклардан олинadигаъ солиқ.

Прогрессив, яъни ўсиб боровчи ставка асосан объектларнинг қиймати ўсиб бориши билан олинadиган солиқ фойзалари ҳам ошиб боради. 2001 йилдан бошлаб, минимал ойлик маош 3430 сўм қилиб белгиланди. Солиқ олиш фойзалари қўйидагича: 4 минимал ойлик маошигачан 12%, 4—8 минимал маошигачан 25%, 8 минимал ва ундан ортиқ ойлик маошидан 36% солиқ ундирилади.

Регрессив камайиб боровчи солиқ ставкаси корхона- ва ташкилотлар ишлаб чиқариш ҳажми даромадини ёки аҳолининг меҳнат қилиш даражаси ва олаётган ойлик маоши қанчалик пасайиб борса, уларни тўлаётган солиғининг ҳажми ўсиб боради. Регрессив солиқ ставкаси даромадни ўсиши билан камайиб боради.

Даромад, фойда, қўшилган қиймат солиғи, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари, турли мақсад ва фондлар чегирмалари каби молиявий кўрсаткичлар, корхона, фирмаларнинг иқтисодий ҳолатини текшириш воситаларидир. Ушбу кўрсаткичлар жамлама характерга эга. Шунинг учун уларнинг ажраллиш динамикаси тенденцияларини назорат қилиш бирлашмалар, корхоналар муассасаларининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва тижорат фаолиятини, шунингдек, ўзаро молиявий-кредит алоқалари механизмини қамраб олади.

2. Солиқларнинг асосий турлари. Ҳозирги замонда Ўзбекистонда солиқ тизимининг моҳияти

Солиқлар даставвал, эгри ва тўғри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқ корхона ёки меҳнаткашларнинг даромадларидан олинади. Унинг манбаи корхоналар ва фуқароларнинг даромадлари ҳисобланади. Эгри солиқлар корхона ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тўлана-да, у асосан, истеъмолчилардан устама ҳақ қўйиш орқали ундирилади.

Тўғри солиқлар моддий харажатларини, мол-мулкларини, меҳнат ва пул ресурсларини тежашни таъминлайди. Эгри солиқлар эса бозор муносабатлари моҳиятидан келиб чиққан бўлиб, унга қўшилган қиймат солиғи, чекланган товарларга акциз солиғи, четга чиқарилаётган товарларга, хом ашёларга солинадиган солиқлар ва экспорт-импорт солиқлари кирди. Эгри солиқларнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, бу солиқлар гуруҳи товарлар ёки хом ашёлар оборотидан сўнг давлат бюджетига тушади, пулнинг муомала вазифасини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланишининг олдини олишни таъминлайди.

Солиқлар объектини солиқлар ундириладиган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар турлари ташкилот этади.

«Корхона бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларнинг солиқлар тарзидаги даромадлар манбаларини белгилаб беради. Бу солиқларни жорий этишдан мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молжавий базасини таъминлашдан, ҳуқуқий шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдан табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф-муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиш, қўйидаги умумий қондалар асосида амалга оширилади:

— манбалардан қатъий назар барча даромадлардан солиқ тўлаши мажбурийлиги;

— барча ҳудудий маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сифатини маҳаллий ҳокимият идораларининг умумдавлат солиқ сифати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш;

— ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган самарали ишлаб чиқариш корхоналарига имтиёз бериш, шунингдек, хўжалик юртишнинг илгор шаклларини рағбатлантириш тизими орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш;

— декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш.

Ушбу қонунга мувофиқ даромад келтирадиган тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқларни тўлайдилар:

- корхоналар даромадига солинадиган солиқ;
- қўшилган қиймат учун солиқ;
- акциз солиғи;
- корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ;
- экспорт-импорт солиғи;
- жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фондига солинадиган солиқ.

Солиқ тўловларнинг суммаси Ўзбекистон Республикаси бюджетига Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджетларига ва бошқа маҳаллий бюджетларга ҳар йили келаси йил учун бюджет тасдиқланаётганда, белгиладиган нормативлар бўйича ўтказилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари Ўзбекистон Республикасининг умумий йўналишига асосланган ҳолда ўз ҳудудларида олинадиган маҳаллий солиқларни белгилайдилар. Солиқларнинг аниқ турини белгилаш ҳокимият идораси ёки у вакил қилган бошқа идора белгилайди:

- солиқ тўловчи;
- солиқ солинадиган объект;
- солиқ ставкаларини;
- солиқ ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини;
- солиқ солиш бўйича имтиёзларни;
- солиқнинг амал қилиш муддатини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ажнабий фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи туғрисидаги қонунда қуйидагилар ифодаланган:

- солиқ тўловчилар;
- солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар;
- солиқ юзасидан имтиёзлар;
- икки ёқлама солиқ солишни бекор қилиш.

Солиқ тўлаш тизими солиқдан озод этиш ёки имтиёзли солиқларни ҳам ўз ичига олади. Имтиёзли солиқ тўловчи корхоналарга (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминловчи — сотувчи, воситачи ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) тузилган ва рўйхат-

дан ўтган корхоналар киради ва биринчи йили 25 фоиз, иккинчи йили 50 фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар.

Солиқлардан озод этилувчи корхоналарга хизмат қиладиган ходимларнинг 50 фоизи ногиронлар, 75 фоизгача мактаб ўқувчилари, билим юрти талабалари бўлса, ёки ногиронлар учун зарур бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, ёшлар жамғармалари ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар киради.

Республика солиқлари бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб боришида, унинг иқтисодий қонунилари талабига қараб тақомиллаштириб борилади.

Солиқлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнига қараб, қўйидаги гуруҳлар бўлинади. **Иқтисодий моҳиятига** қараб, бевосита ва билвосита ёки тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Келиб тушиш манбаига қараб, **солиқлар юридик** (ташкilotлардан) ва **жисмоний** (шахслардан) олиннадиган солиқларга бўлинади. Бюджетга тушиш нуқтани — назаридан солиқлар **давлат бюджетига тушадиган солиқларга**, яъни (давлат бюджетига) ва (маҳаллий бюджетга) тушадиган **маҳаллий солиқларга** бўлинади. Жисмоний шахслар ҳар йили солиқ декларациясини тўлдириб боришлари керак. Бу ҳужжат жисмоний шахс томонидан йил ичида топган даромадидан солиқ тўлаш миқдорини кузатишни таъминлайди. Давлат бюджет солиқ тўловлари ҳисобига шаклланади.

Корхона, бирлашма ва ташкилотлардан олиннадиган солиқлар ҳамда аҳоли солиқлари Республика давлат бюджетига тушиб, улар асосан занф, кам таъминланган oilалар, нафақалар, студентлар ва кўн болали oilаларни ижтимоий ҳимоя қилишга бюджетдан молниялаштириладиган маориф социал таъминот, соғлиқни сақлаш халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга ва давлат бошқарув аппарати талабларини қондиришга қаратилган.

3. Давлатнинг фискал сиёсати ва иқтисодий барқарорлик

Давлатнинг фискал сиёсати — ҳукумат томонидан давлат харажатлари ва солиқ солиш тартибига кирадиган ўзгаришлардир. Бундан мақсад тўла бандлик ва тўла ишлаб чиқариш ҳажмига эришишдир. Давлатнинг фискал сиёсати солиқларни ундириш ва бюджет маблағларининг макроиқтисодий мувозанатини таъминлаш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳукумат имкониятларидан фойдаланишни назарда тутади. Фискал сиёсатининг асосий дастағи солиқ ставкасини ишлаб чиқаришидир. Давлатнинг фискал сиёсати солиқ тизими орқали бюджетни шакллантиради ва унинг сарфланишини таъминлайди.

Солиқ сиёсатини тақомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва молнийвий аҳволнинг мустаҳкамлашга оид муам-

моларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

— бозор муносабатларга ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатини амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади;

— аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани фискал хазинани тўлдирishi, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириши вазифасини тўла даражада бажариши керак;

— солиқлар хазинани тўлдирishi сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат халқ хўжалигига вазифаларини ҳал этиши учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим;

— солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисmini қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади;

— солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тўплаган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир.

Молия, банк ва солиқ тизимлари бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади экан, демак, бу тизимларда жуда кўп ҳар хил маълумотларни йиғилиши табиий. Бу маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш муаммолари мавжуд. Буларни фақат телекоммуникация ва йўлдош алоқаларидан ҳамда компьютер воситаларидан кенг фойдалангандагина ҳал қилиб бўлади. Бунга эса ҳукуматимиз ҳуқуқий асос яратди, яъни «Ахборотлаштириш ҳақида» ҳамда «Электрон ҳисоблаш учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг қонунилари» ва «Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепциясини маъқуллаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Бу қонулар ва қарордан кўришиб турибдики, ҳозирги кунда Республикани компьютерлаштиришнинг давр талаб этмоқда ва бунга кенг йўл ҳам очилмоқда.

Ҳозирги кунда банк ва солиқ тизимларини ахборотлаштириш мақсадида бир қатор қарорлар қабул қилинди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси солиқ органларида маълумотларни қайта ишлайдиган ягона компьютер тизимини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августда 383 сонли қарори қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш, пул кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 146 сонли қарорда

эса банк тизимини ҳам компьютерлаштириш масаласи қўйилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия, банк ва солиқ соҳалари бир-бирига мукамал боғлиқ бўлган жабҳалардир. Шунинг учун бу жабҳаларнинг ягона автоматлаштирилган (интеграллаштирилган маълумотлар) тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бу тизимни яратиш ва жорий этишдан асосий мақсад ахборот йиғиш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда кўп меҳнат қилишнинг камайиши, молия режаларини кўп вариантда ҳисоб-китоб қилиш ва уларни энг мақбул тарзда бир-бири билан мувофиқлаштириш, молия органлари аппаратларини яхшилаш асосида молия бошқарувида юқори сифатга эришишдан иборатдир. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқаришда ягона интеграллаштирилган молия, банк ва солиқ жабҳаларининг маълумотларидан фойдаланиш имконияти катта.

17-мавзу. МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТ УЧУН АҲАМИЯТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентини иқтисодий ислохотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизмларидан бири «молия ва солиқ сибёати соҳасида... қаттиқ молиявий сибёатин амалга ошириш, ...халқ хўжалиги тармоқларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул билан қайтармайдиган қилиб таъминлаш амалиётидан воз кечини. Ана шу мақсадлар учун инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш, ...барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, жами пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш, ...наrx белгилаш тизимини янада тартибга солиш, бозорни тартибга солиб турувчи, восита сифатида наrxнинг ролини мустаҳкамлаш»дан иборат деган эди¹.

Молия тарихий характерга эга бўлган иқтисодий категория ҳисобланади. У бозор муносабатлари шароитида давлатнинг вазифалари ва эҳтиёжларини ривожлантириб бориши таъсири остида вужудга келади. Молия атамаси латинча сўздан келиб чиққан бўлиб, тўлов даромад маъносини англатади.

Молия — пул маблағлари фондларини, молиявий кредитларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш хусусияти вужудга келадиган муносабатлар тизимидир. Махсус фондлар орқали ҳаракат қилувчи пул муносабатлари молия муносабатларини ташкил этади.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 190—191 бетлар.

Молия муносабатлари пул муносабатларининг бир қисми бўлиб, давлат бюджети, жамоатчилик фондлари, суғурта фондлари, давлат валюта резервлари, фирмалар, ташкилотлар ва шунга ўхшашларнинг пул фондлари ва бошқа махсус фондлар молия тизимининг асосий бўғинларини ташкил этади.

Молия муносабатлари пул муносабатларининг мавжуд фондларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш хусусида вужудга келадиган муносабатлар тизимидир. Хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, яъни такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пул захиралари жамғармаларини ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш тизими мамлакат молиясини ташкил этади.

Хуллас, молиявий муносабатлар дейилганда, пул маблағлари жамғармаларининг ҳаракати туфайли давлат, корхоналар ва ташкилотлар, ҳудудлар ва аҳолида фуқаролар ўртасида вужудга келувчи барча иқтисодий муносабатлар тушунилади. Молия давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Молиявий муносабатларни қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

- давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатлар;
- корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатлар;
- корхона ичидаги, бўлимлараро ва ишчилар ўртасидаги хўжалик алоқалари;
- бошқарувнинг турли даражасидаги давлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар;
- давлат билан уюшмалар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар;
- давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар.

Барча пул муносабатлар ҳам молиявий муносабатлар бўла олмайди. Шахсий истеъмолга ва айирбошлашга, чакана сотувга, транспортга, маиший, коммунал хизматларга, томошахоналар ва бошқаларга тўлов учун, шунингдек, жамиятнинг айрим аъзолари ўртасидаги олди-сотди муомаласи, пул тортиқ этиш ва мерос қилиб олиш учун хизмат қиладиган пул маблағлари молиявий муносабатларга кирмайди.

Давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар, аввало, давлат томонидан турли ижтимоий социал истеъмол даражаларини қондириш харажатларидан турли тўловлар, нафақалар ва имтиёзлар олиш муносабати билан юзага келади. Таълимга, даволашга, аҳолига текки ёки арзонлаштирилган ҳолда бериладиган буюмларга қилинадиган чиқимларни қоплашга ажратиладиган маблағлар давлат томонидан турли ижтимоий социал даражаларини қондириш харажатларига киради. Молиявий муносабатлар аҳоли солиқларини ҳамда аҳолининг заъмлар, лотереялар кўринишида давлатга бериладиган қарзларини, банк-

ларга омонат тарзда қўйган вақтинча бўш турган маблағларни ҳам ўз ичига олади. Давлат ўз навбатида уй-жой қуриш, қимматбаҳо товарларни сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун аҳолига кредит беради.

Давлат молияси молия тизимининг асосини ташкил этади. Унинг асосий бўғини эса давлат бюджетидир. Давлат молия тизими ёрдамда ялпи миллий маҳсулотни тақсимлайди ва қайта тақсимлашни амалга оширади. Молия тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:


— давлат фаолиятининг моддий асосларини яратиш;

— давлат ялпи миллий маҳсулотларининг бир қисмини пул кўринишда ўз қўлида жамлайди ва молия тизими ёрдамда уни қайтадан тақсимлайди. Умуман олганда, молиянинг вазифалари учурурга бўлинади.

1. **Тақсимлаш** — бунда молия воситасида жамиятда яратилган ялпи миллий маҳсулот ва унинг асосий қисми бўлмиш миллий даромад хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланиб, пул фондларига айлантирилади.

2. **Рағбатлантириш** — молия ўз воситалари орқали хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолликка ундайди. Бунда молия воситалари бўлиб, молия тизимида ишлатиладиган солиқлар, тўловлар, субсидиялар ва субвенциялар ҳисобланади.

3. **Ижтимоий ҳимоялаш** — бу жамият аъзолари маълум қатламларининг минимал тирикчилик юритишни молиявий жиҳатдан таъминлаш, яъни молиявий кафолатлашдан иборат. Пул фондларини шакллантириш ва ишлатишни назорат қилади, яъни молия тизими ёрдамда давлат турли солиқлар ва даромадларни бюджетга йиғиш, улар ўртасида белгиланган нисбатларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатади. Молия тизими хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий фаолияти, жамият иқтисодий фаолиятининг якунлари хусусида ахборот бериш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашни маблағ билан таъминлаш вазифаларини ҳам бажаради. Турли харажатлар, фойда, иш ҳақи, солиқлар, қарз тўловлари, суғурта ҳақи, бош тўловлари ва шунга ўхшаш бошқа тўлов ва ажратмалар молиявий воситалар ҳисобланади. Улар асосида молиявий заҳиралар, яъни турли пул фондлари шаклланади. Молиявий заҳиралар марказлашган, яъни умумдавлат ва жамият миқёсида ҳамда қорхона, ташкилот, фирма ва жамoa уюшмалари доирасида ҳам бўлиши мумкин. Марказлашган молиявий заҳиралар умумхалқ эҳтиёжлари учун сарфланса, кичик молиявий заҳиралар ўша хўжаликларнинг эҳтиёжлари ва фаолиятлари учун сарфланади. Марказлашган молиявий заҳиралар макромолия, кичик молиявий заҳиралар микромолия (чизма 1) деб аталади.



Ишлаб чиқарини жараёнида фойдаланилмаётган, вақтинча ортиқча бўлган маблағлар молия бозорида сотилади. Молия бозори — валюта бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозори, инвестиция бозори ва ссуда капитали бозорининг ўз ичига олади. Молия бозори валюта бозорида одатда валюта сотиш ва сотиб олиш операциялари, қимматбаҳо қоғозлар бозорида (акциялар, векселлар, сертификатлар) сотиш ва сотиб олиш операциялари, инвестиция бозорида инвестиция, яъни капиталлар сотиш, сотиб олиш операциялари ва ниҳоят ссуда бозорида асосан ссуда капиталини баққлар сотиш ва сотиб олиш операциялари орқали амалга оширилади. Республикада қисқа муддатли давлат облигациялари 1997 йилда 31,7 млрд. сўмлик, 1998 йилда эса 74,3 млрд. сўмлик сотилди¹.

Акциялар қимматбаҳо қоғоз бўлиб, унинг эгасига фойда дивидент келтиради. Акция акция эгасини шу акцияни чиқарган корхона капиталида маълум ҳиссаси борлигини англатади. Улар оддий ва имтиёзли бўладилар. **Оддий акция** эгаси оладиган дивидент корхона даромадларига боғлиқ бўлади ва унинг эгаси акционерлик жамиятида овоз бериш ҳуқуқини кафолатлайди.

Имтиёзли акция эгасига белгиланган фонз ҳисобида дивидент олишни таъминлайди, лекин у акционерлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Облигация — бу корхона қарздорлик мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо ҳужжатдир. У маълум муддатга чиқарилади ва ҳар ойда ютуқ тариқасида фонз тўлаш кафолатланади. Мо-

¹ Иқтисодий йўналишлар. Чораклик нашр. «Ўзбекистон», январь—март, 1998. Тошкент, 102-бет.

лия бозорда брокерлар воситачилик қиладилар ва комиссия фонд оладилар. Диллерлар эса қимматбаҳо қозғаларни сотиб олиш ва сотишни амалга оширадилар ва маълум фойдани ўзлаштирадилар.

2. Давлат бюджети ва унинг тузилиши


Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов давлат бюджетини мустақкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш тўғрисида: «Давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларнинг турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш, бюджет маблағлари даромад тушганидан кейингина тақсимлаштирадиган йўлдан огишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, ...солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган... ишлаб чиқаришни... рағбатлантирадиган лишиқ — пухта солиқ сиёсатини олиб бориш» керак деган эди¹.

Давлат бюджети — бу умум жамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар бўлиб, молия тизимининг асосий бўлаги ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини маълум мақсадда ривожлантириш, турли марказлашган жамғармалар, аввало, умумдавлат пул маблағлари фондини — давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминланади. Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий бўғини вазифасини ўтайди. Давлат бюджетининг асосий вазифаси молия ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш, турли марказлашган жамғармалар, аввало, умумдавлат пул маблағлари фондини — давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминланади. Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий бўғини вазифасини ўтайди. Давлат бюджетининг асосий вазифаси молия ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Турли мамлакатларда давлат бюджетини тузиш ва ундан фойдаланишининг бир қанча умумий хусусиятлари бор. Давлат бюджетининг умумий кўриниши (чизма 2) икки қисмдан иборат бўлади: 1-чиси даромадлар қисми; 2-чиси — харажатлар қисми. Давлат бюджетининг умумий кўриниши қуйидагича:

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 190 бет.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ



Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида, мамлакат ривожланишининг айрим босқичларида молия сисётининг юритишнинг асосий қуроли бўлган давлат бюджети ўзининг таркиби ва сарфлаиш моҳиятига кўра жиддий фарқланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети мамлакатимизнинг ҳар йили оладиган даромат ва харажатлари ҳисобидан иборатдир. Тула хўжалик ҳисобига ўтиб, ишлаши натижасида илгарги Республикаимиз бюджетга тушадиган фойданинг катта қисми корхоналар ва бирлашмаларда қолдириладиган ҳамда иш ҳақи ёки рағбатлангириш воситаси сифатида фойдаланадиган бўлади. Бундан ташқари, давлат бюджетининг ижтимоий-мада-

ний ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланадиган маблағлари кўпайди.

Иқтисодий молиявий аҳолининг иочорлигига тақсимотининггина эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги асосий сабабдир. Чунки, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, сарф-харажатларнинг юқорилиги ишлаб чиқариш натижаларининг салмоғига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Моддий бойликлар билан таъминланган капитал маблағларнинг сарфланиши эса тугалланмаган қурилш объектларни кўпайтириб юборади. Витказилмаган қурилшлар ўз вақтида ишга туширилмай ётиши ҳам бу маблағларни қоплаш учун мақсудот ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўяди. Натижада давлат бюджетига тушадиган маблағ миқдори камаяди. Бу эса бюджет камомадининг ортиб боришига олиб келади. Молиявий таъгликдан чиқиш йўлларидаги бири истеъмол моллари оборотини кескин ошириш, истеъмол бозоридаги аҳволни тубдан яхшилашдир.

Бюджет тақчиллигининг олдини олиш билан иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш, етиштирилган хом ашё ва мақсудотларни шу ернинг ўзида қайта ишлаш, тайёр мақсудотга айлантириш орқали барҳам бериш мумкин. Давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидандир.

3. Бюджет камомадининг муаммолари ва давлат қарзи

Давлат бюджетининг харажат қисми даромад қисмидан ортиб кетса, бу бюджет камомадн дейилади. Бюджетнинг камомадн ўзида давлат қарзи деган маънони аке эттиради. Давлат қарзи икки турга бўлинади:

1. Давлатнинг ташқи қарзи;
2. Давлатнинг ички қарзи.

Давлатнинг ташқи қарзи деганда, унинг ташқи давлатларга, ҳар хил молиявий уюшмаларга, хорижий фирмалар ва алоҳида шахсларга қарзи назарда тутилади. Давлатнинг ички қарзи деганда, фирма, кичик корхоналар, жамоа корхоналари ва ўз халқидан олган қарзидир. Бюджет тақчиллиги билан давлат қарзи бир-биринга боғлиқдир. Чунки бюджетни тартибга солиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдига турган марказий масаладир.

Бюджетни тартибга солишнинг уч тамойилди мавжуддир:

Биринчи тамойил — давлат бюджети ҳар йили баланслашнинг лозим.

Яъни давлат бюджетига доимий равишда ташқи ва ички муҳитдан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритишдан иборатдир. Бу усул давлатнинг фискал сисёатининг самарадорлик даражасини пасайишига олиб келади.

Иккинчи тамойил — давлат бюджети ҳар йили эмас, балки иқтисодий цикл даврида баланслаштирилиши керак деган гоёни илгари суради.

Бу тамойилда одатда иқтисодий кризисга қарши курашда солиқлар нормаси камайтирилади, ишлаб чиқариш харажатлари эса оширилади, натижада бу бюджет камчилигига олиб келади.

Учинчи тамойил — бюджет эмас, балки иқтисодиётнинг ўзи баланслаштирилиши лозим, деган фикрнинг асосий қонди қилиб олади.

Иқтисодиётнинг юксалиши даврида эса давлат солиқ нормаларини кўтарди ва давлат харажатларини камайтиради. Натижада бюджет ижобий сальдога эга бўлади.

Бунда молиянинг асосий вазифаси макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдир. Иқтисодий ўсish бюджетга солиқлар тушумини кўпайтиради, макроиқтисодий барқарорлик эса, уни рағбатлантиради.

Давлат бюджети тақчиллигини бартаф этишнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборатдир:

— ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш воситасида ялпи миллий даромаднинг ўсишига эришиш;

— маъмурий-бонқарув, муҳофаза ва бонқа турдаги харажатларни камайтириш ҳисобига бюджетнинг харажат қисмидан даромад қисмининг ортиқ бўлишини таъминлаш;

— илмий техника ютуқларидан фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш ҳисобига миллий даромаднинг кескин кўпайтириш;

— жаҳон бозорига хом ашё чиқариш ўрнига уларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида чиқариш ҳам мамлакат миллий даромадини кўпайтириш йўлларида биридир.

Ҳукумат ўз мамлакатини иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда, бюджет сиёсатини ишлаб чиқади. Бундай сиёсат мамлакатнинг маблағ имкониятлари даражасида амалга ошириладиган ишлар мажмуидан иборат бўлган ҳукуматнинг молиявий фаолияти дастури бўлиши лозимлигини, бюджет тақчиллиги устида қатъий назорат ўрнатилишини, уни қоплаш манбаларини кўрсатишни жуда катта иқтисодий самара берадиган иқтисодий дастурларга бюджетдан маблағ ажратишни талаб этади.

18-мавзу. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Ялпи миллий маҳсулот ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичи

Чет элларда 1930 йилдан бошлаб, иқтисод макро- ва микрога ажрала бошлади. Унга Дж. Кейнснинг 1920 йил чиққан «Общая теория занятости, процента и денег» номли китоби босмадан чиқ-

қандан сўнг, туртки бўлди. Чет элларда Дж. Кейнси иқтисодий макроніқтисодий даражада таҳлил қилишнинг асосчиси деб ҳисоблайдилар. Макроніқтисод дейилганда, жами ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар тушунилади.

Макроніқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларнинг қандай аҳволда эканлигини таҳлил қилиш иқтисодий соғломлаштиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Макроніқтисодий кўрсаткичлар статистика маълумотлари асосида таркиб топади. Макроніқтисодий кўрсаткичлар «**миллий**», «**миллий ҳисоблар тизими**» деб ҳам аталади. Бизда халқ хўжалигида кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни икки бўлимга ажратилганлиги туфайли яхлит ҳолда ифодаланмаган. Чет элларда макроніқтисодий кўрсаткичлар яхлит ҳолда ўрганилади.

Миллий ҳисоб тизими қайта ҳисоблардан ҳоли маҳсулот қиймати ва баҳосини боғлайдиган бўлганлиги туфайли бундай ҳисоблар самаралироқ ҳам. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодига қўшилганда, унинг ҳам ўз ҳисобларини БМТда ишлаб чиқарилган **миллий ҳисоблар тизимига** ўтишни тақозо этади.

Ҳозирги даврда давлатнинг иқтисодий ривожланишини ўлчашда, давлатнинг иқтисодий сиёсатни амалга оширишда, қуйидаги макроніқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланади: ялпи миллий маҳсулот (**ЯММ**), соф миллий маҳсулот (**СММ**), миллий даромад (**МД**), шахсий даромад (**ШД**), мавжуд даромад (**МД**). Юқоридаги кўрсаткичлар миллий ҳисоблаш тизими асосида ҳисобланади. Макроніқтисодий кўрсаткичларга баҳолар даражаси, фойз миқдори, баландлик каби кўрсаткичлар ҳам кириди.

Иқтисоднинг соғлом ҳолда эканлигини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири **ЯММ** ҳисобланади. **ЯММ** — бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар йиғиндисининг бозор баҳосида ифодаланиши. Яратилаётган маҳсулотларни аҳоли, давлат корхоналари харид қилади. Шунинг учун маҳсулотлар умумлашган ҳолда қиймат кўринишида ифодаланади. **ЯММ**нинг ҳажмининг тўғри аниқлаш қайта ҳисоблашдан ҳоли бўлишини талаб этади. Бунинг учун **ЯММ**ни яратиш учун керакли бўлган оралиқ маҳсулотни ҳисобламаслик керак. Шунинг учун **ЯММ** ҳажми ҳисобланганда, қўшилган қиймат маҳсулотларнинг бозор баҳосидан уни ишлаб чиқариш учун кетган материал ва ярим фабрикатларнинг қийматини айириш лозим. Иқтисодий мазмунда қўшилган қиймат, корхонанинг яратилган маҳсулотга қўшган улушини ифодалайди. Ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот сони жуда кўп бўлгани туфайли қайта ҳисоблардан ҳоли бўлган миқдорнинг жуда аниқлаш қийин.

Жаҳон тажрибасида «Харажатлар оқими» деган кўрсаткич қўлланылади. Бу кўрсаткичда: аҳолининг истисмолга сарфлайди-

ган давлатнинг товарлар ва хизматларни харид қилишга кетадиган харажати ва соф экспорт билан боғлиқ бўлган харажатлар йнғиндиси ифодаланади. Юқоридаги иккала кўрсаткич ЯММ ни ҳисоблашда бир хил аҳамиятга эга. Ялли ички маҳсулот ЯММ қиймати ЯММдан экспорт ва импортдаги фарқни айиргандан қолган қийматига тенг бўлади.

2. Соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва миллий ҳисоб тизимидаги бошқа кўрсаткичлар

Соф миллий маҳсулот (СММ) ялли маҳсулот билан амортизация ўртасидаги фарқни ифодалайди. СММ йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсатади. Бу иқтисодиётни ишлаб чиқариш жараёнини қисқартирмасдан давом эттиришни таъминлайди.

МД бу ишлаб чиқариш ресурслари сифатида ишлатиладиган барча даромадлар миқдори: иш ҳақи, рента, фойз ва фойда. МД — янгидан яратилган товарлар ва хизматларнинг қиймати ҳисобланади. МДни аниқлашда ЯММдан амортизация харажатлар ва бизнесдан эгри солиқлар олиб ташланади.

МД ишлаб чиқарилган МД, ҳамда сарфланадиган МДга ажратилади.

Ишлаб чиқарилган МД бир йил давомида янгидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар йнғиндиси ҳисобланса, ишлатиладиган МД табиий офат, сақлаш натижасидаги пероф бўлганларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймат ҳисобланади.

МДнинг бир қисми истеъмолга сарфланса, қолган қисми жамғаришга сарфланади.

Истеъмол фойзи миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини, социал эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Жамғариш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланишни ифодаласа, унинг натижаси келажақда истеъмол қилинади.

Шахсий даромад — кишиларнинг иш ҳақи шаклидаги олган даромади.

Мавжуд даромад (МД) даромаднинг солиқ тўлапгандан қолган қисми. Бунда шахсий даромаддан даромад солиғи, шахсий мулкдан солиқ, меросдан солиқ тўлайдилар.

3. Баҳолар даражаси. Номинал ва реал ЯММ

Ялли миллий маҳсулот номинал ва реал миллий маҳсулот кўришишда ҳам ифодаланади. Номинал миллий маҳсулот жорий баҳоларда ҳисобланган миллий маҳсулотдир. Реал миллий маҳсулот эса одатда ўзгармас базис баҳоларида ҳисобланган ялли миллий маҳсулотни ифодалайди. Реал ЯММ инфляцияни ҳисоб-

га олин натижасида ҳисобланган миқдор. Реал ЯММни ҳисоблашда баҳолар индексида ёки дефлятордан фойдаланилади.

Реал ялпи миллий маҳсулот миқдори қуйидагича формула асосида ҳисобланади.

$$H_{II} = \frac{Ж_6}{Б_6} \times 100\%$$

H_{II} — нарх индекси;

$Ж_6$ — жорий йилдаги ялпи миллий маҳсулот баҳоси;

$Б_6$ — базис йилидаги ялпи миллий маҳсулот баҳоси.

ЯММнинг дефляторини ҳисоблашда истеъмолчилар саватчасининг таркибига истеъмол товарлари ва хизматларининг баҳоси, инвестиция товарларининг экспорт ва импорт товарларининг баҳоси ҳисобга олинади.

ЯММ дефляторидан ташқари, баҳоларининг умумий даражаси — истеъмол баҳолари индекси (ИБИ)дан фойдаланилади. Истеъмол баҳолари индекси асосида истеъмолчиларининг истеъмол саватчаларининг қийматини ва ўтган йилдаги истеъмол саватчасига нисбатан қиймат ёки арзонлашганлигини аниқлаш мумкин.

ИБИ — жорий йилдаги истеъмолчилар саватчасининг баҳоси муайян даврдаги истеъмолчилар саватчасининг баҳосига нисбатини фойзаларда ифодаланишида аниқланади. Бу қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$ИБИ = \frac{ЖИ_{сб}}{МИ_{сб}} \times 100\%$$

ИБИ — истеъмол баҳолар индекси;

ЖИ_{сб} — жорий йилдаги истеъмолчилар саватчаси баҳоси;

МИ_{сб} — муайян даврдаги истеъмолчилар саватчаси баҳоси.

ЯММ дефлятори ва ИБИ ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. ИБИ харид қилинган товарлар ва хизматларининг баҳосини ифодаласа, ЯММ дефлятори ишлаб чиқарилган барча товарлар ва хизматлар баҳосини ифодалайди.

2. ЯММ дефляторида импорт товарлар баҳоси ҳисобга олинмайди.

3. ИБИ ва ЯММ дефляторлари турли-туман агрегатлаштириш усули билан бир-биридан фарқ қилади. ИБИ ўзгармайдиган товарлар баҳоси мўлжалланган бўлса, ЯММ дефлятори ЯММ таркибининг ўзгариши билан ўзгарадиган баҳоларга мўлжалланган. Юқоридаги ўзгаришларга қарамасдан ИБИ ва ЯММ дефляторининг ўзгариш суръатлари ўртасидаги фарқ катта эмас.

Ўзбекистонда ИБИ қисмдан иборат бўлган 267 та товарлар ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган истеъмолчилар саватчасини ҳисоблаш мўлжалланган:

- 1 бўлим. Истеъмол товарлари — 93 тур.
- 2 бўлим. Қийим ва пойабзал — 81 тур.
- 3 бўлим. Уй жой, иссиқлик, эл. энергия ва бошқа коммунал хўжалик хизматлари тўланадиган ҳақ — 9 тур.
- 4 бўлим. Мансий хизмат товарлар — 28 тур.
- 5 бўлим. Медицина хизмати — 6 тур.
- 6 бўлим. Транспорт ва алоқа — 14 тур.
- 7 бўлим. Дам олиш, билим олиш, маданий тадбирлар — 26 тур.
- 8 бўлим. Шахсий гигиена буюмлари — 10 тур.

4. Соф иқтисодий фаровонлик ва ялпи миллий маҳсулот

«Биз республикада ишлаб чиқаришнинг пиҳоят даражада пайсаниб кетишга оммавий ишсизликка йўл қўймаслик. Ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш учун шароитлар яратиш, иқтисодиётнинг бир томонлама хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси бўлиши, ...қийшлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларини чуқурроқ қайта ишлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологик шикнинг тугалланганлик даражасини ошириш керак». — деган эди Н. Қаримов¹.

Ялпи миллий маҳсулот давлатнинг хўжалик юретишини ифодалайдиган асосий кўрсаткич ҳисобланади. Лекин, бу кўрсаткич кишиларнинг ҳаётининг сифати ва миллиятини фаровонлигини ифодаламайди. Шу мақсадда, жаҳон тажрибасида «Соф иқтисодий фаровонлик *NEW* — деган атама қўлланилади (*NW* — деган атама 70 йилларда В. Нордхоус ва Дж. Тобинсони томонларидан тавсия этилган). Юқоридаги кўрсаткич ялпи миллий маҳсулот қамраб олган омилларни ҳам ўзида ифодалайди. Масалан: уй-рўзгор ишлари, шахсий томорқа хўжалигидаги ишлар, болаларни тарбиялаш, бўш вақт кабилар *СИФ* кўрсаткичида ўз аксини топади. Бўш вақт, даромадларни ошириш билан қўнаёса, аҳолининг фаровонлиги ҳам ошган ҳисобланади. «Соф иқтисодий фаровонлик» кўрсаткичига яширин иқтисодни ҳам киритиш зарур. Унга легал, лекин солиқ тўламайдиган (касалларга қараш, респираторлик, уйларни тикмирлаш қўшиб ҳисобланса, гнёҳванц моддаларини сотувчилар, рекет, қўшиб ёзиш) ҳисобланмайди.

Соф иқтисодий фаровонлик кўрсаткичига экологик омиллар ҳам таъсир ўтказиши. Атроф муҳитнинг ифлосланиши, иқлим шароитларининг ўзгариши аҳолининг фаровонлигига салбий таъсир ўтказиши. Демак, аҳолининг соф иқтисодий фаровонлигини қўйидагича ифодалаш мумкин:

¹ Қаримов Н. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 й. 52, 53, 54 бетлар.

NEW = ЯММ — фаровонликка таъсир этувчи салбий омиллар + бозор фаолиятида ҳисобланмаган омиллар + бўш вақт.

Соф иқтисодий фаровонликни тажрибада қўллаш қийин бўлсада, назарий жиҳатдан уни ҳисоблаш ва асослаб беришга ҳаракат қилинмоқда.

19-мавзу. МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ ШАРТЛАРИ. МИЛЛИЙ ДАРОМАД ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

1. Макроиқтисодий мувозанат тушунчаси

Президент И. Қаримов «Иқтисодиёт барқарор ишлаб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин», — деган эди¹.

Алоҳида бозорлардаги мувозанатга жузъий мувозанат дейилади. Аммо бозор иқтисодиёти истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш бозори молия ва иш кучи бозори, нарий-техникавий ва ахборот бозори ва бошқа турдаги бозорлар тизимида иборат. У мувозанатдами ёки йўқми эканлигини турли товарлар нархларининг нисбати билан белгиланади. Масалан: бугун 1000 сўмга учта пон, 1 кг ёғ, 1,5 кг шакар сотиб олиш мумкин, деб фараз қиламиз.

Агар маълум муддатдан кейин 1000 сўмга сотиб олиш мумкин бўлган товар миқдори нисбати сақланиб қолса, демак ўша муддатда иқтисодиёт умумий (макроиқтисодий) мувозанат ҳолатида бўлади, деб ҳисобланади. Аммо ҳаётда макроиқтисодий мувозанат иқтисодиётнинг идеали, нормал бир ҳолатидир. Бинобарин, жузъий мувозанат алоҳида бозордаги талаб ва таклифнинг ўртасидаги мувозанатга мос келади. Умумий мувозанат эса, ўз навбатида эса ҳамма бозорларни мувозанатлаштирилган ва келишилган ҳолда ҳаракат қилишини аке эттиради. Бундай бўлиши учун эса, иқтисодиётда жами таклиф ва жами талаб ўртасида мувозанат таъминланмоғи лозим.

«Ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги иккинчи энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришинида иборат», — деган эди И. Қаримов².

Макро даражада жами талаб ва жами таклиф умумий нархларнинг мувозанат даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун иқтисодиёт бўйича ўрнатилишига олиб келади.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 158 бет.

² Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 332 бет.

2. Жами талаб ва жами таклиф

Бозор — товар ишлаб чиқариш, яъни цивилизация маҳсули ва ривожланиб бораётган умуминсоний бойликдир. Бозор — иқтисодий категория сифатида у истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар мажмундир. Лекин бу муносабатлар маълум қонуни-қонуниятлар асосида юзага келди. Жамиятнинг ривожланиши талаб ва таклиф иқтисодий қонуни асосида талаб ва таклиф ўртасидаги мувофиқ даражасига боғлиқ.

Талаб — бу истеъмолчиларни моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини пул ва бошқа тўлов воситалари билан таъминланган даражасидир. Чунки, у ана шу тўлов қобилияти даражасида маълум миқдорда молларни ёки хизматларни сотиб олади. Талабга таъсир этувчи омиллар, бу аввало, аҳолининг пул даромадлари, бозор ҳажми ва моллар баҳоси, истеъмолчиларга берилган имтиёзлар, бир мол ўрнига ишлатилиши мумкин бўлган, бошқа молларнинг мавжуд ёки мавжудмаслигидир. Талаб қонуни бу жамият аъзоларининг истеъмол буюмларини ва хизматларни харид қилиш даражаси белгилаб беради.

Жами таклиф деганда (*AS*) иқтисодиёт ишлаб чиқарадиган ҳамма товар ва хизматлар тушунилади ёки мумкин бўлган ҳар бир нарх даражасидаги ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тушунилади. Жами таклифнинг модели *AS* эгри чизиги билан ифодалангандир (Илова, расм 17).

Жами талаб (*AD*) ҳар қандай нархлар даражасида истеъмолчилар, тадбиркорлар ва давлат томонидан сотиб олишни мумкин бўлган жами маҳсулот.

Жами талаб ва жами таклифга аввало нархлар даражаси таъсир кўрсатади. Қанчалик нарх юқори бўлса, шунчалик ишлаб чиқаришнинг ҳажми катта бўлади. Жами таклиф (*AS*) билан нархлар даражасидаги ўзгаришлар тўғри пропорционал, жами талаб (*AD*) билан эса тескари пропорционал боғлиқдир. Жами талабга қуйидаги ғайри нарх омиллар таъсир кўрсатади: аҳоли даромадлари, инвестицион сарфлардаги ўзгаришлар, экспорт ва импорт даромадлари. Юқорида санаб ўтилган омиллар натижа-сида жами талаб эгри чизиги ўнга, юқорига (жами талабнинг ўсиши), чапга пастга (жами талабнинг камайиши) силжиydi.

Жами таклифга ҳам бир қатор ғайри нарх омиллар таъсир кўрсатади, булар: ресурсларга, баҳоларнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқдир. Ушбу омилларнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатади ва *AS* эгри чизигини силжитади. Унинг чапга силжиши жами таклифнинг пасайишидан далолат беради, бу ҳол эса асосан ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши билан боғлиқдир. Ўнга силжиши жами

таклиф ортиши билан боғлиқдир. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизигини кесилиши нуқтаси бозордаги мувозанат ҳолатида тўғри келади. У ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажмига ва унга мос баҳонинг мувозанат даражасини кўрсатади.

3. Макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш

Расмда жами талаб AD ва жами таклиф AS ва умумий иқтисодий мувозанатни (Илова, расм 17) кўрсатувчи, E нуқта акс эттирилган:

Ҳар қандай миллий иқтисодиётда қандайдир реал чегаравий миллий маҳсулотнинг ҳажми бўлади. Агар миллий маҳсулотнинг ҳажми ана шу чегарадан ошиб борса, инфляция жароҳилар кучайишига олиб келади (бизнинг расмда бу Q потенциал нуқтага тўғри келади). Реал миллий маҳсулотнинг чегаравий миқдори иқтисодиётнинг таркиб тоған тузилиши билан аниқланади ва ҳар доим мажбурий ишсизликнинг маълум даражасига мос келади.

Агар жорий ишлаб чиқариш чегаравий миқдордан паст бўлса (масалан, E_1 нуқта), жами талабни рағбатлантириш орқали ишсизлик даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин бўлади. Бунга солиқларни пасайтириш, пул массасини кўнай-тириш ва давлат сарфларини кўнайитириш орқали эришиш мумкин. Агар акен бўлса (E_2 нуқтада), унда иқтисодиётда инфляцион жароҳилар кучаяди, натижада товар ва бюджет камомадни кўпаяди. Бунда жами талабни қисқартириш йўли билан иқтисодиётни E нуқтадаги даражасига яқинлаштириш зарур бўлади. Бунга эса солиқларни кўтариш, пул массасини қисқартириш ва давлат сарфларини камайтириш орқали эришилади.

Аmmo ушбу учта воситани давлат ҳар доим ҳам самарали ишлата олмайди. Қанчалик умумий иқтисодий мувозанат ҳолатида иқтисодиёт четланган бўлса, шунчалик уш ушбу ҳолатга қайтариш қийин бўлади. Агарда ўта қаттиқ барқарорлаштирувчи сиёсат олиб борилса, бу таклифни ўта камайтириб юборишлари мумкин. Бу эса AD эгри чизиги таснифлари билан аниқланувчи нархларнинг ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш таназули, инфляция мавжуд бўлади. Акенича, жами талабни рағбатлантириш натижасида инфляциянинг ўсишини маълум даражада юмшатиш мумкин, инфляциянинг пасайиши бир вақтнинг ўзида қўлланилган чоралар натижасида албатта (AS_2 эгри чизиги) жами таклиф ҳажминини ўсишини ифодалайди.

4. Иқтисодиётни тартиблаш муаммолари

AS жами таклифнинг эгри чизиги у ҳар хил нархлар даражасида ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулот (Илова, расм 18) ҳажминини кўрсатади ва учта бўлақдан иборат бўлади: 1) вертикал

ёки классик қисми, буида миллий маҳсулот ҳажми «тўла бандлик» даражасида донмий туради, нархлар даражаси ўзгариши мумкин; 2) оралиқ қисми, буида миллий маҳсулот ҳажми ўзгаради, нархлар даражаси донмий ҳисобланади; 3) горизонтал (кейинча) қисми сезиларли ишсизлик даврида маҳсулот бирлигига харажатларини ва баҳолар даражасини оширмай туриб ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин.

АД — жами талабнинг эгри чизиги шуни кўрсатадики, қанчалик баҳолар даражаси паст бўлса, шунчалик миллий маҳсулот ҳажми кўпроқ сотиб олинади.

Классиклар нуқтан пазаридан, бозор иқтисодиётида мавжуд механизм, тўла бандлик шароитида ишлаб чиқариш ҳажминини таъминлаб беради (вертикал қисми). Жами таклифнинг миқдорини ўзгариши нархларнинг ўзгариши натижасида вужудга келмоқда. Жами таклиф ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига, тўла бандликка таъсир этмайди. Сабаби жами таклифнинг боғлиқлигидадир (Сэй қонунига мувофиқ). Ҳақиқатдан ҳам шундай. Жами таклифнинг ортиши, яъни неъматлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ҳажминини ортиши даромадларни ортиши демакдир.

Классик моделга мувофиқ иқтисодиётда мувозанатни ушлаб туривчи нархларнинг тебраниши, фақат товар ва пул бозорида эмас, балки ресурслар бозорида, аввало, меҳнат бозорида амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов: «Цивилизацияланган бозор шароитларини вужудга келтириш эркин нарх белгилаш механизми маҳсулотни ишлаб чиқариш, айирбошлаш тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида айрим товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада уйғуништириш имконини беради», деган эди¹.

Товар бозорларида баҳоларнинг пасайиши ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, бу эса ишсизликнинг вужудга келишига олиб келади, агарда иш ҳақи даражаси ўзгармаса, иш кучининг таклифи талабдан юқори бўлади. Ишчилар ишсиз қолиш ҳавфи остида камроқ иш ҳақига кўнишга мажбур бўладилар. Иш ҳақи ставкаси тadbиркорга ҳамма ишловчиларни иш ҳақи бериб, ёллаш фойдали бўлгунча давом этади. Бу эса иш кучининг тўла бандлигига олиб келади.

Кейин жами талаб жами таклифни юзага келтиради, деган фикрни илгар и суради. Агарда жами талаб етарли бўлмаса, унда ишлаб чиқариш ҳажми тўла бандлик шароитидагига тенг

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 253 бет.

бўлмайди. Нархларнинг ўзгарувчан эмаслиги натижасида иқтисодиёт юқори ишсизлик ва тургунлик ҳолатида бўлади.

График (Илова, расм 19) кўринишида, ўзгарувчан бўлмаган нархлар Кейнсинг моделида жами таклифининг горизонтал қисмига туғри келади. Таклиф ишлаб чиқишни потенциал ҳажмига етганда, у вертикал кўринишга эга бўлади.

Агарда биз таклиф миқдори ишлаб чиқаришни реал ҳажми талаб билан аниқланади, деган қонладан келб чиқадиган бўлсак, унда жами талабнинг пасайиши (AD_1 дан AD_2 гача), ишлаб чиқариш ҳажмини Q_1 дан Q_2 гача пасайишига олиб келади.

Микроиқтисодиётнинг кейинсча талқини.

Бундай вазиятда жами талаб ва жами таклиф потенциал ишлаб чиқариш даражасидан йироқда, яъни ресурсларни тўла бўлмаган бандлик шароитида (Илова, расм 19) мувозанатланади. Бундай аҳвол узоқ муддат сақланиб туриши мумкин. Бу ҳол ўзидан-ўзи ўзгармайди. Бунинг олдин давлатнинг жами талабни рағбатлантиришга қаратилган фаол макроиқтисодий сиёсати билан олиш мумкин бўлади.

Юқорида қайд қилинган қарашлар назарий ва амалий аҳамиётга эга.

20-мавзу. ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЕСАТИ

1. Аҳоли даромадлари ва уларнинг шаклланиш манбалари

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бозор иқтисодиётининг асосий муаммоси ҳисобланади. Чунки — «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»,— деган эди Н. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» асариди¹.

Жамият тараққиётида моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, яратилган жами ижтимоий маҳсулотдан сарф этилган моддий ва меҳнат ресурслари харажатлари қонлангандан сўнг миллий даромад шаклланади. Жамият тараққиётининг омиллари меҳнат инвестиция ва ер эгалари ўртасида дастлаб ишлаб чиқариш неъматлари тақсимланади. Тақсимот микроиқтисодиёт даражасида корхона ва турли хўжалик бирланмалари ўртасида амалга оширилади. Бу иш ҳақи, фойда, фонд ва ер ренти шаклидаги даромадлардан иборат бўлади. Бу даромадлар бошланғич ва қайта тақсимот босқичларидан ўтади. Бу жа-

¹ Каримов Н. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 282-бет.

раёи моддий ишлаб чиқаришда бевосита тақсимот этганлардан ташқари қайта тақсимотга ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмаганлар ҳам иштирок этади.

Иш ҳақи жами даромадлар қисмида асосий бўлакни ташкил этади. Иш кучи бу инсоннинг моддий ишлаб чиқаришда фойдаланадиган меҳнатга лаёқати бўлиб, жисмоний ва руҳий кучи йиғиндисини ташкил этади. У ишлаб чиқаришнинг шахсий омилидир. Меҳнат эса кишиларни бирор мақсадга қаратилган фаолияти, иш кучидан фойдаланиш жараёни. Иш кучи ва меҳнат тушунчалари бир-бирларидан фарқ қиладилар. Инсон тadbirkor билан битим тузиш орқали маълум муддатга ўз меҳнатини сотиб иш ҳақи олади, ҳақиқатда эса у tadbirkorга ўз иш кучини идора этишни тузилган битим орқали топширади.

Иш ҳақи тўлаш усуллари вақтбай ва ишбай иш ҳақи усулларига бўлинади. Вақтбай иш ҳақи тўлаш меҳнат фаолиятини моддий неъматлар билан ўлчаб бўлмайдиган тармоқларда қўлланилади. Ишбай иш ҳақи усуллари асосан моддий неъматлар ишлаб чиқариш тармоқларида қўлланилади. Иш ҳақига таъсир этувчи омиллар ўша мамлакатда шаклланидиган анъанавий удувлар, ижтимоий-маданий эҳтиёжларни қондириш учун керакли маблағларни ташкил этади. Энг асосийси ишчи кучи қийматидир. У бозор иқтисодиёти шаронтида талаб ва таклиф иқтисодий қонунига асосланган ҳолда шаклланади. Иш ҳақлари номинал ва реал иш ҳақларига бўлинади. Номинал иш ҳақи бу маълум иш даврида бажарилган меҳнат учун тўланган ҳақ. Реал иш ҳақи эса номинал иш ҳақини иш вақт ичида яшаш даражасини таъминлашда ифодаланади.

Хулоса қилиб айтсак жамиятда аҳолининг даромадларига қараб табақалашуви мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг социал самараси кишилар фаровонлиги, яъни яшаш даражасида намоён бўлади. Кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёри яшаш даражаси дейилади.

Аҳолининг яшаш даражасига баҳо беришда асосий маҳсулот турларини жон бошига истеъмол қилиш, онла ўзига тегадиган қисмини пул даромади сифатида оладилар. Бу пул харид учун сарфланиб, эҳтиёж қондирилади. Бозор иқтисодиётида даромад олиш чекланмайди. Даромад деганда, нимани тушувиш керак? Даромадлар бу маълум вақт мобайнида олинган ва шахсий истеъмол учун товар ва хизматларни сотиб олишга мўлжалланган пул маблағлари суммасидир. Бозор иқтисодиёти шаронтида пул даромадлари тўрт манба асосида олинади: а) иш ҳақи; б) фойда; в) мулкдан олиннадиган даромад; г) ижтимоий тўловлар. Иш ҳақи даромадлар таркибий қисмининг асосини ташкил қилади. Иш ҳақи ёлланиб ишловчиларнинг ишлаб топган даромадидир. Иш ҳақи тирикчилик воситаларини харид этиш ва пул жамғар-

масини ҳосил этиш учун ишлатилади. Фойда тадбиркорларнинг пул сарфлаш, таваккал иш қилиб, хавф хатарини зиммасига олгани учун уларга тегадиган пул даромади ҳисобланади. Тадбиркорнинг фойдага эга бўлиши ёки уни бой бериши бошлаган ишнинг натижасига боғлиқ. Шунинг учун табиатан фойда кафолатланмаган даромад бўлиб, тез-тез ўзгариб туради.

Мулкдан олиннадиган даромад:

— дивиденд фойданинг акциядорларга улуш сифатида тегадиган қисми. У акция чиқарган корхонанинг рентабеллигига боғлиқ. Оддий акцияга тегадиган дивиденд кафолатланмайди. Корхона фойда кўрса дивиденд берилади, зарар кўрса берилмайди. Имтиёзли акцияларга бериладиган дивиденд эса кафолатланади;

— фойз пул эгаси ўз пулини ўзгаларга қарзга бергани учун оладиган даромади. Фойз қарзга берилган пул суммасига исбатан улуш даражасида белгиланади;

— рента кўчмас мулк эгаларини муқобил ишлатишдан олган даромади. Ер, иморат, квартиралар ва бошқалар ижарага берилиб, ундан даромад олинади;

— ижтимоий тўловлар давлат томонидан тўланадиган нафақалар ишсизлик бўйича тўланадиган тўловлар ва шу кабилардир.

Аҳоли даромадларининг моҳиятини тушунишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

— ҳар қандай жамиятнинг бирламчи бўлиши оиладир. Демак, даромадлар муаммоси, энг аввало, оилани жами даромадлари сифатида намоён бўлади;

— оила даромадлари уч манба асосида шаклланади. Иш ҳақи, ижтимоий тўловлар ва қўшимча (томорқа, транспорт ва ҳ. к.) олиннадиган даромадлар ташкил этади.

Маълумки, инсоннинг иқтисодий фаолияти унинг учун даромад олиш билан якунланади. Даромад хилларининг асосий қисми пул шаклига эга, чунки яратилган маҳсулотдан одамлар ўз ҳиссаларини сарф этган меҳнатларига қараб ишлаб чиқарилган маҳсулотдан пул шаклида оладилар.

Аҳоли яшаш даражасини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$Yd = \frac{Mx}{Ac}$$

Бунда: Yd — аҳолининг яшаш даражаси;

Mx — истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми;

Ac — аҳоли сони.

«Аҳоли яшаш даражаси»ни ҳисоблашда ҳисоб боши нуқтаси бўлиши зарур. «Истеъмол савати» шу нарсани ташкил этади.

Истеъмол савати маълум истеъмол даражасини таъминловчи товар ва хизматлар тўпламини ўз ичига олади. Шундан келиб

чиққан ҳолда истеъмолни «Минимал» ва «Рационал» даражаси фарқланади. Унда биринчи истеъмол қилишнинг энг қўйи ёки камбағаллик даражасини кўрсатади. Истеъмолни «Рационал» даражаси инсон учун «яхши» истеъмолни таркибинин ва миқдорини кўрсатади. Аҳолини яшаш даражаси сифатида меҳнат қилиш шароитлари ва хавфсизлиги яшаш муҳитининг аҳволи, бўш вақтнинг мавжудлиги, ундан фойдаланиш каби кўрсаткичлар орқали аниқланади.

Даромадларни реал ва номинал шакли фарқланади:

— номинал даромад пул шаклидаги жамки даромадни ўз ичига олади. Бу даромад турмуш даражасини инфодаламайди, чунки қанча поз-неъматлар истеъмол этилганлиги нарх-навога ҳам боғлиқ. Моддий фаровонлик даражаси реал даромад билан белгиланади;

— реал даромад, истеъмол товарлари ва хилма-хил хизматларда инфодаланган даромад бўлиб, пул даромадини харид қобилиятини билдиради, турмуш даражасини умумлашган ҳолда тавсифлайди. Реал даромад жамки пул даромадларидан, турли тўловнинг чегириб ташланганидан кейин қолган қисми соф пул даромадини нарх ўзгаришларига қиссан ҳисоблаш орқали топилади.

Реал даромаднинг ошган ёки пасайганлиги реал даромад (Pd) да инфодаланилади ва пул даромади индексининг ($Ид$) нарх индексига ($Ии$) бўлган нисбати билан ўлчанади.

$$Pd = \frac{Ии}{Ии} \cdot 100\%$$

Pd — реал даромад;

$Ии$ — пул даромади индекс;

$Ии$ — нарх индекс.

2. Даромадларнинг тенгсизлиги ва унинг сабаблари.

Лоренц эгри чизиги

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг даромад олишдаги тафовутлари кучаяди. Шунинг учун «аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса ўз навбатида, ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир, бошланган ўзгариш ва покланиш жараёни орқага қайтишга йўт бермайдиган ижтимоий таянчдир... Шу сабабли бозор механизми жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдидан кўриб қўйилиши объектив заруриятдир», деган эди И. А. Каримов¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сарфи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 282-бет.

Бозор иқтисодиётида даромадларнинг тенгсизлиги ва уларнинг фарқлигини хосдир. Даромадлардаги тенгсизлик кишилар ишлаб топган пул миқдорига катта фарқлар бўлишини билдиради. Тенгсизлиكنи асосан пайдо этадиган омиллар қуйидагилар:

— кишиларнинг иш қобилиятлари, яъни куч-қуввати, ақл ид-роки, салоҳияти, заковати бир хил эмас;

— билим олиш, касб эгаллаш, малакани ошириш имкониятлари бўлган ва иш топиладиган жойида даромад кўп бўлса, бундай шароитлар йўқ жойда даромад оз бўлади;

— тенгсизлиكنи онла таркиби ҳар хил бўлиши ҳам юзага келтиради. Агар онла таркибида пул топарлар кўп бўлса, унинг жами даромади кўп бўлади. Аксинча бўлса, даромад оз бўлади;

— даромадлардаги фарқни бозор ҳолатлари ўзгаришлари ҳам юзага келтиради. Бу айниқса тадбиркор даромадига таъсир этади. Бозорда кутилмаганда, нарх ошиб кетса, тадбиркор катта даромад топади ва аксинча бўлса, кутилган даромад ҳам олинмайди.

Тенгсизлик юзаки қараганда, адолатсизлиكنи билдиради, аммо адолатли ва адолатсиз тенгсизлик мавжудлигини ёддан чиқармаслик керак. Юқори малакали, демак юқори унумли меҳнат учун паст иш ҳақи олишдаги тенгсизлик адолатсиз тенгсизликдир.

Шунингдек, тадбиркорликда ҳам шахсий хусусиятлар ва таваккалчилик даражаларига нисбатан юқори ёки паст фойда олишдаги тенгсизлик ҳам адолатсиздир. Ёки дивиденд, рента каби даромадлар ҳам адолатлидир. Адолатсиз даромадлар ва тенгсизлиكنи ҳам инкор қилиб бўлмайди. Биржадаги курс ўзгариши ҳисобига бирданига катта фойда олишда адолатсизлик бор. Бу фақат омаднинг ўзи. Чунки бу чайқовчилик мазмунидаги даромаддир. Ириқ пулдорларни банкка пул қўйиб, катта даромад олиши ҳам адолатли эмас. Чунки бунда ҳеч қандай меҳнат, уриниш, ўйлаб кўриш ҳам содир бўлмайди.

Даромадлардаги тенгсизлик табиий ҳол бўлиб, даромади озларни яхши ишлаб пул топишга ундайди. Даромадлардаги тўғри фарқлар аҳоли жоп бошига тўғри келадиган даромад суммасига қараб аниқланади. Бунинг учун онла кўрган яъни даромаднинг унинг аъзолари сонига бўлинад. Мамлакат аҳолисининг даромадлардаги тафовутлар даражаси таҳлил этилганда, 10% бой аҳолининг даромади билан 10% камбағал онлалар даромади билан таққосланади. Даромадларни потекне тақсимлашини Лоренц эгри чизиғида (Илова, расм 20) тасвирланади.

Чизмада агар даромад тенг тақсимланиб, онла ҳиссаи билан даромад ҳиссаи бир хил бўлганда, даромад чизигини тўғри бўлишини кўриш мумкин (А нуқтадан С нуқта орқали Ё нуқтагача). С нуқта 60% онла 60% даромадни олганда, бу даромад те-

жис тақсимланишини кўрсатади. Амалда бундай бўлмайди. Ойла-ларнинг жамият миқёсидаги умумий даромаддан олган ҳиссаси бир хил бўлганидан, масалан 20% ойла даромадларининг 50% ни олганидан даромад чизиги эгри чизик шаклига киради. (АЕ чизиги) даромадларининг умумий миқдори билан унинг тақсимланиши ўртасида алоқадорлик бор. Умумий даромад кам бўлган шароитда унинг тақсимланиши кескин ўзгариб туради, даромад кўп бўлганда эса, тақсимланиши бир меъёрга барқарор боради. Ривожланган жамият бой бўлганидан бундай жамиятдаги киши-ларнинг даромадидаги тафовутлар кам бўлади.

3. Камбағаллик, ижтимоий тенглик ва адолат

Ижтимоий тенгликни таъминлаш учун республикада кўп ижтимоий-социал тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан «кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилади, бу эса аҳолининг тўлов қобилиятини сақлаиб қолишини таъминлади ва турмуш даражасини кескин пасайиб кетishига йўл қўймайди... Шу тариқа биз энг кам, иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақини, пул даромадларини ҳам ўз-ўзида кўтара бордик. Бу тизим турли тоифадаги ходимлар меҳнат ҳақи даражаси ўртасида энг мақбул нисбатларни таъминлади, иш ҳақини бевосита сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ қилиб қўйди, аҳолининг даромадлари даражасида асосан катта тафовут бўлишига ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига йўл бермади», деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов¹.

Тенгенглик бор жойда камбағаллик муаммоси ҳаминша мавжуд. Бозор иқтисодиётига умуман тўқчилик хос бўлса-да, аммо аҳолининг маълум қатламлари камбағал ҳисобланади. Ҳозирги жамиятнинг асосий иллатларидан бири қашшоқликдир. Жаҳондаги бирорта ҳам мамлакат, ҳатто энг бой мамлакат ҳам ҳозирча ундан қочиб қутила олмаган. БМТ Бош Ассамблеяси 1996 йилги қашшоқликни тугатиш Халқаро йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтish даври қашшоқлик муаммоси яна чуқур ҳис этилади. Бу ҳол энг аввало камбағаллар тоифасига ижтимоий пачор гуруҳлардан ташқари аҳолининг илгари улар жумласига кирмаган гуруҳлари, шу жумладан даромадлари ўртача ёки ўртадан юқори даражада бўлганлар гуруҳларига мансуб кўплаб кишилар ҳам кириб қолиши билан боғлиқдир. Ри-

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 285-бет.

вожланган бозор иқтисодиёти шароитида даромад кўп бўлганидан давлат бойлар даромади ҳисобидан камбағаллар даромадини ошириб боради. Лекин аҳоли ўта бой, ўта камбағаллар ажралиб қолади. Лекин даромадлар қанчалик алоқатли бўлмасин, юқорида таъкидланганидек камбағаллик муаммоси сақланиб қолади. Агар кимнингки даромади унинг энг зарур минимум тирикчилик талаб эҳтиёжини қондириш учун етмаса, шу камбағал ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда кимнинг камбағал эканлиги онла даромаднинг онла жон бошига тўғри келадиган миқдорига қараб аниқланади ва онла тирикчилигининг минимал қийматига нисбатан баҳоланади. Агар даромад жонбошига тирикчилик қийматидан past бўлса, онла камбағал ҳисобланади. Албатта, камбағаллик мезони мамлакатдаги турмуш даражасига ҳам боғлиқ. Масалан, агар Германия учун камбағал онлада жон бошига йиллик даромад 3000 марка бўлса, шундай даромадли онла Ҳиндистонда тўқ онла ҳисобланиши мумкин. Шундай қилиб, камбағаллик чегараси ҳар бир мамлакат шароитида ўзига хос хусусиятга эга.

Бозор иқтисодиётига хос умумий яна бир қонда камбағаллар сонини ва салмоғининг қисқариб боришига мойиллигидир, чунки ишлаб чиқариш ўсиши билан кам даромадли онла ўрта ва кўп даромадлилар қаторидан ўрин олади.

Бунинг учун жамият доимо камбағалликни тугатиш йўлидан боради. Биринчидан — давлат камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиб беради. Иккинчидан — камбағалларга давлатнинг ва фирмаларнинг моддий ёрдам бериши ташкил қилинади. Лекин агарда камбағалларга кўрсатилган гамхўрлик бир томондан нисонийлик бўлиб, аҳолининг қашшоқланишидан сақлаш бўлса, иккинчи томонидан бундаги ортиқчалик меҳнатга нитилишни насайтириш ва умуман, иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун албатта унинг ижобий чегарасини топа биллиш муҳим аҳамиятга эга. П. Самуэльсон ва В. Нордхауснинг фикрича, бу оилада тўқин-сончилик ва бошқасига камбағаллик мавжуд бўлса, талаб ва таклиф ёмон ишлаши бозор механизмининг айби билан эмас, балки даромад тақсимотининг камчилиги ва номукаммаллиги туфайли юз берадиган ҳодисадир. Бунга давлат қайта тақсимлаш, орқали ёрдам бериши мумкин. Шундай келиб чиққан ҳолда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини кўриб чиқамиз.

4. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш

Цивилизацияси юқори даражада ривожланган жамият учун бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши зарур ҳолатдир. Бу нисон маънафати ҳимояси, унинг турмуш даражаси муаммосидан

келиб чиқиб, жамият бозор муносабатлари камчиликларига, улар юзага келтирган салбий оқибатларга бепарқ бўла олмайди. Бозор ривожининг ижтимоий йўналишида бўлиши, ҳозирги замон талаби бўлиб, бу соҳада, айниқса тараққий этган мамлакатлар тажрибаси катта.

Камбағаллик, ишсизлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммолари бозор иқтисодиёти тараққиёти натижасида ўзгариб бормоқда. Чунки цивилизацияси ривож топган бозор иқтисодиёти ўзининг ижтимоий йўналиши билан даромад даражасини кўтармоқдаги, бу жамият учун ижобий ҳодисадир.

Бундай иқтисодий тараққиёт даражасида инсонпарварлик тамойилларининг моддий асослари яратилган бўлиб, бойлар ва камбағаллар қарама-қаршичилигини кескинлигини йўқолади. Иқтисодиётнинг демократик тамойили устуңлиги таъминланиб, мулкдорлар кўпаяди. Ишчи кучи эгаларининг айни вақтда мулк эгаси бўлиши имконияти кўпаяди. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши икки томонлама амалга ошиб боради. Биринчидан, мулк эгаларининг фаолияти тадбиркорликнинг ривожланишидан иборат. Мулк турларидан қатъий назар, капиталми, иш кучими, ерми, пулми барибир ҳар бири ўз мулкидан фойдаланишни кўпайтиришига ҳаракат қилади, унинг унумдорлигини ошириб, самарасини кўпайтиради. Иккинчидан, давлат ортқича даромадга эга бўлганларнинг бир қисм даромадларини марказлаштириб, камбағалларга тақсимлаб беради ва бу уларнинг фаровонлигини таъминлаб бориши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Умуман мулкдорлар ичида нуфузли бўлишига ҳаракат қилиши асосан инсонийликни таъминлаш, инсонпарвар бўлишига ундайди. Бу эса бозор иқтисодиётидаги ижтимоийликнинг энг муҳим омилларидандир. Демак, бозор иқтисодиётининг ўзи ижтимоий йўналишда бўлиб, фаровонликни таъминлаб боради.

Лекин даромадлардаги тафовутлар, турмуш даражасидаги наест-баландлик, камбағаллик муаммолари мавжуд бўлиб, доимо ижтимоий ҳимояни кўндаланг қилиб қўяди. Биз биламизки, бевосита меҳнатсиз даромад оладиганларнинг сони ҳам катта, булар асосан меҳнатга поллойиқ одамлардир. Буларнинг асосини нафақахўрлар ташкил этади. Иқтисодий нуқтани назаридан ҳимояга муҳтож бўлганлар, асосан шулардир, демак бозор иқтисодиёти шуларнинг турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Цивилизация шароитида меҳнатга поллойиқ одамларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш бозор таъсиридан ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг бурчи бўлиб, замонавий нафақа тизимини амалга ошириш, унинг ўз фуқароларига муносабати ёки катталарни иқтисодий қарамликдан қутқариб, турмуш даражасини пасайишига йўл қўймаслигини давлатнинг ҳақиқий инсонпарварлик вазифасини адо этишлик даражасини белгилаб беради.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда «пархларни эркинлаштиришлиши ва пулли қадрсизлашни даражаси ортиб бориши мунсабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириши ижтимоий ҳимоялаш чора тадбирлари тизимидаги энг устуи йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади... ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ...аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш, ...ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадга ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши, ...маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий ҳатти-ҳаракати таркиб топиш, ...ижтимоий кўмаклашувда аҳолининг аниқ талабларини мўлжаллаб иш тутиш, шу мадданинг имкони борича кўпроқ самарали бўлишига эришиш чоралари тўла-тўқис ҳисобга олини лозим»,— деган эди Н. А. Каримов¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барча соҳаларда бўлганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Биринчи навбатда камбағаллашув ўсади, ишсизлик кўпаяди, муҳтожлик ошади. Маълумки, ишга яроқсизлар — погиронлар, қариялар, кўн болалар ондалар тўла давлат таъминотидадир. Ўзбекистонда нафақа тизими бир неча бор такомиллашиб, юзага келган оғир шароитларни эътиборга олган ҳолда ҳар томонлама замон талабига жавоб бера оладиган даражага етказилган. Нафақа даражаси турмуш даражасидан жуда кам фарқ қилади. Шу билан бирга аҳолининг барча қисми бу тизим билан қамраб олинган. Ҳозир даромадсиз ҳеч ким қолмаган. Илгари эса фақат меҳнат қилган вақти асосида нафақа белгиланиб, кўпчилик меҳнатга ласқати йўқлар нафақа олмас ва ҳаддан ташқари иқтисодий оғир аҳволда қолар эдилар.

Айниқса бундай аҳвол қишлоқ жойларда кўп бўлиб, кўпчилик аёллар шундай шароитда эдилар. Ҳозирги кунда барча қандайдир даромадга эга, нафақалар тури кўпайган.

Кўн болалар оналар фарзанд кўраётганлар болалигидан погирон бўлиб меҳнат ласқатини йўқотганлар ва шунга ўхшаганларнинг ҳаммаси тўла ижтимоий ҳимоя остига олинган. Нафақаларнинг энг паст миқдори белгиланган. Талабалар аскарлар ҳам тўла давлат ҳимоясидадир. Даромадга таъсир кўрсатувчи давлат томонидан қўлланиладиган чора тадбирлардан яна бир тури маълум мутахассисларга белгиланган имтиёзлардир. Масалан уруш қатнашчилари байналминилчилар, ўқитувчилар тиббиёт хизматчилар, аскарлар кабиларга бир қанча иқтисодий енгилликлар тугдирлади. Булар қаторига шахсий даромад солиғидан озод этиш ёки имтиёз бериш, уй жой тўлови, коммунал хизмат ҳақи

¹ Каримов Н. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 284—285, 291, 295, 299-бетлар.

тўлашга имтиёзлар киради. Маълумки бундай имтиёзлар шахсий даромадга ижобий таъсир кўрсатади. Аҳолининг даромади билан боғлиқ бўлган ижтимоий муҳофазанинг энг инсонпарварлик хусусияти шуки, у инсоннинг иқтисодий эркинлиги, иқтисодий ва жисмоний ҳаётини белгилаш билан боғлиқдир. Бу эса инсон учун энг муҳим масаладир. Бу масалани тўғри ҳал қилиш давлат етуклик даражасидан далолат беради. Ўзбекистон давлатининг иқтисодий ҳимоя соҳасидаги алоҳида қайд қилишга сазовор томони болалар тақдир, уларга инебатан алоҳида ғамхўрлик, алоҳида эътибор билан қарашдир. Мамлакатимизда «Соғлом авлод» дастури асосида катта-катта инлар амалга ошмоқда ва бу билан боғлиқ тармоқлар ўз фаолиятини кучайтирмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг энг асосий омиллари бу ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш, давлат маблағлари билан меҳнат жамоалари, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари жамғармаларининг маблағларини кенг фойдаланиш, инсонларнинг куч қобилиятларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлашга лойиқ бўлган кучли бошқариш механизми вужудга келтириш. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражалари ўртасида асоссиз катта фарқларни олдин олми ва ижтимоий барқарорликни шакллантириш. Шу билан бирга қашшоқликка қарши курашишдан иборатдир.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисодиётининг таркибий қисмига айланиб кетади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳимоялаш асослари ўтиш давридаёқ шаклланиши зарур, бундаги кечикиш бозор соҳасидаги муваффақиятларга тескари таъсир кўрсатиши турган гап. Бунинг олдини олиб бориш айни вақтда бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради ва бундаги оғирлик, йўқотишларни камайтиради. Иқтисоди ривожланган кучли мамлакатлар тажрибалари бозорни бошланғич давридаёқ унинг ҳаракатига ижтимоий йўналиш мазмунини бериш цивилизацияли бозор иқтисодиётини яратишдаги зарур шарт эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, зиммага олинган вазифаларни амалга оширишда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаолигини кучайтириш жуда муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

IV БУЛИМ

ЖАҲОН ХУЖАЛИГИ

21-мавзу. ЖАҲОН ХУЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

1. Жаҳон хўжалигининг моҳияти, унинг ривожланиш босқичлари ва тенденцияси

Ҳар қандай давлат ўзининг иқтисодий тараққиётини ўзга мамлакатлар билан иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларисиз тасаввур эта олмайди. Бу халқаро меҳнат тақсироти, жаҳон бозори, жаҳон савдоси, байналминнал кўламда ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш кучининг халқаро характерига таъсири каби омилларнинг ривожланишини талаб этади. Мамлакатларнинг миллий хўжалик яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда халқаро меҳнат тақсироти асосида жаҳон хўжалиги шаклланади.

Ер юзидаги ишчи кучининг 50 фоизи кам ривожланган мамлакатларда жойлашган бўлиб, бутун дунёда олинаётган даромаднинг 5 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. АҚШда 6 фоиз ишчи кучи жойлашган бўлиб, жаҳон бўйича яратилган даромаднинг 25 фоизи унга тегишлидир. Ҳозирги вақтда жаҳон хўжалиги давлатлари қуйидаги гуруҳга бўлинади: қолоқ, ривожланаётган, ривожланган (ёки индустриалашган) шунингдек, ҳозирги вақтда жаҳон хўжалигида янги индустриал мамлакатлар (Мексика, Бразилия, Аргентина, Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Малайзия, Сингапур) «Нефть қироллари» (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқа) деб аталган мамлакатлар гуруҳи юзага келди. Булар бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар бўйича айрим ривожланган давлатлар даражасига яқинлашиб қолдилар.

Умуман иқтисодий ўсиш омиллари, яъни меҳнат ресурси, табиий ресурслар, капитал, технологик ривожланиш ҳамма мамлакатларда ҳам бир хил эмас. Лекин ҳар қайси давлатда иқтисодий ривожланиши учун ушбу омиллардан фойдаланишга ёпишмиш тактикаси тadbирлари турличадир.

Жаҳондаги барча ривожланган, ривожланаётган ва янги мустақилликни қўлга киритган давлатлар ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётларини халқаро иқтисодий, моддий-техникавий ҳамкорликсиз тасаввур қила олмайдилар. Ўзбекистон Республикаси

мустақилликка эришганидан сўнг мустақил ташқи иқтисодieti-ни шакллантириб бормоқда. Чунки собиқ тоталитар социалистик тузуми даврида ташқи иқтисодий алоқаларда давлат якка ҳокимлиги ва иқтисодий алоқалар марказдан бошқарилар эди. Ушш даврида очиқ иқтисодиёт пойдеворини асоси снсий ҳуқуқий ва ташкилий негизлари шаклланди. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республика Президенти Н. А. Каримов шуидай деган эди: «Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини мустақил равишда белгилашни, ...маъмурий чеклашларни, ...умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва қондалар, ташқи савдон бошқаришининг, бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни долзарб вази-фа қилиб қўйди»¹.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар кейинги ўн йиллик ичида чуқур иқтисодий кризисларни ўз бошларидан кечирмоқдалар. Ҳозирги замон иқтисодиётини таркибини шакллантириши учун биринчи навбатда аҳамиятга эга бўлган энг илгор, техника жиҳатдан мураккаб бўлган саноат тармоқларини кенгайтириш билан ифодаланади. Ишлаб чиқаришининг байналминиллашуви, иқтисодий ривожланиши фан-техника тараққиётининг асосий шарти бўлиб бормоқда. Лекин ишлаб чиқаришининг ва капиталнинг байналминиллашуви давлатларнинг ўзаро иқтисодий алоқалар йўналишининг кучайиши жаҳон хўжалиги тизимидаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини кўпроқ халқаро монополияларга қарам қилиб қўймоқда. Юқориди айтилганлар жаҳон хўжалигининг моҳиятини очишга имкон беради. Яъни ҳозирги замон хўжалиги халқаро меҳнат тақсимотида қатнашаётган ва халқаро иқтисодий муосабатлар тизими билан боғланган айрим мамлакатлар миллий хўжаликларининг бирлашувида иборатдир. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигига давлатларнинг ўзаро боғлиқлигини ўсиши билан бирга айрим регионларни ривожланишидаги номуносиблик, рақобат курашининг кучайиши, чет қолоқ ўлкаларининг индустриаллашган марказларга бўйсунинишини кучайиши ҳам характерандир.

2. Жаҳон хўжалигининг субъектлари, унинг тузилиши ва инфратузилмаси, халқаро иқтисодий интеграция, унинг турлари ва моҳияти

Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларининг байналминиллашувини ривожлантириб бўлмайди. Буидий инфратузилмасининг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топа-

¹ Каримов Н. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 266-бет.

ётган вақтда пайдо бўлган эди. Ҳозирги замон хўжалиги инфра-тузилиши кема, самолёт, поезд, автомобиль транспорти тизими, халқаро газ, нефть маҳсулотлари қувурларини, электр энергиясини етказиб бериш, тармоқларга ахборот етказиб бериш комму-никациялари телефон, радио, телевидение, компьютер тизими халқаро биржалар, молия марказлари, банклар тизимини ўз ичига олган. Ҳар бир юк ташини тури, денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл, автомобиль йўли учун ҳам уларнинг ишлаш шароитлари портлар пассажирлар ташини ва ҳоказолар учун умумжаҳон ўлчовлари мавжуддир. Чунки бу масалаларни келишиб туриб, ҳал этишигина барча мамлакатларни жаҳон транспорти йўлларида фойдаланиш имконини беради.

Турли халқаро даражада махсус маълумотлар босқинчилари ташкил топмоқдаки, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча қисқартиради.

Шунингдек жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бар-тараф қилиш орқали ривожланмоқда, булардан бири транспорт, алоқа, ахборот тизимлари ўтасидаги рақобатлар, зиддиятлардир. Ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиёти тўғ-рисидаги стратегик маълумотларни тайёрлаш, ҳисоблаш ишларини бирхиллаштурувчи жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқли ва ўзаро ман-фаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралаш-маслик... бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслик... Ўз миллий давлат манфаатларимизга асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъий назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилайверишига аҳд қилган-миз»,— деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов¹.

Мамлакатлараро интеграция ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги анча юқори даражада ривожланганлиги ва ишлаб чиқариш-нинг умумлашуви натижасида юзага келган бўлиб, ўз навбатида ишлаб чиқариш ва капиталларнинг байналминналланиши жараёнининг тезлаштиради. Мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимо-тини чуқурлаштиради, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва самарадорлигини ортишига шароит яратади. Интеграция қанчалик мувофиқ ривожланса, меҳнат тақсимо-ти шунчалик чуқурлашади ва айрим тармоқлар, айниқса монополистик бирлашмалар ўрта-сида ўзаро кооперация алоқалари шунчалик кенгайди. Айнан юқори даражада меҳнат тақсимо-ти ва интеграция жараёнининг юқори кўриниши ривожланган регион Ғарбий Европа ва Шимо-лий Америкада юзага келди.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 266—267-бетлар.

Ривожланаётган мамлакатларда эса регионал интеграция ҳозирча бир қанча қийинчиликларга тўқнаш келмоқда. Бу асосан ҳар қайси мамлакат ҳўжалиги ихтисослашувининг бир типини билан боғлиқдир. Тарихда мамлакатлар ўртасида интеграциянинг биринчи ва энг ривожланган шакли бу Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ҳисобланади. ЕИУ 1957 йилда Ғарбий Европа мамлакатларидаги: Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Бельгия ва Люксембург ўртасида ўзаро бож чегараларини йўқотиш ва «умумий бозорни» барпо этиш мақсадида тузилган бўлиб, кейинчалик Англия, Дания, Греция, Аргентина, Испания, Португалия ҳам қўшилди.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳўжалиги учта бош марказ АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония таъсири ва уларнинг ўзаро пойғаси асосида шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Халқаро, бозорни эгаллаш учун курашда ҳар қайси учта марказ жаҳон ҳўжалигидаги ўз ўрни ва имкониятига эга. АҚШ жуда йирик ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалларига эга. Шу билан бирга кўп табиий ресурслар билан ўзини-ўзи таъминлайди, мамлакат ташқарисида катта миқёсда капитал, бақувват ТМҚ асосида ташқи иқтисодиётда ҳаракат қилиб турибди.

Чуқур илмий тадқиқотларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши, эски материал сарфига асосланган тармоқларни чег эл рақобатидан ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу жараённинг зиддияти шундан иборатки, бир томондан анъанавий бўлган тармоқлар қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноатларини сунъий равишда қўллаб туриш умуман ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхта-тиб қўяди. Бошқа томондан эса қтисодиётнинг айнан шу соҳада паст малакали ишчи кучининг нисбатидан катта миқдори жамланган бўлиб, у тармоқларнинг кескин пасайиши социал келишмовчиликларни кескинлаштириши мумкин. Ривожланган давлатлардан келаётган тўқимачилик пойафзал, маиший электротехника товарлари Америка ва Ғарбий Европа бозорларини жуда тез эгалламоқда. Шу билан баробар техник жиҳатдан мураккаб бўлган буюмларни етказиб берувчилар ўртасида ҳам рақобат кураши кескинлашмоқда.

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, ҳар қайси мамлакат ҳўжалигини, бошқа мамлакат аҳолисини турмуш шароитини ёмонлашувига боғлиқ қилиб қўймоқда. Кризис кўринишлари жаҳон ҳўжалигини бир қисмини бошқа қисмига кўчишини тезлаштирмоқда. Бирон-бир мамлакат ёки регионда валюта курси фоиз ставкаси товар ва фонд биржаларида баҳонинг ўзгариши занжирли ҳалқасимон шаклларда бошқа мамлакатларда ёйилмоқда жаҳон ҳўжалиги тараққиётининг беқарорлиги унинг ривожланиши марказга интилувчи ва марказдан

қочувчи тенденциялар ўртасида курашни кескинлашувига олиб келмоқда, натижада аҳволни мувофиқлаштиришга фаол уришни бўлишига қарамасдан жаҳон хўжалиги зиддиятларини иқтисодий ва сийсий ривожланишда потекисликларни, алоҳида мамлакатлар, гуруҳлар, регионлар ўртасида кучлар мувозанатини доимий ўзгартириш турлини келтирмоқда.

3. Капиталнинг халқаро интеграцияси моҳияти, турлари, динамикаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Биз ташқи иқтисодий фаоллигини ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қўйидаги таъминларга асосланади:

биринчидан — ташқи иқтисодий фаоллигини янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сийсат юритиш;

иккинчидан — республика иқтисодиётига капитал маблағини кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан — республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сийсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан — маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардорли маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ўстивор йўналишларда жамлаш¹, — деган эди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар системаси асосан ўз ичига:

— халқаро савдода товар ва хизматлар ҳаражатини;

— капитал ҳаракатини ва чет эл инвестицияларини;

— иш кучи миграцияси;

— фан ва техника соҳасидаги ўзаро алоқаларини;

— валюта кредит муносабатларини олади.

Капитал асосан четга чиқариш катта фойда олиш мақсадида амалга оширилади. Четга капитал чиқариш, агарда бу бошқа давлатларда юқори фойда нормасини таъминласа амалга оширилади. Бунга асосий сабаб:

а) агарда мамлакатларда капитал жамғариш даражаси ички талабга нисбатан юқори бўлса, бу капитал монопол фойда олиш учун ўз капиталларини унга муҳтож бўлган ва юқори монопол фойда берадиган давлатга чиқарилади;

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 277-бет.

б) талаб ва таклифни жаҳон хўжалиги тараққиётига мос келмаслиги давлатларни нотекис иқтисодий тараққиётига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам капитални ўз иқтисодиётлари тараққиётига жалб қилувчи давлатлар иложи борича иқтисодга кириб келаётган капиталларга тўлиқ шарт шароитлар яратадилар;

в) капитални импорт қилаётган давлатларда хом ашё, ишчи кучи арзон бўлса, истемол бозори мавжуд бўлса;

г) ишлаб чиқаришнинг интеграцияланишуви ҳам капиталларни четга чиқаришнинг асосий сабаби бўлади.

Капитални четга чиқариш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Тўғри инвестиция ёки соҳибкорлик (яъни саноат савдо ва бошқа корхоналарда):

2. Портфелдаги инвестиция яъни чет эл облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларда;

3. Ўрта ва узоқ муддатли халқаро кредитлар ёки савдо корпорациялари банк ва бошқа молиявий ташкилотларга қарз ссуда капиталида;

Портфелдаги инвестиция йирик корпорациялар давлат ва хусусий банклар орқали чиқарилган облигациялари маблағ билан таъминлаш учун чет эл капитални жалб этишнинг энг асосий манбаидир. Бунда йирик инвестиция банклар воситачилик қилдилар. Бу инвестицион облигацияларнинг ҳаракати (сотилиши) айрим мамлакатларнинг тўлаётган фонд ставкаси нормасининг фарқига боғлиқ. Урушдан кейинги даврда четга капитал чиқариш шаклида сезиларли ўзгариш рўй берди.

Халқаро ссуда капитали — пул бозори ва капитал бозорига бўлинади.

Пул бозори — бу асосан қисқа мудатли (бир йилгача) бўлган кредитдир. Унинг ёрдамида корпорациялар вақтинчалик етишмаётган айланма маблағлар ўрнини тўлдирдилар.

Капитал бозори — икки йилдан ўн йилгача бўлган ўрта муддатли кредитлар ва ўн йилдан ортиқроқ, яъни узоқ муддатли қарзлардан иборат бўлиб, облигацияларни чиқариш ва сотиш шаклида бўлади.

Кейинги вақтларда халқаро бозорда ссуда капиталининг анъанавий бўлмаган шакллари, яъни соҳибкорлик капиталига яқин бўлган айнан очиқ саноат лойиҳаси учун йўналтирилган усуллари қўлланилмоқда. Халқаро кредит бозорининг тез суратда ўсиши жаҳон хўжалигининг ривожланишига икки томонлама таъсир кўрсатади. Бир томондан халқаро иқтисодий алоқалар механизминини самарадорлигини оширмоқда ва капиталга халқаро тақдор ишлаб чиқаришни таъминламоқда. Бошқа томондан эса халқаро миқёсида сохта капиталнинг жамғарилишидаги мавжуд жараён ўртасидаги фарқни орттириб иқтисодиётнинг зиддиятларини

кескинлаштирилмоқда. Капиталнинг назоратсиз ҳаракати оқиб юриши тўлов баланси мувозанатини бузмоқда ва валюталар курсини беқарор бўлишига олиб келмоқда. Бу давлатнинг иқтисодий бошқа давлатнинг хўжалик иқтисодий ва сиёсий ҳолатига боғлиқлигини халқаро ссуда капитали бозори эса давлатлар ўртасида рақобат ва пойгани кучайтирмоқда.

Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишини истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин.

4. Меҳнат ресурсларининг халқаро миграцияси

Бозор иқтисодий жамият аъзоларининг меҳнат қилиш қобилиятларидан кенг фойдаланиш учун ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратади. Республикада ўтказилаётган хусусийлаштириш сиёсати натижасида турли мулкчиликка асосан ишлаб чиқариш шаклланди. Бу ҳар бир кишига ўз ишини ташкил қилишда шарт-шароитлар яратиб берди. Ташкил этаётган кичик корхоналар катта инвестиция маблағларини жалб қилмасдан туриб, қўшимча ишчи ўринларини вужудга келтириш мумкин. Республикада макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришишда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврдаги стратегияси устивор базисларидан бири деган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг технологияларга, халқнинг тарахий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларни барпо этиш»дир¹.

Халқаро ишчи кучи миграцияси ҳам жаҳон хўжалиги миқёсида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. 90 йилларда жаҳонда банд бўлган ишчиларнинг 25 млн. яқинроқ ишчи кучи миграциясига тўғри келиб, асосий ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ишчи кучи миграцияси қонуний ва ноқонуний миграцияга бўлинади. 90 йилларда 5 млн. яқин ишчи кучлари ноқонуний равишда бир давлатдан иккинчи давлатга ўтганлар. Кейинги даврларда ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам ишчи кучи миграциясини кўриш мумкин. Айниқса, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига бўлган қизиқиш катта. Бу мамлакатлардан аҳолининг 65% четдан келган аҳолини ташкил этади. Масалан: қатор давлатларда ишчиларнинг 85% чет элликлар, Бирлашган Араб Амирлигида эса 90% ни ташкил этади.

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 382-бет.

Собиқ Иттифоқ емирилгандан сўнг аҳолининг четга чиқishi собиқ иттифоқ республикаларида тезлашди. Ҳозир чет эл давлатларида 20 млн. яқин собиқ фуқаролари яшайдилар, шулардан 8% га яқин меҳнат қилиш шароитига эга эмаслар, гарчи аксарияти олий маълумотли, малакали мутахассислар бўлса ҳам. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг чет элларда яқка тартибда фаолият қилишлари учун шароитлар яратилган.

Ўзбекистон аҳолисининг сони ва таркиби шунингдек иқтисодий ва ижтимоий тараққиётлар даражаси билан бошқа регионлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқлар табиий тарихий миллий ва ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. Узоқ вақт давомида жумҳурият учун аҳоли ўсишининг мустамлакатини характерли бўлди. Яъни туғилишининг юқори коэффициенти-га ўсимларнинг ундаи кам бўлмаган даражаси тўғри келарди. Фақат кейинги йилларда табиат ва соғлиқни сақлаш соҳасида илгирроқ тажрибани қўллаш шаҳарларда халқ турмуши даражасини яқинлашга бир мунча таъсир кўрсатди. Табиий ўсиш асосан қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келмоқда. Шаҳар аҳолисининг ўсишига туғилиши билан бир қаторда миграция жараёни ҳам нолга таъсир кўрсатмоқда.

Аҳолининг табиий ўсиши билан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоси келиб чиқмоқда. Иш жойларини қуриб, фойдаланишига тошириш аҳоли табиий ўсишидан сезиларли даражада орқада қола бошлади. Халқ хўжалигининг ҳозирги тузилишини меҳнатга яроқли аҳолини барчасини ўз бағрига олишга қодир эмас.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги босқичи меҳнат ресурслари малакасини ошириш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бозор иқтисодиётига ўтиш мубоабати билан фан ва техника ривожининг ортинги ва айниқса вужудга келадиган янги тармоқлар махсус малакали билгани тақазо қилади. Айниқса, малакали миллий мутахассислардан иборат бўлган ишчи кучининг етишмаслиги кескин бўлиб қолмоқда. Унинг асосий сабаблари қилиб, республика умумтаълим даражасида етук мутахассислар тайёрлани тизимининг ҳали етарли даражада мукамал эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқаришни ташкил этишга бозор иқтисодиётини янги биладиган, маркетинг менежмент, молия ва кредит масалаларини тушунадиган, тайёргарлик кўрган менежер, ишбилармон кадрларга эга бўлгандагина эришиш мумкин. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов шундай деган эди: — «Бозор ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли, бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадр-

ларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилви диний»¹.

Шунинг учун ҳам республикада «Таълим тўғрисида» қонуни ва Миллий таълим дастурлари қабул қилинди. Қабул қилинган қонуни ва дастурга асосан кадрларни касб-корга йўналтириш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш асосида ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратинга асос қилинди. Шунга асосан иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг ётаки олий ўқув юр்தларига, илмий марказларга, фирмаларга ўқинишга ва малака оширишга юборилмоқда.

Ўзбекистон индустрияси, ўтмишда асосан айрим тайер маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хом ашёни дастлабки қайта ишлашга йўналтирилган эди. Улар кейин республикадан ташқаридаги йирик корхоналарга юборилар эди. Халқ истеъмол молларининг салмоғи санот маҳсулоти умумий ҳажмда 25% дан кам эмас эди. Кўришиб турибдики, Ўзбекистон жуда бой молиявий ва меҳнат ресурсларига эга, фақат бу бойликлардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш керак.

5. Ўзбекистон республикасининг жаҳон хўжалигига қўшилишининг хусусиятлари

Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилганидан кейин унинг бевосита халқаро бозорга кириши жаҳон инфратрукуралиси билан боғлиқлини объектив реалликга айланади. Аммо, ўзининг иқтисодий ва сиёсий суверинететидан ташқари яна бир катор шароитлари бўлиши керак. Биринчи навбатда истеъмол бозорини тўйинтириб, сўмнинг кадр-қимматини тиклаб, аста-секин республиканинг иқтисодий ва молиявий аҳволини соғломлаштириб бориш керак. Бу ерда яна бир муҳим муаммолардан бири етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдир. Маъълумотларга кўра, мустақилликка эришгунга қадар етиштирилган пахтанинг 90% дан ортиқроғи тола шаклидаги хом ашё сифатида экспорт қилинди. Биргина Россиянинг ўзида 10 млн. та яқин ишчи Ўзбекистон пахтасини қайта ишлаш санот корхоналарида иш билан банд бўлган. Бу дегани Ўзбекистоннинг мумкин бўлган миллий даромадининг катта қисмидан маҳрум бўлган. Шунингдек қайта ишлаш соҳасининг ривожланишининг сабабли етиштирилган мева сабзавот маҳсулотларининг 10% дан 40% гачаси истеъмолчи дастурхонига етиб бормасдан невожаб сўрилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан иқ-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 55-бет.

тисодий ҳамда илмий-техник алоқаларни ривожлантириш юзасида бир қатор тadbирлар, қарорлар қабул қилинди.

Лекин ҳозирги вақтда ҳам экспорт ҳажми паст даражасида сақланиб қолмоқда. Масалан: 1930 йилда Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқарилган товарларнинг 80% пахта толасини ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб, ҳам экспортнинг 84,9% хом ашё кўринишдаги пахта толасини жун, қорақўл ва шунга ўхшаганлардан иборат бўлади. Хом ашё сотиш жаҳон бозорида жуда кам самара беради.

Бозорда асосан тайёр маҳсулот юқори баҳоланади. Экспорт ҳажмини тайёр маҳсулот ҳисобига ошириш Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини кўплаб жалб этишни тақазо этади.

1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон республикаси жуда кўп халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатди. Шулардан, Халқаро Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва ривожланиш банки ва бошқалар.

Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши асосан чет эл инвестициялар капитални киритиш асосий ўрин тутди. Фақат 1997 йилда уларнинг ҳажми 1,1 млрд. долларни ташкил этди. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодига жами бўлиб 6 млрд. доллар АҚШ миқдорида инвестиция сарфланди. Таркибий қайта қуришни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда аралаш корхоналарини барпо этиш, мақсадли инвестицияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун шарт-шароитлар яратилди. 80 дан ортиқ чет эл давлатларининг капиталлари ёрдамида 3200 дан ортиқ корхоналар расмий равишда қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг товарлар ва хизматлар экспорти 1994—1998 йилларда 310,6 млн. АҚШ долл. 3528,2 млн. АҚШ долларига кўнайди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти пахта экспорти 1999 йилнинг биринчи чорагида ўтган шу даврга нисбатан 1,9 фозга ўсди ва жами экспортнинг 38 фозини ташкил этди¹.

22-мавзу. ХАЛҚАРО САВДО ВА САВДО СИЕСАТИ

1. Халқаро савдо ҳақидаги классик назариялар ва уларнинг шу кундаги кўринишлари

Халқаро савдо қадимги даврлардаёқ бўлган. Грек, рим, араб, хитой давлатлари қадимги даврларда ҳунармандлик буюмлари, қимматбаҳо товлар тиряк товарлар (қуллар) билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширганлар. Урта асрларда Венеция, Хива, Бухоро, Қўқон шаҳарларида савдо гуллаб яшпаган, лекин у давр-

¹ Иқтисодий кўрсаткичлар. Чорақлик нашр. «Ўзбекистон», январ—март. Тошкент, 1999. 32—33-бетлар.

ларда чет давлатлар билан савдо алоқалари оммавий тус олманган. Пулнинг умумий характерга эга бўлмаганлиги туфайли савдо ишлари бартер кўринишида бўлган.

Ишрик машиналарнинг ишлаб чиқарилиши натижасида саноат инқилоби миллий иқтисодни жаҳон иқтисодиёсига ўсиб ўтишига сабаб бўлди. Давлатлар ўзаро савдо алоқаларини амалга ошириш билан ўзаро манфаатдорликка эришишига ҳаракат қила бошладилар.

Халқаро савдони таҳлил қилиш натижасида Л. Смит **мутлоқ афзаллик назариясини** ишлаб чиқди. Бу назарияга мувофиқ баъзан бир давлатлар бирор маҳсулотни ишлаб чиқарганда мутлоқ афзалликка, самарадорликка эришадилар. Бунинг сабаби бу давлатларнинг ўзга давлатларга nisбатан қулай бўлган табиқий шарт-шароитга эга эканлигидир. Масалан: Ҳиндистонда чой етиштириш, Бразилияда кофе, Ўзбекистонда пахта етиштириш қулай ва арзон. Сабаби: табиқий шароит қулай.

Бу давлатлар учун ўзаро етиштирган товарларни алмашланиш фойдалироқ. Чунки Ўзбекистонда кофе, чой етиштириш мумкин бўлсада, биз учун самарасиз. Лекин кўпгина давлатлар мутлоқ афзалликка эга бўлмасаларда халқаро савдода иштирок этадилар. Бундай зиддиятни инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо ўзининг **нисбий афзаллик назариясида** тушунтириб берган. Айнан бир хил товар ишлаб чиқарувчи бошқа давлатларга nisбатан меҳнат унумдорлиги юқори бўлганлиги сабабли самарага эга бўлади, унинг товари кам ҳаражат талаб этади. Натижада товарларни сотган давлатларга nisбатан устунликка эга бўлади.

Халқаро савдо мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ товарларни четдан олиб келиш (импорт) ва четга чиқариш (экспорт) билан характерланади. Халқаро савдонинг иқтисодий асоси халқаро меҳнат тақсимотидир. Халқаро савдо асосида дунёда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар қайтадан тақсимланади. Жаҳон савдосининг таркибий тузилишини 60% хом ашё материаллари, 40% тайёр маҳсулотлар ташкил этади.

Халқаро савдонинг элементларига **экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт**лар киради. **Реэкспорт** деганда ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи давлат учун олиб сотиладиган товарлар киради.

Реимпорт — реэкспорт товарларни харид қилувчи истеъмоличилар ҳисобланади. Халқаро савдо обороти импорт ва экспорт товарларининг пулда ифодаланган йиғиндиси ҳисобланади. Ташқи савдо шароитида мамлакат даромадларининг модели қуйидаги кўринишига эга бўлади.

Даромад = истеъмол + инвестициялар + экспорт-импорт.

Импорт билан экспорт ўртасидаги фарқ савдо балансининг қолдиғи (сальдоси) ҳисобланади, яъни соф экспортни ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан, буён экспорт соҳасида ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Гарчи товарлар ва хизматлар экспорти АҚШ доллари қийматида 1977 йилда 4,4 фоизга, 1998 йилга келиб 20,0 фоизга камайган бўлса ҳам. Бунга сабаб савдо ҳажмининг кескин қисқарилиши ва экспорт нархларининг тушиб кетиши сабаб бўлди. Пахта толасининг экспорт ҳажми 1977 йилда деярли 10 фоизга ва 1998 йилда 14 фоизга камайди. Бунга асосий сабаб 1998 йилда ишла чиқарилган пахта ҳажми 1977 йилга нисбатан 12,0 фоизга камайиши сабаб бўлган. 1999 йилнинг 1 чорагидан пахта экспорти яна тикланиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга ўсди ва жами экспортнинг 38,0 фоизини ташкил этди. Кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 1998 йилда камайган бўлсада, 1999 йилнинг 1 чорагидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 164 ва 96,0 фоизларга кескин ўсди. Кейинги даврларда 1998—2000 йиллар мобайнида кимё саноатини ривожлантириш тўғрисида дастур қабул қилинди. Ушбу дастур 23 лойиҳадан иборат бўлиб, уларнинг энг йириклари Қизилқум сода заводи Тубегатан туз комплексини қуриш лойиҳалари (1,79 миллион АҚШ доллари)дир¹.

Бу жараён Республикамиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бун Президентимиз ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар: «Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ўзининг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Биз мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтказилган жаҳон иқтисодий анжуманида қатнашиши катта аҳамиятга эга деб биламиз. Анжуманда қатнашган Ўзбекистан ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик»².

Натижада Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилдаги ташқи савдо обороти 9 миллиард долларни ташкил этди. Экспорт муносабатлари дунёнинг 78 давлати билан амалга оширилмоқда.

2. Савдо сиёсати: назария ва тажриба. **Савдо сиёсатини амалга ошириш воситалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий алоқалар, савдо фаолияти давлат томонидан бошқарилади. Бошқариш ҳуқуқий асосларни вужудга келтириш асосида амалга оширилади. Бу жараён республикамиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бун Президентимиз

¹ Иқтисодий кўрсаткичлар. Чорақлик нашр. «Ўзбекистон», январ—март. Тошкент, 1999. 32—33-бетлар.

² Каримов Н. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 160—161-бетлар.

дентимиз ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар: «Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграцияланувини таъминлашга иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг теги ҳуқуқли аъзоли бўлиши қисқа вақт ичида Республика Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр алоқа уюшмаси, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Еуропа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотларга қабул қилиниши, иқтисодий сиёсатнинг чет эл инвестицияларнинг кенг жалб қилиш, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланганининг кафолатларини таъминлашни бўйича қонун асослари қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлади»¹.

Халқаро савдо, халқаро савдо сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Халқаро савдо сиёсати, миллий сиёсатдан даражаси ва характери жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Давлат ташқи иқтисодий савдо алоқаларини амалга ошириш мақсадида **очиқ савдо сиёсати (фритредерлик)** ва **ёпиқ савдо сиёсатини (протекционизм)**ни амалга оширади.

Очиқ савдо сиёсати натижасида иқтисодий ресурслар самарали тақсимланади. Истеъмолчилар хилма хил товарларни танлаш имкониятларига эга бўладилар.

Ёпиқ савдо сиёсати миллий иқтисодий ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида амалга оширилади. Ёпиқ савдо сиёсати (протекционизм) меркантилизмнинг илк ривожланиш даврида вужудга келган бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисмининг катта қисми бож солиғи ҳисобида таркиб тошган. **Протекционизм** сиёсати чет эл товарларига ҳар хил тўсиқлар қўйиш ёрдамида амалга оширилади. Тўсиқлар турли кўринишларда бўлади:

1. **Божхона тарифлари:** Тарифлар импортга солинадиган солиқлардир. Тарифларнинг икки хил тури мавжуд. Чет элдан келаятган товарлардан даромад олиш учун ҳамда ички бозорни чет эл товарлари кириб келишини маълум даражада ҳимоялаш учун акциз солиғи олинади. Иккинчи солиқ тури даромад солиғи ҳисобланади. Фискал тарифлар давлат томонидан пул мабтағлари оқиб келишини кўпайтириш мақсадида қўлланилади.

2. **Квоталар:** Муайян номдаги ва турдаги импорт қилинадиган товарлар миқдорини чегаралаб қўйиш ҳисобланади.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 143—144, 200-бетлар.

3. Демпинг — ўзга давлат товарларини сотишга тўсқинлик қилиш мақсадида миллий мақсулотлар баҳосини тушириш.

4. Қелаётган импорт товарларга олган лицензиясини талаб қилиш.

3. Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш.

Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиши

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли бу жаҳон хўжалигидаги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин.

Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграция миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги узвий боғлиқ ҳамжиҳат ривожланишини таъминлаш турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадида бирлашувидир.

Миллий мудофаа ҳавфсизлигини таъминлаш, иш билан бандлик даражасини ошириш, бошқа мамлакатлар томонидан иқтисодиётдаги барқарорликни бузиш, ҳали ўзи тиклаб олмаган ёш тармоқларни ҳимоя этиш, миллий бозорни чет эл фирмаларининг демпинг (товарни фойда кўрмаса ҳам бозорни эгаллаш мақсадида арзонлаштириб сотиш) сиёсатидан ҳимоя этиш, чет элдан арзон иш кучини кириб келишидан ҳимоя этишдир.

Халқаро меҳнат тақсимоти қанча чуқур бўлса ва ишлаб чиқаришдаги кооперация алоқалари қанчалик мустаҳкам бўлса, иқтисодий интеграция шунчалик муваффақиятли ва турли шаклларда ривожланади. Шунинг учун ҳам 1947 йили 23 та давлат ўртасида савдо ва бож сиёсати бўйича халқаро тарифни белгилаш ва савдонини амалга ошириш битими тузилди. Ҳозирги даврда бу битимга 111 га яқин давлатлар аъзо бўлиб, келишув Қондалари асосида халқаро савдонинг 85 фоизини амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1999 йилда кузатувчи сифатида шу ташкилотга аъзо бўлди.

1994 йилда давлатлар ўртасида келишмовчилик бўлиши натижасида ташкилот иккирозга юз тута бошлади. Уганда раундида 1994 йилдан бошлаб, ташкилотнинг номи (ГАТТ) Халқаро савдо ташкилоти (ҲСТ), деб номланади.

Натижада, давлатлар ўртасида тарифлар эркин савдо зоналарини аниқлаш ўзаро савдо-содиқ юзасидан олиб бориладиган қонун қондалар давлатларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қайтадан кўрила бошлади. Римда халқаро Европа Иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ташкил топди. Бу уюшмага 13 та давлат аъзо бўлиб у «умумий бозор» номини олди. Умумий бозор уюшмасининг асосий мақсади шу уюшмага аъзо бўлмаган давлатлар товарлари учун

умумий бож тизимини жорий эттиш, умумий бозор уюшмасига аъзо бўлган давлатлар ўртасида ишчи кучи ва капитални эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, иқтисодий соҳада ўзаро манфаатдор бўлган умумий сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврининг бошларида жаҳон савдо бозорларига чиқишда маълум даражада чегараланган эди. Ҳозир эса республика ўзининг маҳсулотлари нафта толаси, бензин, газ, олтин, техника ва автомобиль ва боника тайёр маҳсулотлари билан жаҳон бозорига ўз ўрнини эгалламоқда. 1997 йилдан бошлаб Европа уюшмасига, Халқаро валюта фондига, Жаҳон банкига аъзо бўлди. Европа қайта қуриш ва ривожланиш банклари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида чет эл инвестициялари катта аҳамиятга эгадир. 1997 йилда унинг ҳажми 1,1 млрд АҚШ долларини ташкил этди, бу кўрсаткич 1991 йилдан бошлаб жами 6,0 млрд долларни ташкил этган. Чет эл инвестициялари билан Республикада 80 дан ортиқ инвесторлари маблағлари билан 3200 дан ортиқ қўшма корхоналар очиш қайд қилинган.

4. Савдо баланси ва унинг таркибий тузилиши. Савдо балансини тартибга солиш усуллари

Ҳар бир давлат маълум вақт давомида иқтисодий алоқаларнинг бориши ҳақида маълумотларни тўплайди. Ташқи савдонинг чет давлатларда қандай аҳволда олиб борилаётганлигини ифодалайдиган маълумотлардан бири **тўлов баланси** ҳисобланади. Агарда мамлакатга кириб келаётган маблағлар нисбий бўлса, **тўлов баланси актив** ҳисобланади. Аксинча бўлганда, **тўлов баланси салбий** бўлади. Тўлов баланси пассив бўлганда, камомад чет давлатларга қимматбаҳо қоғозлар (заём) сотиш ёки Марказий банк заҳираларидан қоплаш ҳисобига тўлатилади. Ҳар қандай давлатнинг расмий валюта заҳиралари чегаралангандир. Шунинг учун тўлов балансининг узоқ, муддат камомадли ҳолда бўлиши давлатнинг валюталарини беҳудага сарфланишига, исроф бўлишига сабаб бўлади.

Бундай давлат тўлов балансини мувозанатли ҳолга келтиришга ҳаракат қилиши керак. Давлатлар тўлов балансларини халқаро валюта фондининг (ХВФ) тавсиялари асосида тузишлари керак. Бу мураккаб ҳужжат юздан ортиқ бўлимлардан иборат. Тўлов баланси божхона хизматчиларининг маълумотлари асосида тузилади. Чунки, халқаро савдодаги товарлар ҳаракатининг реал кўриниши божхоналардан ўтади.

Савдо баланси давлатнинг халқаро миқёсдаги фаолиятларининг жамини ўзида ифодалайди, одатда бир йил муддатга тузи-

лади. Ҳалқаро валюта фондининг талабига биноан савдо баланси:
 — жорий операциялар баланси;
 — пул капиталлари баланси;
 — расмий валюта заҳираларининг пировард ҳолдаги ўзгаришларини ўз ичига олади.

Ҳалқаро иқтисодий алоқалар валюталарни харид қилиш ва сотиш операцияларидан иборат бўлганлиги сабабли савдо балансида валюталарнинг кириши (+) ва чиқиб кетиши (—) белгиларда ифодаланади.

Қуйидаги *1-жадвалда* республика ташқи савдосининг 2000 йил январь-сентябр ойларида жаҳон контингентлари билан савдо қилиш маълумотлари келтирилган.

Жадвал 1
Ташқи савдо муомаласи млн. АҚШ доллари ҳисобида¹

	Экспорт	Импорт	Сальдо	Январь – сентябрь 1999 йили а нисбатан фонд ҳисобида	Ҳаммасига нисбатан фонд ҳисобида
Ҳаммаси шу жумладан:	2254,7	2203,3	51,4	98,1	100
ОВРУПО	1697,5	1184,0	413,5	85,4	62,7
Осиё	60,3	782,6	-112,5	103,9	31,6
Африка	2,6	3,3	-0,7	149,8	0,1
Америка	41,1	221,6	-177,5	103,0	7,0
Австралия ва Океания	0,2	6,8	-6,6	39,9	0,2

Ўзбекистон Республикасининг савдо баланси 2000 йилда актив бўлган. Қолдиқ млн долларин ташкил этган.

Тўлов баланси савдо балансига нисбатан кенг маънога эга. Тўлов балансида давлатлар ўртасида амалга ошириладиган туризм, иш кучи миграцияси, капитал алмашини, инвестиция соҳасига тегишли бўлган маблағларнинг нисбати ҳам олинади.

Коммерция операцияларининг ҳалқаро ҳисоблари нақд пулларсиз амалга оширилади. Шунинг учун унинг маълумотлари бухгалтерия ҳисоботларидан олинади. Ҳалқаро ҳисоблар эркин алмаштириладиган валютада, ўзаро товар айирбошлаш формасида ва клиринг савдоси ёрдамида амалга оширилади.

Клиринг — дегадда (инглизча аниқ, тозалаш) ўзаро товар алмашини жараёнида вужудга келган фарқни ҳалқаро валюта ёрдамида тўлаш тушунилади. Банклараро клиринг ва ҳалқаро валюта клиринглари мавжуд. Ўзбекистон республикасининг МДҲ ва узоқ хорижий давлатлари билан савдо ҳолати (илова, расм-21) да жадвалда келтирилган².

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь – сентябрь 2000 г. 25 стр.

² Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь – сентябрь 2000 г. 24 стр.

Ўзбекистон Республикаси 2000 йилда жаҳоннинг 120 давлатлари билан савдо алоқаларида бўлган. Ташқи савдо фаолиятининг 36 фоизини ривожланган, 26 фоизи ривожланаётган ва 38 фоизи МДХ мамлакатларига тўғри келган.

Мамлакатларнинг ўзаро ва умумжаҳон миқёсидаги алоқаларининг чуқурлашуви, уларнинг шакллариини янгиланиб боришининг инсониятнинг иқтисодий умумийлигини кучайтиради, жаҳон хўжалигини янги bosқичга олиб чиқади.

23-м а в з у. ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

1. Халқаро валюта тизими, унинг тузилмаси, фаолият қилиш сабаблари ва шаклланиш bosқичлари

Жаҳон хўжалиги алоқаларини яхши йўлга қўйилган валюта муносабатлари тизимсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Халқаро валюта муносабатлари халқаро тўлов оборотида пулнинг ҳаракат қилиши бошланиши билан вужудга келган. Валюта муносабатлари тараққиёти ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон хўжалиги таркибининг ўзгариши билан боғлангандир.

Валюта муносабатлари — бу давлатлар ўртасида ташқи савдога капитал чиқариш фойдани олиб чиқини заём ва субвенциялар олини, фан ва техника соҳасида айирбоши қилини туризм ва бошқа шунга ўхшаш хўжалик алоқаларига хизмат қилувчи жаҳон пули амал қилини билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.

Валюта муносабатлари тақсимот ва алмашув соҳасида амал қилади. Лекин нисбатан мустақил ҳолда тўлов баланси, валюта курси, кредит ва ҳисоб операциялари орқали жаҳон иқтисодиётини аҳолига, ижтимоий тақдор ишлаб чиқаришининг, айрим мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига, уларнинг халқаро иқтисодий алоқаларини турли кўринишларда таъсир ўтказади.

Бунда давлатлар ўртасида ҳисоб-китоб бир маромда, силлиқ кўчмайди, ўзаро низолар ва келишмовчилик остида бўлади. Ҳозирги замон валюта муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий вазифаси, жаҳон хўжалигининг самарали ривожланиши учун зарур бўлган шароитни яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти П. А. Каримов «Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солини ҳаммага маълум дастурлар молия, кредит, солиқ, валюта снәсати нархларини назорат қилини ҳамда билвосита таъсир кўрсатишининг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади» деган эди¹.

¹ Каримов П. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 43-бег.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро валюта муносабатларида тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиш учун ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар — Ҳалқаро валюта фондига, Ҳалқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлдилар.

Ҳар бир миллий бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга. Миллий валюта тизими мамлакатнинг пул тизимининг бир қисми бўлиб, унинг доирасида валюта ресурслари шакллантирилади ва фойдаланилади, ҳалқаро тўлов обороти амалга оширилади.

Унга қуйидаги асосий белгиларнинг бўлишлиги ҳосил:

- миллий валюта бирлиги;
- расмий тилла валюта резерви;
- пул бирликлари қийматининг олтин бараварида курс шаклланишининг тенглиги;
- валютани қайтариш шarti;
- валютага чеклашнинг бор ёки йўқлиги;
- давлатнинг ташқи ҳисоб тартиби;
- миллий валюта бозори ва олтин бозори тартиби;
- мамлакат валюта муносабатларини бошқаришни таъсис этувчи миллий ҳуқуқи.

Миллий валюта тизими пул тизимининг таркибий қисмидир. Унинг ўзига ҳослиги мамлакат иқтисодиётининг, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлик даражаси шароити билан белгиланади.

Валюта муносабатларини тартибга солишда миллий валютани мустаҳкамлаш катта иқтисодий аҳамиятга эга. «Миллий валюта биринчи босқичда товар массаси билан ишончли равишда мустаҳкамланган, дунё валютаси билан боғланган ва кафолат топган ҳолда республикада алмаштирилладиган бўлади... Унга бирор нарса сотиб олиш мумкин бўлгандагина у ўз қийматини, ҳарид қилиш қобилиятни сақлаб қолади¹.

Жаҳон валюта тизими бу — жаҳон ҳўжалигининг ривожланиши ва давлатлараро келишувига мувофиқ ҳуқуқий мустаҳкамланган ҳалқаро валюта муносабатлари шаклидир. Унинг асосий белгилари қуйидагича:

- миллий ва коллектив валюта маблағи ва олтин резервининг таркиби ва тузилиши;
- тенг валюта ва курс механизми;
- ўзаро валютани қайтариш шarti;
- валюта миқдорининг чекланиши;
- ҳалқаро ҳисоб шакли;
- ҳалқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳалқаро кредит, ташкилотининг ҳуқуқий ҳолати.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 52, 166-бетлар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳалқаро валюта тизими миллий валюта тизимлари асосида ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини, шу жумладан валютани алмаштириш ва сотиш йирик тижорат банклари воситасида амалга оширилади. Шу банклар бошқа мамлакатларда ўз фирмаларига эга ёки бошқа банклар билан шартномага эга бўладилар. Бу банклар орқали савдо ва бошқа ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш натижасида мижозлар ушбу банкка пул қўйиш ва уни бошқа мамлакатга бошқа турдаги валюта билан алмаштириш имкониятига эга бўладилар. Ҳалқаро валюта бозорининг йирик марказлари Токио, Нью-Йорк, Брюссел шаҳарлари ҳисобланади.

Ҳалқаро валюта тизими ўз тараққиётида уч босқични босиб ўтган. Ҳалқаро валюта тизимининг биринчи босқичи XIX аср охирида олтин андоза асосида юзага келган бўлиб, бунда айрим мамлакатнинг миллий валютаси бозорда олтинга эркин алмаштирилган. Бу валюта тизими XX аср бошларидаги буюк депрессия даврида барбод бўлди. Иккинчи босқичда 1944 йил АҚШ да Бреттон—Вудс конференциясида расмийлаштирилган валюта курсининг олтин андозаси сақланиб қолди. Лекин бунда АҚШ доллари олтин ва валюта алмашинувида бош воситачи қилиб белгиланди. Бу иккала воситада ҳам валюта курси ҳукумат томонидан олтинни жаҳон бозоридаги баҳосига кўра белгилаб қўйиш асосида амалга оширилди.

Ушбу конференцияда «Ҳалқаро валюта фонди» ташкил этилди.

1971 йилга келиб АҚШ ҳукумати долларини олтиннинг расмий баҳоси бўйича алмаштириб олишдан бош тортди. Чунки бу даврга келиб жаҳондаги пул заҳирасининг ўсиши қазиб олинаётган олтин миқдорига боғлиқ бўлиб қолди. Шунингдек, олтин заҳираларининг ўсиши, халқаро савдо ва молия миқёсларининг ўсишидан орқада қола бошлади.

Бу орада чет мамлакатларга чиқиб кетган АҚШ нинг доллар миқдори кўпайиб савдо балансида камомад ортиб кетди, ҳозирда амал қилиб турган учинчи босқич 1976 йилда ХВФ томонидан жорий этилган бўлиб, давлатлар ўртасида валюта муносабатлари миллий пул бирлигининг ўзгариб турувчи, «Сузувчи» курс асосида ҳаракат қилишини белгилашдан бошланиб ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Мамлакат агарда қўйидаги учта шартни бажарса олтин андоза қабул қилган ҳисобланади:

- ўзининг пул бирлигига маълум миқдорда олтин ўрнатиш;
- мавжуд олтин заҳираси билан таклиф пул миқдори ўртасида қатъий нисбатни сақлаш;
- олтиннинг эркин экспорт ва импортига қаршилик қилмаслик.

Бунга кўра, агарда ҳар қайси давлат ўзининг пул бирлигига олтин ҳолатини белгиласа, турли миллий валюталар ўзаро белги-

ланган нисбатларга эга бўлади. Масалан; АҚШ ўз долларини 0,1 грамм олтинга тенглаштиради, Англия эса фунт стерлингни 0,2 грамм олтинга, демак бир фунт стерлинг 2 долларга тенг. Аммо «Олтин андоза» тизимига кўра мамлакат миллий валютасини жорий этиш учун; албатта ўз олтин заҳирасига эга бўлмоғи керак ва олтин заҳираси тугаса «Олтин андоза»дан воз кетишига мажбур бўлади.

Ҳозирги вақтда амал қилаётган ҳалқаро валюта механизмининг асосий кўринишлари қуйидагича. Валюта бирлигини олтинга боғлиқлиги йўқолди. Натижада унга ўзгармас баҳо белгилаш ҳам йўқ бўлди. Олтин нафақат ички, ҳатто жаҳон бозорида ҳам умумтўлов воситаси пул родини бажаришдан тўхтади.

Шунинг учун коллектив валюта бирлигини яратишга эришилмаганлиги учун доллар валюта молия механизмида асос бўлиб қолмоқда ва ҳалқаро муомалада кредит тўлов воситасини бажармоқда, бош валюта резерви родини ўйнамоқда.

Жамоа валюта бирлиги у банкнот ёки пул бирликлари кўринишида бўлмоқда. Жамоа валюта бирлиги асосида нақд пулсиз махсус ҳисоб китоб юритилади. Бу махсус пул ҳисоб-китоб юритиш усулидир. Жамоа валютасига 1970 йилда «Ҳалқаро валюта фонди» томонидан ЭИР (ўзаро фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат) киради. ЭИРнинг қиймати валюта саватчаси асосида ташкил топади. Валюта саватчаси «Ҳалқаро валюта фондида»ги қийматининг 42% АҚШ доллари, ГАРбий Европа пул бирлиги (фунт-стерлинг, франк, марка) ва Япониянинг 13% йени ташкил этади. Махсус ҳисоб-китоб юритиш билан бирга регионал (минтақавий) ҳисоб пул бирликлари мавжуд. Бу ЭКЮ Европа ҳисоб бирлиги бўлиб Европа Иқтисодий Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланади. Ҳозирги даврда, яъни XX асрнинг охириги йилда ЭКЮ нақд ва чекли пулга айланганини мўлжалланмоқда.

Бунинг учун Европа Марказий Банкни ташкил этиш ва Европа Давлатларининг Миллий Банкларни унинг бўлимларига айлантириш белгиланган. Осиё, Африка ва Лотин Америка давлатларида ҳам бир неча хил жамоа валютаси мавжуд бўлиб, унинг ҳисоб-китоби Араб валюта фонднинг динориди, АНД пактининг АНД пессосида ва Африка давлатлари ва унинг доирасига кирувчилар Франция франкида ҳисоб-китоб юритадилар. Ҳалқаро валютанинг энг асосий хусусиятларидан бири уни конвертациялашувидир. Яъни миллий ички пул валютаси чет эл давлатлари валюталари билан алмашинувидир.

Валюталарни конвертациялашуви яъни алмашинуви эркин, қисман ва алмашмайдиган валюталарга бўлинади. Эркин алмашувчи валюталар белгиланган ҳалқаро курсларда барча чет эл валюталари билан алмашинади. Масалан: АҚШ доллари, Қанада доллари, Япония йени бунга мисол бўла олади. Айрим миллий ички

валюталар чекланган даражада ҳалқаро муомалада бўлиши мумкин. Масалан: товар-пул муносабатларида фақат товар операцияларида конвертация бўлмайдиган миллий валюта фақат ички тўлов муомаласида қўлланилади. Миллий валюта чет эл валюталарига алмаштирилади. Миллий валюталарнинг конвертациялашуви ички ва ташқи конвертациялашувида бўлишида. Ташқи валюта конвертациялашувида чет элнинг юридик ва фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган шахслар бемалол миллий валюта кўришишида тўловни амалга оширишлари ёки миллий валюта кўришишида активларга эга бўлишлари мумкин. Ички конвертациялашувида фақат чет эл валютасини давлатнинг ўзида харид қилиш ва айрим тўлов ҳисоб-китобларини амалга ошириш мумкин.

2. Валюта курси ва харид қобилиятининг устувлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов «Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир... Ўз валютамыз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади... валютанинг барқарор амал қилиш унинг муҳимлиги, эркин алманишуви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ... миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шarti инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир» деган эди¹.

Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи **валюта курси** деб аталади. Валюта курси айир-бошлаш курси деб ҳам аталади. Бирор давлат валютаси баҳосининг бошқа валютага нисбатан пасайиши **девальвация** дейилади. Баҳосининг кўтарилиши эса **ревальвация** дейилади. Валюта курси ички турга бўлиниши мумкин:

— қатъий ўзгармайдиган курс — валюталар нархи барқарор туради;

— сузиб юрувчи курс — валюталар курси ўзгариб туради, ammo маълум чегарада юз беради, яъни курс чексиз ошиб ёки камайиб кетмайди.

Валюта курси таъсирида экспорт ёки импорт устиворлиги таъминланади. Бозор ўзгариб ресурслар оқими ҳам ўзгаради. Валюта курсининг ўзгаришлари бевосита иқтисодиётга таъсир этганида уни ўзгартириш билан иқтисодиётга тартиб берилади. Валюта курси пул қадрини ифодалайди. Валюта курси деб чет эл валюта қиймати бирлигини миллий валюта бирлигини қийматига тенглаштиришга дейилади.

Масалан: АҚШ доллари 85,5 сўмга ёки немис маркаси 47,25 сўмга тенг ва ҳоказо. Ёки тескариси агарда миллий валюта чет эл валю-

¹ Қаримов И. Ўзбекистон буюк келажак сарни. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 369, 371, 373, 374-бетлар.

тасига тенглаштирилса, тескари тенглаштириш дейилади. Масалан: 1 сўм = 0,0117 АҚШ долларига, 1 сўм = 0,0212 немис маркасига ва ҳоказо. Агар валюта нарҳи ошса, курс юқорилашган бўлади ёки аксинча. Валюта товар бўлганидан унинг нарҳини белгиловчи асос бўлиши керак. Шундай асос валюталар «ҳарид қобилиятининг паритети» дейилади, уни валюта бирлигини қурби, яъни унинг ҳарид қобилияти белгилайди. Масалан: 1 доллар, 1 марка, 1 сўм, 1 танга нима олиш мумкин, шунга қараб валюта курси аниқланади. Валютанинг қурби нарҳга боғлиқ. Валюта курсини ҳисоблашда энг муҳим товарлар нарҳига қараб ҳар бир валютанинг курси аниқланади.

Валютанинг ҳарид қилиш қобилияти қуйидагича белгиланади.
 Vx/P долларда/ P сўмда = доллар миқдори/сўм миқдори = 1/85
 P — баҳо саватчаси

Vx — валютани ҳаридоргир қилиш қобилияти

Валюта ҳарид қилиш қобилияти паритети назариясига ХХ аср бошларида швед иқтисодчиси Г. Кассел (1886—1945) асос солган. Бу назарияга асосланган ҳолда халқаро иқтисодий тенглашувлар асосида, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотлари иш юритмоқдалар. Инфляция даврларида пулнинг жамғариш вазифаларини чет эл валюталари амалга оширади. Бу даврда чет эл валюталари қиймати ошади.

Валюта баҳоси ва валюта бозори депозитивлари валюта курсларига ва банкларга қўйилган валюталарга тўланадиган фоизларга боғлиқ бўлади. Масалан: АҚШ ва ГФР фоизи 5 га тенг. ГФР фоизини 7 га оширди. АҚШда эса ўзгармади. Бундай шароитда капитал АҚШдан Германияга ўтказила бошлаганига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида валюта миграциясига олиб келади.

Валюта миграцияси капитал курсини ўзгартиришга олиб келади. Валюта курсининг ўзгариши иқтисодиётнинг турли соҳаларига ҳар хил таъсир қилади. Экспортга ишловчи корхоналарга валюта курсининг пасайиши қулай унинг ортиши эса зарар келтиради. Иқтисодиётда шундай ҳолда бор, миллий валютанинг курси ошганда импорт унинг курси пасайганда эса экспорт қулай бўлади.

3. Валюта курсини давлат томонидан бошқариш

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашув ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бў-

либ кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади, жаҳон иқтисодиётига қўшилишидан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа — Ўзбекистондаги барча ҳўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратин асосида ҳалқаро валюта молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади»¹.

Валюта муносабатларини давлат томонидан ва давлатлараро миқёсда тартибга солиш валюта сиёсати асосида амалга оширилади.

Валюта сиёсати — давлат муассасалари ва ҳукуматлараро ташкилот томонидан қабул қилинган дастурга мувофиқ ўтказиладиган иқтисодий тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. Валюта интервенцияси орқали миллий ички валюта курсини ушлаб туради. Валюта интервенцияси йирик давлатларнинг чет эл валюталарини сотиб олиш йўли билан валюта курсларини ошуви ёки камайишига таъсиридир. Давлат ўз валюта курсини ошишидан манфаатдор бўлса, у чет эл валюталарини сотиб миллий валюталарни сотиб олади ёки миллий валюта курсини тушириш учун чет эл валютасини сотиб олади. Валюта инвентаризациясини одатда, Марказий банклар амалга оширади. Давлат қатъий валюта курсини ўтказиш йўли билан ҳам валюта сиёсатини ўтказади, ёки маълум муддатга бошқариловчи валюта курси сиёсатидан ҳам фойдаланилади.

Валюта курсини ўзгариши иқтисодиётни аҳволига сезиларли даражада таъсир этади. Шунинг учун у мамлакат ва давлатлараро муносабатларда тартибга солинади. Республикада ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида товарларни импорт қилиш учун божхона тўловларини бекор қилди. Маҳсулотларни экспорт қилиш учун божхона тўловлари камайтирилди, қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинди. Экспортдан келган валюта тушумларидан солиқ олиш ўрнига унинг 30%. Республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди, корхоналар валюта тушумининг бир қисми корхона манфаатдорлигини ошириш учун уларнинг ихтиёрида қолдирилди. Давлатнинг валюта курсига таъсир этишининг тўғри ва билвосита усуллари бор. Очiq иқтисодиёт шароитида билвосита усулларга пул кредит ва молиявий сиёсатни бутун воситалари киради. Миллий валютани курсига муомаладаги пул ҳажми, реал фониз ставкаси: инфляция суръатлари таъсир кўрсатади. Давлат валюта курсига таъсир этувчи тўғри усулларни қўллаш мумкин. Уларни ичидан дисконт сиёсатни (банк томонидан олинувчи фонд) ва ташқи валюта бозорларида валюта интервенциясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й. 269, 271-бетлар.

АҚШ да 70-йилларда доллар курси пасайиши тенденцияси кузатирилган. 70-йилларнинг охирида эса АҚШ ҳукумати долларни қувватлаш режасини қабул қилди. У банк ҳисоб ставкасини ошириш ва йирик кўламда валюта интервенциясини назарда тутар эди. Ушбу режани амалга ошириш бошида долларни курсини пасайтиришни тўхтатиш, сўнга эса 80-йилларда ошириш имконини берди. Бунга фақат юқорида қайд қилинган воситалар билан бирга ўша даврда ўтказилган қаттиқ пул-кредит сиёсати орқали эришилган.

Валюта курсини тартибга солиш девальвацияга валюта курсини пасайишига ва ревальвацияга (валюта курсини кўтаришга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ушбу даврда ҳукумат олдида қўйилган мақсадлари ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳволга боғлиқ бўлади. У валютани девальвацияга суяшиб жами талабни экспорт имкониятларини ҳисобга оширишни ёки уни ревальвация билан чеклаш мумкин.

Мамлакатлар марказий банклари ўзларининг валюталарини ташқи бозорда сотиш ёки сотиб олиш йўли билан валюта интервенциясини амалга оширадilar. Валюта курсини девальвациясини амалга ошириш учун валюта бозорларида ўзини валютасини таклифини ошириш зарур. Бу пулни қўшимча эмнеся ҳисобига амалга ошириш, мумкин. Агар валюта интервенцияси ревальвацияга қаратилган бўлса, унда мамлакат Марказий банки ўзининг миллий валютасини ўзининг ихтиёридаги чет эл валютаси ҳисобига иложи борича кўпроқ сотиб олиши мумкин. Бундай тадбирларни амалга ошириш учун мамлакат валюта резервларига эга бўлиши керак. Бунинг учун эса давлатларда махсус барқарорлаштириш фондлари ташкил этилади.

Валюта соҳасида давлат протекционистик сиёсатини ҳам қўллаши мумкин ёки валютавий чегаралашни амалга ошириши мумкин. Уни қўллаш натижасида давлат олтин ва валюта операцияларини устидан назорат ўрнатади. Миллий экспортёрлар ўзларининг маҳсулотларини сотишдан олган валюталарини бозорда сота олмайдилар, уни ўрнатилган курс билан топширишлари ўрнига эса миллий валютани олишларига мажбур бўладилар.

4. Валюта — молиявий доирадаги давлатлараро тузилмалар

Биз биламизки, валюта ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳукуматлар доирасида олиб борилади. Валютани тартибга солиш соҳасида Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки (ХРТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ва бошқалар муҳим ўрни тутадилар.

ХВФ — халқаро валюта фонди — кредит ташкилоти 1944 йили ташкил топган. Валюта фондиниңг икки асосий вазифаси бор: ўз

аъзолари бўлмиш мамлакатларнинг валюта алоқаларини (валюта айирбошлаш валюта билан тўловларни амалга ошириш ва ҳ. к.) бошқариб туриш; умумий кредит маблағларидан аъзо мамлакатларга қарз бериб уларнинг тараққиётига кўмаклашиш.

Валюта фондининг капитали унга аъзо мамлакатларнинг бадав пулидан ташкил топади. Унинг ўсиши янги аъзоларнинг бадав пули ва кредит учун олинган фондлар ҳисобига юз беради. Валюта фондида қўшилган давлатлар ўз валюталари курсини халқаро регионал валюталарга нисбатан белгилайди ва бу курс маълум чегарада ўзгаради. Бу билан давлатлараро бир-бирига пул тўлашда валюта курсининг ўзгариши катта салбий оқибатлар келтирмайди ва валюта алоқаларини ўзаро манфаатли қилади. Валюта фондининг кредити маълум мақсад учун берилади. Кредит миллий валютага хорижий валютани сотиш тарзида берилади. Кредит қайтарилганда қарздор мамлакат хорижий валютага қайтадан ўз валютасини сотиб олади. Кредит олинган қарз валюта фонди тавсияларига биноан ишлатилгандагина берилади.

ХРТБ — халқаро реконструкция ва тараққиёт банки 1945 йилда ташкил топган. Банк маблағлари унинг устав капиталидан (аъзолари қўшган пулдан), ўз облигациясини халқаро бозорда сотишдан келган пулдан ва ниҳоят банкнинг ишлаб топган даромадидан иборат, ХРТБ унга аъзо бўлган мамлакатларга уларни иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш мақсадида узоқ муддатли заёмлар беради.

ИХТТ — иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти 1985 йил Эрон, Покистон, Туркия ҳамкорлигида тузилган. 1992 йил февралда Озарбайжон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари аъзо бўлиб кирди. Аъзо мамлакатлар ўртасида савдо иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади. Ташкилот идораси Техронда жойлашган.

Валюта ҳаражатларини бошқариш давлатлараро даражада олиб борилади. Валютани тартибга солишда Ғарбнинг ривожланган етти мамлакатларини ҳар йилги йиғилишлари, Халқаро валюта фонди (ХВФ) Халқаро тиклаш ва ривожланиш банки (ХТРБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) муҳим ўрни тутади. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришни рағбатлантириш учун ташқи иқтисодий фаолиятларини эркинлаштиришни ҳуқуқий негизлари, аввало «ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «чет эл инвестициялари» ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлари тўғрисида қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун халқаро шартномалар учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга чет эл инвестицияларини республика иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган имкониятни яратди.

I БУЛИМ

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу. Иқтисодиёт назарияси фани вужудга келишининг асосий босқичлари	5
2-мавзу. Эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш жараёни	8
3-мавзу. Мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакллари	25
4-мавзу. Товар ва пул муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши	33
5-мавзу. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари	44
6-мавзу. Талаб ва Таклиф мувофиқлиги назарияси	51
7-мавзу. Ўзбекистон республикасида бозор иқтисодиётининг шаклланиш назарияси	57

II БУЛИМ

МИКРОИҚТИСОДИЁТ

8-мавзу. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши	64
9-мавзу. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари, уларнинг моҳияти ва туркумланиши	72
10-мавзу. Рақобат ва монополия	77
11-мавзу. Бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатлар	86

III БУЛИМ

МАКРОИҚТИСОДИЁТ

12-мавзу. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни	96
13-мавзу. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг давриелиги. Ишсизлик ва инфляция	104
14-мавзу. Иқтисодий ўсиш назарияси ва амалиёти	112
15-мавзу. Пул-кредит тизими. Давлатнинг монетар сиёсати	118
16-мавзу. Давлатнинг солиқ сиёсати	127
17-мавзу. Молия муносабатлари ва унинг иқтисодиёт учун аҳамияти, Давлат бюджети	133
18-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари	140
19-мавзу. Макроиқтисодий мувозанат шартлари. Миллий даромад даражасини аниқлаш	145
20-мавзу. Давлатнинг ижтимоий сиёсати	149

IV БУЛИМ

ЖАҲОН ҲўЖАЛИГИ

21-мавзу. Жаҳон ҳўжалиги ва унинг эволюцияси	159
22-мавзу. Халқаро савдо ва савдо сиёсати	163
23-мавзу. Валюта тизими ва валюта муносабатлари	175

ИЛОВА

ИЛОВА

Handwritten signature

Handwritten signature

1999 йил




2000 йил



	- давлат мулк	11,1	12,6
	- подавлат мулк	88,9	87,4


Умумий сонга нисбатан фонд хисобида

Расм 1. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликни шакллантиши*




Расм 2. Талаб эгри чизиги


* Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-сентябрь 2000 года.




Расм 3. Талаб эгри чизинини нархдан ташқари омиллар таъсирида ўзгарishi.




Расм 4. Талаб миқдорини нарх таъсирида ўзгарishi.




Расм 5. Таклиф эгри чизинги.




Расм 6. Таклиф эгри чизигини нархдан ташқари омиллар таъсирида ўзгарини.




Расм 7. Мувозанатлашган бахони шаклланиши




Расм 8. Эгилувчан талаб чизини.




Расм 9. Эгилувчан бўлмаган талаб чизини.




Расм 10. Талаб эгри чизгенининг эгишувчанлиги.



Расм 11. Абсолют эгилувчан бўлмаган талаб.



Расм 12. Абсолют эгишувчан талаб



Расм 13. Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг даврийлиги.




Расм 14. Иқтисодий ўсми жараёни

нифзияция даражаси



Расм 15. Филлине эгри чизилги.



Расм 16. Пул бозорида мувозанатни тикланиши.




Рис. 17. Умумний іктисодый мувозанат таҳлили.






Рис. 18. Жами талаб ва жами тақриф эгривинини.




Расм 19. Микроиқтисодиётнинг кейинча талқини.

Даромад миқдоридagi салмоқ %



Расм 20. Лоренц эгри чизиги.



- МДХ
- ▨ узоқ қорғоқий давлатлар

Расм 21. МДХ ва узоқ қорғоқий давлатларнинг Ўзбекистон республикасининг январь-сентябр оғидаги ташқи савдодаги ҳажми фойиъ ҳисобида.

А. Догуров.